

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

**“ДУНЁ ДИНЛАРИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА  
ЗАМОНАВИЙ ҚАРАШЛАР”  
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

**Тошкент 2018**

*Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 27 мартдаги 247 - сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.*

**Тузувчи:**

**Ф.ф.д М. Артиков**

**Такризчилар:**

**Ф.ф.д., Абдисамидов  
Ўқитувчи А.Ташанов**

*Ўқув - услубий мажмуа ЎзМУ Илмий кенгашининг 2017 йил 30 августдаги 1 - сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.*

## МУНДАРИЖА

|  |    |
|--|----|
| I. ИШЧИ ДАСТУР .....   | 4  |
| II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ<br>ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ..... | 4  |
| III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....                                 | 14 |
| IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....                                    | 66 |
| V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....  | 71 |
| VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....                                       | 71 |
| VII. ГЛОССАРИЙ .....   | 73 |
| VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....   | 91 |

## I. ИШЧИ ДАСТУР

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сонли қароридан белгиланган устивор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Жамият тараққиёти нафақат мамлакат иқтисодий салоҳиятининг юксаклиги билан, балки бу салоҳият ҳар бир инсоннинг камол топиши ва уйғун ривожланишига қанчалик йўналтирилганлиги, инновацияларни тадбиқ этилганлиги билан ҳам ўлчанади. Демак, таълим тизими самарадорлигини ошириш, педагогларни замонавий билим ҳамда амалий кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, чет эл илғор тажрибаларини ўрганиш ва таълим амалиётига тадбиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. **“Дунё динлари тарихини ўрганишда замонавий қарашлар”** модули айнан мана шу йўналишдаги масалаларни ҳал этишга қаратилган.

**“Дунё динлари тарихини ўрганишда замонавий қарашлар”** модули ўқитишда илғор хорижий тажрибалар маъруза ва амалий машғулотларни ўзлаштириш жараёнида тингловчилар Европа, Америка кўшма штатлари, Россия ва қатор Осиё давлатларининг ўқитиш жараёнининг ташкил этилиши, модуль-кредит тизими, фанларнинг тақсимланиши, етакчи хорижий олигоҳларида чоп этилган дарсликлар, ўқув ва услубий қўлланмалар ҳақида тасаввурга эга бўладилар.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**“Дунё динлари тарихини ўрганишда замонавий қарашлар”** модули ўқитишдан мақсад: олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари билан глобаллашув жараёнининг ўзига хос жиҳатлари, уни ўрганиш ва таҳлил қилишга қаратилган илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш орқали ушбу йўналишдаги таълим жараёнини мувофиқлаштириш ва мазмунан бойитиш, глобаллашувнинг миллий-маънавиятимизга таҳдиди бўйича маълумотларни бериш самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган замонавий ёндашувлар билан ҳамда педагогик ва ахборот технологиялар билан таништириш, миллий ғоя, маънавият асослари, диншунослик соҳасида юксак малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш.

### **Модулнинг вазифалари:**

- Республика олигоҳларида “Дунё динлари тарихини ўрганишда замонавий қарашлар” таълими структурасини мувофиқлаштириш;
- Республика олийгоҳларида “Дунё динлари тарихини ўрганишда замонавий қарашлар” таълимнинг моҳиятини мукамаллаштириш;
- Республика олийгоҳларида “Дунё динлари тарихини ўрганишда замонавий қарашлар” ўқитиш методикасининг асосий муаммолари, таълим-тарбия жараёнини замон талабларига мос ҳолда ташкил этиш ва бошқариш;  
Фан бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Дунё динлари тарихини ўрганишда замонавий қарашлар” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

#### **Тингловчи:**

- жаҳон етакчи университетларининг ўқув режалари;
- хорижий “Дунё динлари тарихини ўрганишда замонавий қарашлар” бўйича дарсликлари, ўқув қўлланмалари структураси;
- жаҳон ва республикамизнинг “Дунё динлари тарихини ўрганишда замонавий қарашлар” модулнинг ривожига ҳақида билимларга эга бўлиши;

#### **Тингловчи:**

- Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси фанларининг модулини яратиш;
- Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси ўқитилишида кейс, лойиҳа ва бошқа технологияларни қўллаш кўникма ва малакаларини эгаллаши;
- Илғор хорижий университетларда қўлланадиган модуль, ассесмент, кейс ва бошқа интерфаол услуб ва технологияларни;
- Ўқитиш жараёнида жаҳон ва республикада миллий ғоя, маънавият асослари, диншунослик фанининг ривожланиш тенденцияларини;
- креативлик ва ижодийликни миллий ғоя, маънавият асослари, диншуносликка

оид фанларни ўқитишда қўллана олиш компетенцияларни эгаллаши лозим.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Дунё динлари тарихини ўрганишда замонавий қарашлар” янги модул бўлганлиги туфайли дарс давомида модулни мазмунан бойитиш тингловчилар ўз тажрибалардан ва интернет тармоқларидан олган материалларни оммавийлаштириш мақсадга мувофиқ.

Курсни ўқитиш жараёнида кичик гуруҳларда ишлаш, аудитория дарслардан олдин маъмулотлар билан таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган. Ҳар бир тингловчи учун Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси фанини ўқитишида ўзини ва илғор хорижий тажрибаларни солиштириш учун имкониятлар яратилади.

Республикамизнинг олийгоҳларида қўлланилиши мумкин бўлган усул, воситалар ва технологияларни танлаб олиш учун тингловчилардан амалий фаоллик табал этилади.

### **Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

**“Дунё динлари тарихини ўрганишда замонавий қарашлар”** модули мазмуни ўқув режадаги илғор таълим технологиялари ва педагогик йўналишидаги (касбий компетентлик ва креативлик, замонавий педагогик технологиялар ва бошқ.), ахборот коммуникацион технологияларини ёритиб турувчи барча модуллари билан узвий боғлиқ. Олий ўқув юртларида Миллий гоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси ўқитиш самарадорлиги, республикамизда фаннинг ривожланиши, уни ўқитишга оид замонавий билим ва кўникмалар ҳамда илғор педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилганда амалга ошади.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар илғор хорижий мамлакатларда диншунослик ўқитишни ташкил қилишнинг хорижий тажрибаларни ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар. Сўнгги йилларда “Дунё динлари тарихини ўрганишда замонавий қарашлар” соҳасидаги ютуқлар ва истиқболлар олий ўқув юртларидаги таълим жараёнининг мазмунини бойитишга хизмат қилади.

**“Дунё динлари тарихини ўрганишда замонавий қарашлар”  
модулининг соатлар бўйича тақсимоти**

| №            | Модул мавзулари  | Тингловчининг ўқув юкламаси,<br>соат |                            |           |           |  | Мустақил таълим |
|--------------|--|--------------------------------------|----------------------------|-----------|-----------|--|-----------------|
|              |  | Ҳаммаси                              | Аудитория ўқув<br>юкламаси |           |           |  |                 |
|              |  |                                      | жумладан                   |           |           |  |                 |
|              |  |                                      | Жами                       | Назарий   | Амалий    |  |                 |
| 1.           | Дунё динларига хос умумий ва хусусий жиҳатлар  | 4                                    | 4                          | 2         | 2         |  |                 |
| 2.           | Дунё динлари тарихини ўрганишда тарихий манбаларнинг ўрни.                               | 4                                    | 4                          | 2         | 2         |  |                 |
| 3.           | Динни антропологик ўрганиш. Динни тадқиқ этишда феноменологик ёндашувлар                 | 4                                    | 4                          | 2         | 4         |  |                 |
| 4.           | Диний мутаассибликка қарши диний бағрикенгликнинг диний манбавий асослари                | 8                                    | 6                          | 2         | 4         |  | 2               |
| 5.           | Ўзбекистонда исломий қадриятларнинг тадбиқ этилиши ислом маданиятига айланиши жараёнлари | 10                                   | 8                          | 2         | 4         |  | 2               |
| <b>Жами:</b> |  | <b>30</b>                            | <b>26</b>                  | <b>10</b> | <b>16</b> |  | <b>4</b>        |

**НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

**1-Мавзу: Дунё динларига хос умумий ва хусусий жиҳатлар**

Дунё динларига хос умумий ва хусусий жиҳатлар. Дунё динларини минтақавий хусусиятларига қараб ўрганишнинг аҳамияти.

**2-Мавзу: Дунё динлари тарихини ўрганишда тарихий манбаларнинг ўрни.**

Дунё динлари тарихини ўрганишда тарихий манбаларнинг ўрни. Диний манбалардаги хронологиянинг ўрганилиши. Дин фалсафаси. Дин социологияси. Дин психологияси.

**3-Мавзу: Динни антропологик ўрганиш. Динни тадқиқ этишда феноменологик ёндашувлар**

Динни антропологик ўрганиш. Динни тадқиқ этишда феноменологик ёндашувлар. Ибтидоий динларни замонавий қабилалар ҳаёти асосида ўрганиш. Уруғ-қabila динларини ўрганишда археологик манбаларнинг

аҳамияти. Жаҳон динларининг қадимий ва ҳозирги кундаги жиҳатлари орасидаги фарқлар.

#### **4-мавзу. Диний мутаассибликка қарши диний бағрикенгликнинг диний манбавий асослари**

Диний мутаассибликка қарши диний бағрикенгликнинг диний манбавий асослари.

#### **5-мавзу. Ўзбекистонда исломий кадрларнинг тадбиқ этилиши ислом маданиятига айланиши жараёнлари.**

Диний мутаассибликка қарши диний бағрикенгликнинг диний манбавий асослари. Ҳозирги даврда Марказий Осиёда ва хусусан Ўзбекистонда исломий кадрларнинг тадбиқ этилиши ислом маданиятига айланиши жараёнлари. Диний мутаассибликка қарши Ўзбекистонда диний маърифат масалалари. Ҳозирги кунда давлат ва дин муносабатларга доир Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан чиқарилаётган фармонлар ва уларнинг ижроси.

### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

Маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва интерфаол педагогик (Ақлий ҳужим, бумеранг) усул ва технологиялардан фойдаланилади.

Ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, график органайзерлардан, кейслардан фойдаланиш, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, блиц-сўровлардан ва бошқа интерактив таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

### **ЖОРИЙ НАЗОРАТ(АССИСМЕНТ)НИ БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

Жорий назорат (ассисмент)ни баҳолаш Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Тармоқ (минтақавий) марказида тасдиқланган шакллари ва мезонлари асосида амалга оширади.

Ушбу модулнинг жорий назорат(ассисмент)га ажратилган максимал балл-**0,8 балл.**

### **АДАБИЁТЛАР**

1. Тайлор Э. Первобытная культура. М., 1989.
2. Религиозные традиции мира. Буддизм, иудаизм, христианство, ислам. Справочник школьника. Бишкек, 1997.
3. Радугин А.А. Введение в религиоведение: теория, история и современные религии. М., 1996; 2-е издание, исправленное и дополненное. М., 1999.
4. Основы религиоведения. Под редакцией И.Н.Яблокова. М., 1994. Издание второе, переработанное и дополненное. М., 1998.



5. Лекции по истории религии. Учебное пособие. Санкт-Петербург, 1997.
6. Лекции по религиоведению. Под редакцией профессора И.Н.Яблокова. М., 1998.
7. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. – Т.: Ислом университети, 2005.
8. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. –Т.:Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009.
9. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.: Ўзбекистон, 2000.
10. Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири. Т.: Адолат, 1998.
11. Беруний Абу Райҳон. Танланган асарлари: Т.1. (Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар) Т.: Фан, 1968.
12. Йўлдошхўжаев Ҳ., Раҳимжонов Д., Комилов М. Диншунослик: маърузалар матни. Т.: 2000й.
13. Қуръони қарим.-Т.: «Чўлпон», 1993 йил.
14. Ҳусниддинов З.М. «Ислом: йўналишлар, оқимлар, мазҳаблар». «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти. Тошкент, 2000 йил.
15. Ҳасанов А.А. «Қадимги Арабистон ва илк ислом, жоҳилия асри». «Тошкент ислом университети», 2001 йил.
16. «Ислом зиёси ўзбегим сиймосида». «Тошкент ислом университети» нашриёти, 2001й.
17. «Шарқ» нашриёт – матбаа концернининг бош таҳририяти. Т.: 1998 й.
18. Шайх Муҳаммад Хузарий. «Нурул яқин ва итмомул вафоъ». Мовароуннаҳр нашриёти, 1992 йил.
19. Исҳоқов М.М. Халқ даҳосининг қадимги илдизлари ва илк куртаклари (Зардуштийлик, Зардушт ва Авесто ҳақида) // «Тил ва адабиёт таълими» журнали, № 2 (1992), Б. 3-12.

### **Электрон таълим ресурслари**

1. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
2. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
3. [infocom.uz](http://infocom.uz) электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
4. [www.nuuz.uz](http://www.nuuz.uz)
5. [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

### «ФСМУ» методи


**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қийслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

### Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;

- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.



ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

**Намуна:** “Динларни ўрганишда самарали услублардан бири минтақавий ёндашув” фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.



## “Тушунчалар таҳлили” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод қатнашчиларнинг янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади, шунингдек мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш мақсадида қўлланилади.

“Тушунчалар таҳлили” методини амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

**Намуна:** “Мавзуга оид тушунчалар таҳлили”

| Тушунча                    | Ҳал қилувчи куч | Самараси нимада акс этади | Ёндашувни илгари сурган олимлар |
|----------------------------|-----------------|---------------------------|---------------------------------|
| <i>Қиёсий динишунослик</i> |                 |                           |                                 |
| <i>Виждон эркинлиги</i>    |                 |                           |                                 |
| <i>Дин социологияси</i>    |                 |                           |                                 |
| <i>Тотем</i>               |                 |                           |                                 |

**Изоҳ:** Бўш устунларга қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

**Методни амалга ошириш тартиби:**

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

| Белгилар                                       | 1-матн | 2-матн |
|--|--------|--------|
| “V” – таниш маълумот.                          |        |        |
| “?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак |        |        |
| “+” бу маълумот мен учун янгилик               |        |        |
| “– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?   |        |        |

Белгиланган вақт яқунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот яқунланади.

### **“Бумеранг” технологияси**

**Мақсади:** ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

### **Амалга ошириш босқичлари:**

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топширик, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални 5 дақиқа давомида синчиклаб ўрганиш талаб этилади. .

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи гуруҳ аъзоларини ўқилган маълумот ҳақида фикр алмашилиш имкониятини беради. Бу вазифа учун 5 дақиқа вақт берилади.

3. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат бошқа кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларининг ҳар бири ўқиган маълумот ҳақида фикр алмашилиш имкониятини беради. Бу вазифа учун 10дақиқа вақт берилади.

4. Барча дастлаб шаклланган гуруҳларга иштирокчилар қайтади, ва фикр алмашинган маълумот юзасидан бошқа гуруҳларга бериш учун савол шакллантиради.

5. Ҳар бир гуруҳдан 1 киши савол беради, ва тўғри жавоб учун 1-3 гача балл қўйилади.

6. Тренер-ўқитувчи барча гуруҳлар тўплаган балларни умумлаштириб, ғолиб гуруҳни эълон қилади.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

**“Бумеранг” технологияси асосида вазифа:** Олинган материални мазмунини тушуниб олишга ҳаракат қилинг, сўнг гуруҳда муҳокама қилинг

|                                 |   |
|---------------------------------|---|
| <p><i>1- гуруҳга вазифа</i></p> | <p>Мультискрипт бу ахборот узатишнинг ўзига хос шакли бўлиб, бир томондан катта ҳажмдаги видеоматериаллар билан ишлашни осонлаштиради, иккинчи томондан ўз ичига матн, аудио ва видео каби бир қанча медиавий форматларни олади. Бизни қизиқтирган видеотасма фрагменти ҳамда бу фрагментга тегшли транскрипти тез ва катта аниқликда танлаб олиш мумкин. Мультискрипт ўз ичига учта блокни олади – плеер, “стенограмма” ва “мазмун”. Видеоматериални кўриш учун плеер тагида жойлашган “Play” пиктограммасини босиб керак. Видеотасманинг бизни қизиқтирган фрагментини кўришни уч йўл билан амалга оширсан бўлади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- плеер тагида жойлашган курсор ёрдамида;</li> <li>- “Стенограмма” блокида мант фрагментини босиб;</li> <li>- “Мазмун” блокида сарлавҳани активлаштириш орқали</li> </ul> |
| <p><i>2- гуруҳга вазифа</i></p> | <p>Слайд-шоу. Фолентадан шуниси билан фарқ қиладики, унда сурачлар фотофильм режимида муқтақил равишда варақланади. Сурачлар сценарий асосидаги кетма-кетликда қўйилади. Слайд-шоу овоз биланбиргаликда аудио-иллюстрация элементларини, яъни аудиоцитаталар, шовқин, овозли эффектлар, ахборот билан тўйинтирилган матнни ўз ичига олиши мумкин. Визуал кетма-кетлик ихтиёрий. Улар воқеа жойидан олинган сурачлар ёки архив кадрлари, ҳужжатлар, хариталар, скриншотлар, карикатуралар ва ҳ.к. бўлиши мумкин. Бу технология репортаж, очерк, баъзида янгиликларни иллюстрация қилиш учун керак.</p>   |
| <p><i>3- гуруҳга вазифа</i></p> | <p>Аудиослайд-шоу – замонавий журналистиканинг мультимедиявийлиги сабаб яратилган фотоиллюстрациялаштиришнинг синтетик варианты бўлиб, муқтақил жанрга айланди. Бу тушунча 2000 йилларда пайдо бўлган. Баъзи фотографлар фоторепортажларининг тақдимоти учун слайд-шоулардан фойдаланиб, унга тадбирда ёзиб олинган овозни қўллаганлар. Кейинчалик бу усулдан катта наириётлар фойдалана бошладилар. Аудиослайд-шоу танлаб олинган фотосурачлар ва уларга қўйилган овоздан иборат. Овоз сифатида музиқий композиция ёки муаллиф ўқиган матн бўлиши мумкин. Мазмуннинг асоси бўлиб, таиқи шовқин, овозли эффект, аудиоцитата ёрдамида берилган ҳикоя хизмат қилиши мумкин. Визуал қатор сифатида воқеа содир бўлган жойдан олинган сурачлар, ёки архив кадрлари, ҳужжатлар, карикатуралар ва ҳ.к. олиниши мумкин.</p>                      |
| <p><i>4-гуруҳга вазифа</i></p>  | <ul style="list-style-type: none"> <li>- Панорамали фотография – обзор бурчаги катта бўлган фотографиядир. Оммавий воқеаларни ёритишда, объектларни, пейзаж, жойларни тасвирга олишда уларнинг масштабини кўрсатишда актуалдир.</li> <li>- Интерактив фото – шундай фотографияки, унга махсус меткалар қўйилган бўлиб, уларни босганда матн, видео, ссылка, ижтимоий тўрларнинг статуслари чиқади.</li> </ul>   |

### III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

#### 1-МАВЗУ: Дунё динларига хос умумий ва хусусий жиҳатлар

##### **РЕЖА:**

- 1.1. Диншунослик фанига кириш.
- 1.2. Динларни ўрганишда замонавий қарашлар.
- 1.3. Динларни ўрганишда минтақавий ёндашув.

**Таянч иборалар:** Дин, диншунослик, диний манба, диндор, теолог, мазҳаб, антропология, феноменология.

#### **1.1. Диншунослик фанига кириш.**

Диншунослик фани талабаларда дин, унинг турли шакллари, таълимотлари, йўналишлари, мазҳаблари ҳақида тўғри илмий хулосалар чиқара оладиган, диний ва дунёвийлик муносабатларини асосли таҳлил қила оладиган тўғри дунёқарашни шакллантиради. Бунда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун, Жиноят, Фуқаролик, Оила кодексларидаги дин ва виждон эркинлиги ҳақидаги кўрсатмалар, қоидалар дастуруламал бўлиб хизмат қилиши лозим. Дин ва қонун ўзаро муносабатларини яхши билиш Республикада демократик, ҳуқуқий жамият қуриш пойдеворини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шунинг учун ҳам мамлакатимизда талабаларга диншунослик фанини ўқитиш муҳим масалалардан бирига айланди. Ушбу фан бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратиш, бунинг учун чуқур илмий тадқиқотлар олиб бориш, чет эллик мутахассислар билан илмий ҳамкорликни йўлга қўйиш мазкур ишни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Диншунослик фанини ўқитишдан кўзда тутилган асосий мақсадга эришиш учун устозлар олдида қуйидаги вазифалар қўйилади:

- диншуносликдан маъруза, амалий (семинар) машғулотларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш жараёнида фақат ўқув қўлланмаси, рисоаларда муайян мавзуга оид келтирилган ғоя, фикр-мулоҳазалар билан чегараланмасдан, балки диний асарлар матнлари, бирламчи манбалар, муайян дин муқаддас китобларидан фойдаланиш;

- талабаларда дин ҳақида холис, тўғри дунёқарашни шакллантириш, олган билимлари асосида конкрет воқеа ва ҳодисаларга нисбатан онгли равишда ўз шахсий фикрларига эга бўлишларини таъминлаш;

- талабаларда фуқароларнинг хатти-ҳаракатлари виждон эркинлиги тўғрисидаги Қонунга мос ёки зид эканлигини аниқлаш имкониятини шакллантириш;

- мустақил Ўзбекистонда дин ва диний ташкилотлар давлатдан ажратилганлиги, динга эътиқод қилиш ёки қилмаслик ҳар бир кишининг шахсий иши эканлигини талабаларга тушунтириш;

- дин маънавий маданиятнинг таркибий қисмларидан бири эканлиги, уни сиёсийлаштириш қонунга зид эканлигини уқтириш.

Қўйилган вазифаларни амалга оширишда қуйидаги тамойилларга қатъий амал қилиш талаб этилади:

- таълим бериш жараёнида фанга чуқур илмийлик, тарихийлик, холислик билан ёндашиш;

- талабаларнинг диний онг даражасини ҳисобга олиш, уларнинг диний ҳис-туйғуларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш;

- динни қўпол, атеистик руҳда танқид қилиш ёхуд турли диний ғояларни кўр-кўрона тарғиб этиш, бир дин вакилларида бошқа дин вакилларига нисбатан душманлик ҳиссини уйғотиш қонунга зид эканлигини назарда тутиш.

Диншунослик фани бўйича талабаларнинг билимига, уқувига ва кўникмасига қўйиладиган талаблар:

- Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримов ўзбек халқининг маънавий мероси, дини, шу жумладан, ислом дини кадриятлари, миллий ғоя, миллий мафкура ҳақида билдирган фикр ва мулоҳазалар, таъриф ва тавсифларни диншунослик фанини ўрганишда дастуруламал, назарий асос қилиб олиш;

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан 2017-2022 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи бўлими белгилаб берилган миллатлараро тинчлик ва динлараро бағрикенгликни асраб авайлаш, турли ақидапараст оқимларга қарши ёшларимизда мафкуравий иммунитетни шакллантириш маласини бош мезон деб билиш;

- диншунослик фани асосий фанлар қаторида ўқитилиши, дин, диндорлар ва диний ташкилотларга нисбатан давлат томонидан адолатли сиёсат ўрнатилиши, фуқаролар учун виждон эркинлигининг конституцион кафолатланиши мустақиллик шарофати эканлигини тушуниб етиш;

- Ўзбекистон Конституцияси, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги янги таҳрирдаги Қонун ва бошқа қонуний ҳужжатларда дин масаласи юзасидан белгиланган инсон ҳуқуқлари, турли диний жамоа ҳуқуқлари ва мажбуриятларини билиш;

- қонунга ҳурмат ҳиссини, фақат ўзининг эмас, балки бошқаларнинг ҳам диний ҳис-туйғулари билан ҳисоблашиш лозимлигини, ўз шахсий фикрларини бошқа кишиларга тазйиқ билан ўтказиш, турли норасмий диний мазҳаб ва гуруҳларга жалб этиш ғайриқонуний хатти-ҳаракат эканлигини, жамоат жойларида диний масалаларда зўравонлик, мутаассибликка, агрессивликка йўл қўйиш мумкин эмаслигини чуқур тушуниб етиш;

- диншунослик фанининг бошқа гуманитар фанлар билан бирга ривожланишини назарда тутган ҳолда, ўзи кўлга киритган соҳа ютуқларидан ушбу фанни ўзлаштиришда фойдаланиш.

## **1.2. Динларни ўрганишда замонавий қарашлар.**

Диншунослик фани ижтимоий-гуманитар фанлар билан узвий боғлиқ ҳолда шаклланган, ривожланган ва ҳозирда ҳам шу жараён давом этмоқда. Ўзбекистон Россия империяси таркибида бўлган ва жаҳон ҳамжамиятидан ажратилиб яшаган бир даврда Фарбда XIX асрнинг ўрталарида вужудга келган диншунослик фани анча йўл босиб ўтиб, кўплаб илмий натижаларга эришди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон тадқиқотчилари бу янги соҳа билан яқиндан танишиб, мутахассис кадрларни тарбиялай бошладилар. Улар диншуносликни социология, психология, фалсафа, антропология, филология, тарих фанлари билан боғлиқ ҳолда ўрганишлари керак. Зеро, диншунослик фани мазкур фанлар билан ҳамкорлик қилиб туташган ерида унинг турли соҳалари вужудга келган.

Қадим замонлардан бошлаб фалсафий тафаккурда дин масаласи файласуф олимларнинг диққатини ўзига жалб этиб келган. Динга турлича таъриф ва тавсифлар берилган. Фалсафий дунёқарашда динни ғоялар тизими сифатида таҳлил этувчи дин фалсафаси йўналиши шаклланган.

Психология фани тармоқлари мураккаб ҳодиса бўлган динни инсон руҳияти билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилган. Бунинг натижасида дин психологияси фани шаклланган ва ривожланган. Шунинг учун ҳам диншунослик асосларини ўрганишда психология фанининг кўп сонли ютуқларига суяниш муҳимдир.

Муайян жамиятда диний таълимотнинг тарқалиши, унинг кишилар онгига таъсир даражаси (диний онг даражаси), ижтимоий ва маданий-маънавий ҳаётга таъсири ва ролини аниқлаш мақсадида социологик тадқиқотлар хулосаларига мурожаат қилинади. Кейинги икки аср давомида динни ижтимоий ҳодиса сифатида ўрганувчи дин социологияси фани барқ уриб ривожланди.

Диннинг таърифи, тавсифи, таълимоти ва ижтимоий ҳаётдаги ўрнини ўрганишда турли ёндашувлар мавжуд, масалан: 1) илоҳиёт (теология) фани жихатидан; 2) танқидий-атеистик ва 3) илмий нуқтаи назардан. Кишилиқ жамияти учун ҳар қайси ёндашув натижасида тўпланган илмий, амалий, тарихий, фалсафий маълумотлар жуда катта аҳамият касб этади.

Булардан ташқари диншуносликнинг дин антропологияси, дин феноменологияси, дин этнологияси, дин тарихи, дин аксиологияси, дин географияси, дин типологияси каби соҳалари мавжудки, уларнинг ютуқларидан ҳам диншунослик фанини ўқитиш ва ўрганишда фойдаланиш мумкин.

Ҳозирги фан ва техника тараққиёти шароитида диншунослик фанини фақат сўз ёрдамида ўқитиш яхши самара бермайди. Шунинг учун дастурнинг мазмунидан келиб чиқиб техник воситалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, аудио, видео, киноаппаратура ва компьютерлар



ёрдамида динларнинг келиб чиқиши, тарихи, диний йўналишлар, мазҳаблар ҳақида ҳикоя қилувчи ўқув фильмлари, слайдларни намоёниш этиш учун компактдисклар, харита, схема, фотосурат ва бошқалардан фойдаланиш мумкин.

Курс ўқитишнинг биринчи соатларидан бошлаб маъруза, амалий (семинар) машғулотларининг мавзулари ва шунга оид тавсия этилган адабиётлар рўйхати билан таништирилади. Тарқатма материаллар ва бошқа ўқув хужжатлари талабаларга кўпайтириб берилиши ҳам мумкин. Шу билан бирга курс бўйича мустақил тайёргарлик кўриш, мустақил билим олиш юзасидан талабаларга услубий йўлланмалар берилади.

### **1.3. Динларни ўрганишда минтақавий ёндашув.**

#### **Динларни ўрганишда минтақавий ёндашув.**

Динларни ўрганишда муайян мезон асосида ёндашиб, тадқиқ этиш лозим бўлади. Бу динларнинг тарихи, эътиқодий асослари, ақидалари, шунингдек, бир-бирига қилган таъсири каби жиҳатларининг чуқур ва ҳар томонлама мукамал ўрганилишига замин яратади.

Диншунослар турли илм-фан соҳалари вакиллари бўлиб, динларни ўзлари хос бўлган илм йўналиши нуқтаи назаридан ўрганиб, турлича ёндашганлар. Шунинг учун булар ўртасида баъзи тафовутлар бўлиши табиий. Масалан, дин тарихи билан шуғулланувчи олимлар динларнинг юзага келиш тарихига кўра *даврий жиҳатдан* ёндашиб тадқиқ этганлар. Бошқа диншунослар *диний мавзусига кўра* динларни ўрганганлар. Баъзи диншунослар тарих фанидан таъсирланиб, динларни тарихий жиҳатдан ёндашиб ўрганганлар. Бир гуруҳ олимлар минтақа нуқтаи назардан динларни пайдо бўлиб, тарқалган ва дунёнинг турли минтақаларига кўчиб бориши, минтақага хос миллийлик касб этиши каби жиҳатларни тадқиқ этганлар. Айрим бир гуруҳ олимлар динларни пайдо бўлган ва тарқалган *минтақаларига кўра* тадқиқ этганлар.

Динлар тарихини ўрганишда минтақавий ёндашувнинг ўзига хос жиҳати шундаки, минтақадаги айнан бир динни иккинчи динга таъсири ва ўзаро қоришуви, ёки турли минтақа динларини ўзаро ўхшаш жиҳатлари ёки фарқли томонларини ўрганишдан иборат.

Мисол тариқасида, Л.С. Васильевнинг «История религий Востока», С.А.Токаревнинг «Религия в истории народов мира» китоблари билан танишиб чиқсак, динлар тарихини минтақавий жиҳатдан ўрганганликларини кузатишимиз мумкин.

С.А.Токаревнинг «Религия в истории народов мира» китобида динлар тарихини ўрганишда дунёни географик жойлашувига қараб, минтақаларга бўлиб олган ҳолда тадқиқ этган. Масалан, Австралия ва Тасмания динлари, Америка динлари, Узоқ Шарқ динлари, Волга бўйи динлари, Марказий Америка динлари каби.

Л.С.Васильевнинг «История религий Востока» китоби Шарқ динлари тарихини ўрганишга бағишлаган бўлиб, бир диннинг турли худудлардаги кўринишлари тадқиқ этган. Масалан, Ҳиндистонда буддизм, Хитойда буддизм, Японияда буддизм каби. Бундан асосий мақсад, айтиб бериш ва ҳар томонлама таҳлил қила билишдан иборат. Чунки, динни умумий ҳолда минтақаларга бўлмасдан ўрганадиган бўлсак, айрим жиҳатлари эътибордан ташқарида қолиши мумкин.

Динлар тарихини минтақавий ўрганиш орқали, минтақадаги бир диннинг баъзи жиҳатларини бошқа бир динга ўтиш ҳолларини ҳам кузатиш мумкин. Асл тарихий келиб чиқиши бир ўзакка бориб тақаладиган диний гуруҳдаги бирор дин билан ўзаро таъсир жараёнида диний ғоялар тарихий келиб чиқиши жиҳатидан бир аслга тааллуқли бошқа бир динда сақланиб қолади. Динлар бошқа бир диндан ўтиб, ўрнашиб тарқалиши мумкин бўлган ғояларни, урф-одат, анъана ва маросимларини ўзлаштиради. Инқирозга юз тутганда ҳам улар янгича шаклларда намоён бўлади ва давомий ҳаётда яшайверади. Унинг асл дини тарихий жиҳатдан ўз ниҳоясига етиб, ўлган бирор дин ёки мазҳаб устидан оғир ҳукм чиқарган ягона асосга бориб тақаладиган дин ва мазҳаб гуруҳида ўзаро диний ғоя ва эътиқодлар бир-бирига кўчиб ўрнашади. Бу диннинг ғоя ва ақидалари диний мажмуаси таркибидан бўлган бошқа дин ёки мазҳаб ичида мавжуд бўлиб давом этади.

Умуман, бир диний ўзакка тааллуқли бўлган динлар гуруҳи таркибидаги диний ғоялар ўзаро мерос бўлиб ўтади. Тарихда бирор диннинг ўз ниҳоясига етганини кўрсак, бу унинг диний ғояси буткул ўлганлигини билдирмайди. Динлар тарихида бунга кўплаб ёрқин мисоллар бор. Масалан, қадимги брахманлик диний ғоялари буткул ўлган эмас, балки ҳиндуийлик, буддавийлик, жайнийлик динларида давом этиб, яшаб келмоқда. Шунингдек, ибтидоий диний ғоялар ҳозир ҳам ё мустақил шаклда, ё баъзи замонавий динлар билан уйғунлашган ҳолда мавжуд.

Масалан, Африка қитъасида христианлик ва ислом динлари тарқалганидан сўнг у ердаги ибтидоий диний қарашлар билан уйғунлашган. Ўзининг ибтидоий қадриятларидан халос бўла олмаган африкалик диндор уларни янги дин билан омухта қилган. Шунингдек, ибтидоий қарашларга асосланган динлар Узоқ Шарқ динлари билан уйғунлашиб, уларнинг асосий таркибий қисмларидан бирига айланган. Айтиб бериш мумкин, кейинчалик пайдо бўлиб, маълум давр ёнма-ён давом этиб келган ва тарихий жараёнда ўз ниҳоясига етган кўплаб қадимги динларда ўзаро номутаносиблик юз берган.

Сўзимизни янада ишонарли бўлиши учун ўқувчига яқинроқ бўлган ислом дини ва Марказий Осиё интақасига оид мисолларга тўхталсак. Маълумки, мазкур минтақага кириб келиши билан ерлик аҳолига янгича эътиқод, ибодат ва маросимлар кириб келди. Бироқ, шубилан бирга

исломдинига Марказий Осиё халқларининг урф-одатлари, анъаналари, менталитети ўз таъсири кўрсатди. Буни қуйидагиларда кўриш мумкин:

1. Меъморчилик. Маълумки, ислом дунёсининг асосий белгилари, кадриятлари масжид ва мадрасалар билан боғлиқ. Саудия Арабистонидаги Масжид ал-Ҳарам, масжид ан-набавий, Мисрдаги ал-Азҳар университети ва Муҳаммад Али ёки Амр ибн Ос масжидлари, Туркиядаги Аё София масжиди. Буларнинг ҳар бири ўз минтақасига хос архитектура намуналаридир. Шунингдек, Шоҳи Зинда, Регистон, Минорайи Калон ва Масжиди Калон, Хазрати Имом комплекслари ислом кадриятларининг ўзбекона меъморчилик асосида қурилган намуналаридир.

2. Кийиниш. Аввало айтиш керакки, ислом динида христианлик, буддавийлик динларида бўлгани каби алоҳида диний либос белгиланмаган. Шунга қарамай Марказий Осиё уламолари ўзларининг катта оқ матодан ўралган саллалари, чакмон ва унинг устидан боғланган белбоғ билан бошқа минтақа вакилларида ажралиб турганлар. Бошқа ҳеч бир жойда саллани бу каби ўралишини учратмайсиз.

3. Фикҳий масалалар. Маълумки исломда тўрт фикҳий мазҳаб мавжуд. Улар турли жихатларга кўра ўзаро фарқланадилар. Ана шу сабаблардан бири минтақа билан боғлиқ. Мисол тариқасида мазҳаб тузувчиларидан Имом Шофеий ҳақида қуйидаги маълумотни келтирамиз. Ўзи Шомнинг Ғазза вилоятида ҳижрий 150 йили таваллуд топган. Ироқ, Ҳижоз ўлкаларининг бир неча шаҳарларида яшаб ижод этган. Бағдодда олим сифатида машҳур бўлган. Аҳмад ибн Ҳанбал, Абу Савр, аъ-Заъфароний ва ал-Каробисий каби Ироқ аҳлининг энг йирик уламолари ундан ҳадис ривоят қилишган. Ҳижрий 198 йили Мисрга меҳмон бўлиб боради ва ўша ерда муқим бўлиб қолади. Мисрдаги ижтимоий ҳолат, аҳолининг менталитети, одатларни кўриб ўзининг Ироқдаги қарашларини ўзгартиради ва янги – “ал-Умм” китобини янгича қарашлар билан ёзди<sup>1</sup>.

Яна бир мисол: иссиқ иқлимли Араб мамлакатларидан тарқалган Шофеий мазҳабида таҳорат олгандан сўнг юз-кўлни артмаслик суннат ҳисобланади. Мўътадил иқлимли Марказий Осиё ва Сибир, Татаристон каби совуқ ўлкаларда тарқалган ханафий мазҳаби таҳоратдан сўнг артинмаслик макруҳ ҳисобланади. Бунга ўхшаш мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Кўп нарсаларни ўзлаштирган бир дин кейинги иккинчи дин сифатида шаклланган ва ибтидоий диний тафаккур тарихий асрларга кириб борганидан сўнг бу ғояни тизимлаштириб, тартибга солган тарихий цивилизацияларга кўчиб ўтади. Мана шу тарихий цивилизациялар бу ғояни номлади, илоҳларнинг табиатларини белгилади, ибодатхоналар атрофида ва ҳайкаллар олдида ибодат қилишни тартибга солди. Маросимларни нозик чеклади ва ибтидоий дин тарихий цивилизациялар остида ўзининг муайян низомига эга бўлди. Бундай тартибга солиш янги аср цивилизацияга боғлиқ бўлганлигига қарамай табиий диний ғоя доирасидан чиқмаган ҳолда ибтидоий диний

<sup>1</sup> محمد علي الساييس. تاريخ فقه الاسلامي. دار الكتب العلمية. بيروت – لبنان. 1990. ص. 119.

тушунчалар сақланиб қолади. Табиатга сиғиниш давом этмоқда, табиат кучларига топиниш тугамаган. Табиат, унинг кучлари ва вазифаларининг маълум тизим сифатида шаклланган ўзгаришлар, табиатнинг ибтидоий одам онгидаги мутлақ ҳукмрон ҳолатидан олам ва унинг турли кучларининг амалий тизимига ўтиш ҳамда табиатлар ва вазифаларнинг тарихий даврларда юзага келган маданий тараққиёт даражасига муносиб йўлга қўйилиши қисқармоқда. Бу тасниф жўғрофия фани билан ҳамоҳанг бўлиб, динларни минтақа жиҳатдан ўрганишга бўлган эътиборнинг ривожини асосида “Динлар тарихини ўрганишда минтақавий ёндашув” номли фан соҳаси юзага келмоқда. Унда бирор диннинг муайян минтақага кириб бориши, у ердаги ўзига хос жиҳатлари, бошқа динлар билан муносабати каби мавзулар ўрганилади.

Бунда мавжуд бўлган динлар бир неча хил таснифланади:

1. Динларнинг қитъаларда тарқалишига кўра Африка, Осиё, Европа, Америка ва Австралия динлари тарзида таснифлаш. Бироқ бу унчалик муносиб тасниф эмас. Чунки, шундай динлар ҳам борки, улар бир неча қитъаларда ҳамон тарқалмоқда. Хусусан, ислом ва христианлик деярли барча қитъаларда тарқалган. Шунингдек, баъзи қитъаларда озчиликни ташкил этувчи баъзи бошқа динлар вакиллари ҳам бўлиши билан бирга деярли аксар аҳоли бир динга эътиқод қилади. Масалан, Европада асосан христианлик кўп тарқалган, ислом Америкага нисбатан Африкада кўпроқ тарқалган. Осиё қитъасида ислом, ҳиндуийлик, буддавийлик, конфуцийлик, синтоизм динлари аралаш тарқалган. Баъзан бир қитъада пайдо бўлган дин бошқа қитъада кенг ёйилган. Масалан, христианлик Фаластинда вужудга келган бўлса-да, асосан Осиё қитъасидан ташқарида тарқалди.

2. Динларнинг жўғрофий минтақасига кўра Шарқ динлари ва Ғарб динлари тарзида таснифлаш. Бу дунёнинг қутбларга бўлинишига монанд сиёсий ва маданий тафовутни акс эттирувчи кенг жўғрофий таснифдир. Шарқ динларига Ҳиндувийлик, Буддавийлик, Конфуцийлик, Синтоийлик, Даолик ва бошқа Узоқ Шарқ динлари киритилади. Ғарб динларига яҳудийлик, христианлик ва ислом динлари киритилади. Аслида Ислом динини /арб ёки Шарқ дини деб бўлмайти. У жўғрофий жиҳатдан Шарқда юзага келиб, Ғарб мамлакатларида ҳам кенг тарқалган. Яҳудийлик ва христианлик ҳам аслида Шарқ динлари бўлиб, Яқин Шарқда вужудга келган ва Ғарб мамлакатларида кенг ёйилган.

3. Ғарб таснифларидан яна бири дунёнинг бўлинишига монанд динларни жўғрофий минтақасига кўра таснифлашдир. Бунда динлар Яқин Шарқ динлари, Узоқ Шарқ динлари тарзида ёки ғарбий Африка динлари ва Шимолий Африка динлари тарзида ёки жўғрофий-сиёсий омилларга кўра ҳинд динлари, Совет Иттифоқи динлари, Араб дунёси динлари тарзида таснифланади.

4. Қадимги динлар сиёсий минтақаларга кўра Месопатамия динлари, Сурия минтақаси динлари, Кичик Осиё ёки Анадўли динлари, Форс динлари тарзида таснифланади.

5. Динларнинг мамлакатлар худудларига кўра Фаластин динлари, Арабистон ярим ороли динлари, Мексика динлари, хинд динлари, Хитой динлари, Япон динлари тарзида таснифланади.

Узоқ Шарқ динлари каби баъзи минтақа динларини диний мавзусига кўра аниқ белгилаш имкони бўлмаган кўп ҳолларда жўғрофий тасниф қулай илмий таснифдир. Масалан, яҳудийлик, христианлик ва Ислом динларини тавҳид (яккахудолик, монотеизм) асосида умумлаштирилса, Узоқ Шарқ динларини ягона диний тушунча асосида умумлаштириб бўлмайди. Бундай ҳолатда муаммонинг ечими сифатида жўғрофий таснифга мурожат қилиш мумкин.

Лекин, бу тасниф ҳам динларнинг пайдо бўлган ва тарқалган минтақаларига кўра ўрганишда самарали услубдир. Бу тасниф орқали динларнинг жўғрофий жойлашуви уларнинг қайси минтақаларга қай тарзда ва кўламда тарқалгани ҳамда кириб бораётганлиги ўрганилади. Бундай тасниф доимо ўзгариб, янгиланиб боради. Чунки, дунёнинг диний харитаси ўзгариб, динларнинг тарқалиш ҳаракати давом этмоқда. Масалан, христианлик, ислом ва буддавийликнинг давомий ҳаракати жараёнида дунё аҳолисининг диний ҳолати ўзгариб бормоқда. Демак, динларнинг бундай ҳаракатини аниқлашда халқларнинг диний жойлашувига кўра жўғрофий таснифга мурожат қилиш лозим.

#### **Назорат саволлар:**

1. Диншунослик фанининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
2. Диншунослик дарсларини ўқитишнинг ўзига хос жиҳатлари нималарда намоён бўлади?
3. “Динларни ўрганишда минтақавий ёндашув” деганда нимани тушунасиз?
4. Динларнинг қандай таснифларини биласиз?
5. Динларни минтақавий кесимда ўрганишни таклиф этган олимлардан кимларни биласиз ва уларнинг қандай асарлари бор?

#### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Каримов И.А. Эътиқод эркинлиги қонуний асосда бўлсин // Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий мажлис XI сессиясида сўзлаган нутқи. Халқ сўзи, 1998, 5 май.
2. Қуръони карим маъноларининг таржимаси. Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. Т., «Тошкент ислом университети» нашриёти, 2001.
3. «Авесто» китоби – тарихимиз ва маънавиятимизнинг илк ёзма манбаи» мавзуидаги илмий-амалий семинар материаллари. Т., 2000.
4. Абдусамедов А.И. Диншунослик асослари. Т., Ўзбекистон, 1995.
5. Яблоков И.Н. Религия: сущность и явления. М., 1982.
6. Яблоков И.Н. Социология религии. М., 1979.

7. Токарев С.А. Религия в истории народов мира. 4-е изд., испр. и доп. М., 1986.
8. Самыгин С.И., Нечипуренко В.Н., Полонская И.Н. Религиоведение: социология и социология религии. Ростов-на-Дону, 1996.
9. Радугин А.А. Введение в религиоведение: теория, история и современные религии. М., 1996; 2-е издание, исправленное и дополненное. М., 1999.
10. Лукашов В.А., Омурова Т.О., Трофимова З.П. Религиоведение. М., 2000.
11. Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. Под редакцией С.М.Прозорова. Выпуски 1-3. М., 1998-2001.
12. Мўминов А.Қ. Диншунослик асосларини ўқитиш ва ўрганишнинг ягона концепцияси. Т., Тошкент давлат шарқшунослик институти, 1999.
13. Реадон Б. Бағрикенглик: тинчлик сари олға қадам. Т., 2002.
14. Рудолф У. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. Т., Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2001.
15. Беруний, Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар // Беруний А.Р. Танланган асарлар. I том. Т., 1968.
16. Беруний, Абу Райҳон. Қонуни Масъудий // Беруний А.Р. Танланган асарлар. V том. Т., 1973.
17. Беруний, Абу Райҳон. Ҳиндистон // Беруний А.Р. Танланган асарлар. II том. Т., 1968.

## 2-МАВЗУ: Дунё динлари тарихини ўрганишда тарихий манбаларнинг ўрни

### **РЕЖА:**

- 2.1. Шарқда динлар тарихини ўрганиш тараққиёти.
- 2.2. Шарқ алломаларининг динларни ўрганишдаги ёндашувлари.
- 2.3. Беруний, Шаҳрастониё ва Бағдодийнинг диншуносликка оид асарлари.

**Таянч иборалар:** милал, ниҳал, фирақ, адён, умам, радд, мақолот, аҳли китоб.

### **2.1. Шарқда динлар тарихини ўрганиш тараққиёти.**

«Динлар тарихи фани Ислом илмий меросидаги асосий илмлардан бири бўлиб, афсуски, унга замонавий мусулмон тадқиқотчилари томонидан етарлича эътибор қаратилмаяпти. Ҳолбуки, Ислом уламолари илк хижрий асрлардан бошлаб динларни ўрганишга киришганлар ва бу борада муайян услубият яратиб, бебаҳо асарлар ёзганлар. Ғарбда динлар тарихи фани динларни феноменологик (зоҳирий) ўрганишдаги муҳим илмлардан бири бўлиб, уни беҳабарлик ёки атайин таассуб туфайли мазмун-моҳияти ва дастурига кўра Ғарб илмиларидан деб ҳисоблайдилар. Ғарб тарихчи диншунослари динларни қиёсий ўрганиш соҳасида мусулмон олимлари қилган кўплаб илмий тадқиқотларни била туриб, улардан кўз юмган ҳолда билмасликка оладилар»<sup>2</sup>.

Илк даврларда Абу Райҳон Беруний, Ибн Надим, Муҳаммад Шаҳрастониё, Ибн Ҳазм Андалусий, Абул Ҳасан Омирий кабиларнинг тадқиқот ишлари кўплаб Европа тилларига таржима қилинган. Бу эса, исломий ва араб илмларини ўрганувчи Ғарб мутахассисларининг динлар тарихига оид исломий тадқиқот ишларидан асосий манба сифатида фойдаланишлари учун қулай имкон яратди. Динлар, оқим ва мазҳаблар ҳақидаги фан соҳасининг юзага келишида уларга кўп мартаба мурожаат қилинган.

<sup>2</sup> محمد خليفة حسن «تاريخ الأديان» - عر ها قلا - 2000 - ص. 20

Демак, динлар тарихи фани Исломнинг ғоявий муҳитидан келиб чиққан исломий фан бўлиб, унинг илдизлари Исломнинг илк даврларига бориб тақалади. Бу фан динларни ўрганиш соҳасидаги Ислом мантиқий йўналишида эришилган натижаларнинг охиргиси ҳисобланади. Муслмон олимларининг динлар тарихи соҳасида қолдирган буюк илмий меросидан маълумки, динлар тарихи фани арабларда қадимдан мавжуд бўлган илм соҳаларидан биридир. Бу ҳақида таниқли тарихчи диншунос Шахрастоний куйидагича ёзади: «Билгинки, жоҳилият даврида арабларда уч турдаги илм соҳаси мавжуд эди: 1. Насаблар, тарихлар ва динлар илми; 2. Туш таъбирлари илми; 3. Ўлкашунослик илми.»<sup>3</sup> Шунингдек, «Ихвон ас-Сафо» рисолаларида келтирилишича, илмлар икки гуруҳга бўлинади: 1. Инсон аъзолари ҳақидаги илм (Анатомия); 2. Диншунослик илми.<sup>4</sup> Ибн Надийм ёзади: «Диншунослик фани х.IV-V асрларга келиб мустақил фан сифатида шаклланди.»<sup>5</sup>

Демак, Ғарб мамлакатларида кейинги даврларда пайдо бўлган динлар ҳақидаги фаннинг бундай аталиши муслмон олимларнинг асарларида қадимдан кенг тарқалган арабча атамаларнинг ҳарфий таржимасидир. Инглиз тилидаги «**SCIENCE**» сўзи ва турли Европа тилларидаги шу каби сўзларни ҳам эътироф этган ҳолда немис тилида «**илмий**» деган маънони билдирувчи «**WISSENSCHAFT**» сўзидан келиб чиқиб, Ғарб мамлакатларида диншунослик фани кўпинча немис тилидаги «**RELIGIONSWISSENSCHAFT**» атамаси кенг қўлланилади. Ғарчи инглиз тилидаги «**HISTORY OF RELIGIONS**» атамаси ҳам ишлатилса-да, мазкур немис тилидаги «**RELIGIONSWISSENSCHAFT**» атамаси афзал ҳисобланиб, кўпроқ ишлатилади. Бинобарин, инглиз, немис ва бошқа Европа тилларидаги атамалар «**Ихвон ас-Сафо**» рисолалари, Беруний ва Шахрастоний асарларида қўлланилган «**علم الأديان**» ёки «**تاريخ الأديان**» атамаларининг ҳарфий таржимасидир.<sup>6</sup>

Мазкур икки атамадаги асосий тушунча юзасидан Ғарбда кенг тарқалган «**COMPARATIVE RELIGION**» (қиёсий диншунослик),

<sup>3</sup> Мухаммад б. Абдулқарим б. Аҳмад Ал-Шахрастоний «Ал-Милал ва-Нихал», «Ал-Аҳл ал-Мисрия», 1977 й., 580-583-с.

<sup>4</sup> «Ихвон ас-Сафо», 4-жилд, Байрут, 1957 й., 16-с.

<sup>5</sup> Мухаммад б. Яъқуб Исҳоқ Надим «Ал-Фихрист», Байрут, 1996, 4-с.

<sup>6</sup> Қаранг: 21. ص - 2000- قرهاقلا «تاريخ الأديان» حسن محمد خليفة



шунингдек, «PHENOMENOLOGY OF RELIGIONS» (дин феноменологияси,-арабча «علم ظاهرة الاديان») каби атамалар ҳам қўлланилади. Бу фан **биринчидан**, динларнинг тарихдаги ҳаракати, уларнинг холис илмий тавсифи хусусидаги тушунчаларнинг фарқлари атрофида, **иккинчидан**, диний кўринишнинг барча таркибий унсурларига ва инсон ҳаётидаги диний фойлиятнинг барча таркибий омилларига эътибор берган ҳолда динларнинг ташқи қиёфасини қиёслаш асосида изланиш олиб боради. Бундай диншунослик бирёқлама бўлиб, мазкур фаолиятларнинг муайян жиҳатларигагина эътибор қаратади. Масалан, тарихчилар динларнинг тарихий унсурларини, психологлар рухий-психологик жиҳатларини, социологлар ижтимоий жиҳатларини ўрганайди. Диний феномен (кўриниш, ҳодиса)лардан бирининг бундай илмий таассуби натижасида масаланинг мазмун-моҳияти ва услубий асослари жиҳатидан ноқис ечим юзага келган. Энг муҳими, динларнинг ташқи қиёфаси ва инсон ҳаётидаги диний фаолият уларнинг орасини ажратишга ва танқид қилишга қаршилик кўрсатади. Гарчи мазкур йўналишлар ўз фаолияти соҳасида муваффақият қозонган бўлса ҳам, уларнинг ҳеч бири диннинг ташқарисидан туриб унинг тўлиқ қиёфасини ва асл моҳиятини очиб бера олмайди. Диний феноменни тушунишга хайрихоҳ бўлганлар бу йўналишларда ўз тадқиқот соҳасини белгилаб олиши лозим эди. Шундан келиб чиқиб динлар тарихи фанининг мақсади диний феномен билан боғлиқ фанларни умумлаштириш, турли диншунослик йўналишлари эришган илмий ютуқлардан фойдаланиш ва ниҳоят диний феномен илмини ҳосил қилиш учун бир қанча йўналишларни мувофиқлаштиришга интилиш бўлади.

Ғарб олимлари ўзларини биринчи бўлиб динларни феноменологик (зоҳирий) ўрганишга эътибор қаратган, динларни ўрганиш ва тарихий, ижтимоий, маданий, психологик, антропологик, адабий ва фалсафий таҳлил этишда биринчи бўлиб илмий тамойилларни ишлаб чиқиб, тадбиқ этганлар, деб ҳисоблаб, хато қиладилар. Бундай нотўғри хулоса дин феноменологиясига оид Ислом илмий меросидан беҳабарлик оқибатидир. «Аслида Ислом мероси асос солган бу диншунослик фани илк исломий фанлардан бўлиб, ўз услубий дастури, холислиги, диннинг ташқи қиёфасига мукамал тавсиф бериш, маъноларини

чиқариб олиб, аниқ-тиниқ етказиб бериш борасида Европа йўналишидан устун туради.»<sup>7</sup>

Баъзи тарихчи диншунослар мусулмон олимларининг диншуносликка оид тадқиқот ишларини баҳолашда бир оз хатоликка йўл кўядилар: улар ўз ақидаларини ҳимоя қилувчи иллоҳиётга асосланган ва илмий холислиқдан чекинилган, деб айблайдилар. Исломиёв тадқиқотларнинг бир турига берилган бундай хулосани умумлаштириб, диншуносликка оид барча исломиёв меросни шундай ҳисоблаш туғри бўлмайди. Бунда исломиёв тадқиқотларни икки гуруҳга ажратиш лозим:

1. Мусулмон тарихчиларининг бошқа дин ва мазҳабларга қарши кайфиятда Исломиёвни ҳимоя қилишга қаратилган тадқиқотлари. Бунда мусулмон олимлар бошқа дин вакилларининг ғояларига раддия бериш мақсадида уларнинг динларини ўрганганлар. Гарчи бу йўналишдаги тадқиқотлар Исломиёвни ёт ғоялардан ҳимоя қилиш мақсадида олиб борилган бўлса ҳам, илмий асосларга эга бўлган ўз тамойилларига риоя қилади. Исломиёвни илмий тарзда ҳимоя қилиш учун бошқа динларни ўрганиш ва улар ҳақида имкон қадар кўпроқ маълумотларга эга бўлиш ва уларни муайян тарзда ўқувчиларга етказиб бериш зарур. Лекин, эътироф этиш лозимки, бундай тадқиқотларда динлар чуқур ўрганилмаган ва улардаги мавжуд ҳақиқатларни ўрганиш асосий мақсад бўлмаган. Бундай тадқиқотларнинг унчалик катта зарари йўқ. Чунки, муаллифлар ўз мавқеъларини асарларининг муқаддимасидаёқ аниқ белгилаб қўйганлар.

2. Динлар тарихи борасидаги холис илмий асосда қилинган исломиёв тадқиқотлар. Улардаги асосий мақсад ҳимоя бўлмай, динлар илмий ҳақиқатлар сифатида ва изланишга лойиқ тадқиқот мавзулари сифатида ўрганилган. Бунда динларни таснифлаш, тавсифлаш ва мазмун-моҳиятлардан тегишли хулосалар чиқаришнинг илмий тамойиллари ҳамда услубий дастури ишлаб чиқилган. Мазкур усулда кўплаб асарлар ёзилган. Аммо, уларга нисбатан юқоридаги усулда ёзилган асарлар кўпчилиқни ташкил этади.

Биринчи гуруҳга динларни у ёки бу даражада ўрганган барча мусулмон олимларни, иккинчи гуруҳга эса, дин тарихи фанининг асосларини яратган муайян олимларни киритиш мумкин. Уларнинг ҳар

<sup>7</sup> Қаранг: محمد خليفة حسن «تاريخ الأديان» - قرهاقلا - 2000 - ص. 22.

бири ҳақиқий маънода тарихчи диншунос деб аташга муносибдир. Қуйидагилар шулар жумласидан:

1. «Китоб ал-асном» асарининг муаллифи Ибн Калбий;
2. «Китоб ал-фарқ байн ал-фирақ»нинг муаллифи Ал-Бағдодий;
3. «Ал-фасл фи ал-милал вал-аҳвоъ ван-нихал»нинг муаллифи Ибн Ҳазм;
4. «Ал-милал ван-нихал»нинг муаллифи Шахрастоний;
5. «Ҳиндистон» номи билан машҳур «Китоб таҳқиқ ма лил-ҳинд мин мақула ва мақбула фил-ақл ав мазула»нинг муаллифи Абу Райҳон Беруний;
6. Форс тилида ёзилган «Китоб баён ал-адён»нинг муаллифи Абул-Маолий Муҳаммад.

Мазкур асарларнинг диншуносликка оид бошқа асарлардан фарқи шундаки:

1. улар диншуносликда дунё динлари ва оқимларини ўрганишда тадбиқ этиладиган яхши услубий дастур бўла олади;
2. уларда динлар ҳамда бошқа фалсафий ва фалсафий бўлмаган дин ва оқимлар алоҳида тарзда ажратилган;
3. уларда динлар мустақил бир мавзу сифатида ўрганилган;
4. диний тушунчаларни изоҳлаш ва таҳлил этишда бошқа фан соҳаларига ҳам муурожаат қилинган.

Қуръони карим ўзининг қуйидаги хусусиятлари билан диншунослик борасида муҳим манба ҳисобланади. Унда:

1. динларни илмий ўрганишнинг муайян меъёрлари таъсис этилган;
2. уларнинг назарий асослари ўлароқ илм ўрганиш ва зиёли бўлишнинг зарурлиги таъкидланган;
3. Исломдан олдинги динлар ҳақидаги кўплаб маълумотлар мавжуд;
4. динлар ваҳий асосида таснифланган ва қуйидаги уч турли динларни ажратиш учун «аҳли китоб» атамаси қўлланган:
  - илоҳий китоби бор динлар;
  - илоҳий китобга ўхшаш китоби бор динлар;

➤ илоҳий китоби бўлмаган динлар.<sup>8</sup>

5. диннинг фитрийлиги ғоясига асосланган диннинг мукамал назарияси берилган;

6. диний фаолиятнинг инсон ҳаётидан ажралмаслиги таъкидланган;

7. инсондаги фитрий (табиий) диний тафаккур ақл билан уйғунлаштирилган;

8. мазкур уйғунлик инсон диний ҳақиқатларга эришишининг ягона воситаси дея таъкидланган;

9. инсоннинг борлиқ ҳақида чуқур тафаккур қилиши орқали тавҳид ақидасига эришиши мумкинлиги таъкидланган;

10. табиий (табиат ҳодисаларига сиғиниладиган) ва ғайри табиий (метафизик-табиат орти ёки тавҳидий) динлар ўртаси ажратилган;

11. диншуносликдаги услубий асос сифатида турли дин вакиллари билан мулоқот орқали динларни ўрганиш усули тавсия этилади. Бундай мулоқот дастлаб Ислом динини турли минтақаларга кенг ёйиш ҳаракати билан боғлиқ эди. Бироқ, бу динларни илмий ўрганишга хизмат қилувчи асосий услубий воситага айланди.

Мулоқот нафақат услубий жиҳатдан, балки диний бағрикенглик борасида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Турли дин вакилларининг ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлиги динларнинг бир-бирига яқинлашувини таъминлашга замин яратади. Бундай мулоқот жараёнида қандай йўл тутиш ва риоя этилиши зурур бўлган тамойиллар Қуръони карим оятларида қуйидагича баён қилинган:

***«(Эй Муҳаммад,) Раббингизнинг йўли (дини)га ҳикмат ва чиройли насиҳат билан даъват қилинг! Улар билан энг гўзал услубда мунозара қилинг. Албатта Парвардигорингизнинг ўзи Унинг йўлидан чалғиган кимсаларни яхши билувчи ва У ҳидоят топганларни ҳам билувчироқдир» (Наҳл, 125-оят).***<sup>9</sup>

***«Айтинг (Эй Муҳаммад,): “Эй китоб аҳли (яхудийлар ва насронийлар), биз билан сизнинг ўртамизда (аҳамияти) баробар бўлган бир сўзга келингиз – ёлғиз Аллоҳгагина ибодат қилайлик!” Агар (бу таклифдан) юз ўгирсалар (сизлар уларга): «Гувоҳ бўлингларки, биз мусулмонлармиз»,-деб айтингиз» (Оли Имрон, 64-***

<sup>8</sup> Қаранг: 24.ص 2000. قرهاقلا . دمحمه فيلذ نسد «خيراتن ايدلا ا» .

<sup>9</sup> Абдулазиз Мансур «ҚУРЪОНИ КАРИМ маънолар таржимаси», “Тошкент ислом университети”, 2001й., 19-с.

оят).<sup>10</sup>

Мазкур оятлар турли дин вакиллари билан мулоқот жараёнида уларни қаноатлантирадиган муносиб ақлий далилларга таяниш лозимлигини кўрсатади. Мусулмон диншунослари диний мулоқот услубидан энг қулай восита сифатида фойдаланганлар. Шу аснода баъзи илмий маълумотларни тўплаганлар, англаш қийин бўлган тушунчаларни баҳс-мунозара орқали ойдинлаштириб олганлар, тўпланган маълумотларни ёзишдан олдин ўша дин вакиллари билан бевосита ўрганганлар.

Шунингдек, ҳадис илмлари ҳам кейинги муҳим манбалардан бири ҳисобланади. Улар диншунослик услубияти ривожига ва ўзига хос мазмун-моҳият ва услубга эга мустақил мукамал фан сифатида шаклланишига ижобий таъсир кўрсатган. Ҳадис илмларининг диншуносларга қилган биринчи хизмати шундаки, улар динлар ҳақидаги маълумотлар билан танишишнинг муайян усулини кўрсатиб берди. Диншунослар маълумотларни фақат етказиш билан чекланиб қолмай, уларни танқидий таҳлил қилиб, шарҳлаганлар ҳамда танқид ва тарихни уйғунлаштирган ҳолда ўз асарларида ёзиб қолдирганлар. Шунга асосан бундай илмлар билан шуғулланганлар «диншунослар» деб аталади. Диншунос тарихчи айтиши пайтда диний мухбирлар ҳамдир. Улар муҳаддислардан фарқли равишда араблар ва қадимги халқларнинг турмуш тарзи ҳақидаги диний ривоятларни нақл қилиш билан шуғулланадилар. Шунинг эътиборига олиш лозимки, динлар ҳақидаги маълумотлар мазмунига кўра соф диний тарихий ва адабий каби турларга ажратилади. Бундай тақсим улар пайдо бўлган шарт-шароитга кўра белгиланади. Агар бундай атамани умумлаштирмасак, бу шарт-шароитлар унинг юзага келишидан беҳабар қолдириши мумкин. Бундан мақсад шуки, хабарлар диншунослар учун дин, тарих ва адабиёт соҳаларини уйғунлаштиради. Чунки, диний хабарлар ёки диний феноменни умумий тарзда нақл қилиш ўз таркибида мазкур уч турдаги хабарларни жамлайди. Бундай тақсимот унинг тарихан келиб чиқиш шарт-шароитлари билан белгиланади. Бу шарт-шароитлар бирор ақида, шариат ёки ахлоқий меъёрларни ўз ичига олган диний хабарларни ифода этади. Уларнинг манбаи Муҳаммад (а.с.)га ёки бирор саҳобага бориб тақалади. Уларда қуйидаги мавзулар акс этган:

1. ақидавий масалалар ёки шариат аҳкомлари;

---

<sup>10</sup> Ўша манба, 58-с.

2. Ислом дини ва ғайри исломийлик билан боғлиқ воқеа ва ҳодисалар;
3. фатҳ юришлари;
4. Ислом давлатидаги аҳвол;
5. қадимги халқлар ҳақидаги хабарларни ўз ичига олган тарихий хабарлар.

Адабий хабарлар эса, кишилик жамияти билан боғлиқ тил ва адабиётга оид маълумотларни ўз ичига олади. Диншунослар мазкур барча турдаги хабарларни тадқиқ этади. Адабий хабарлар шарт-шароитлар билан кўп боғланган эмас. Бу шарт-шароитлар хабарларга уларнинг ўз турли қисмларини беради ва хабарларнинг диний жавҳарига марказлашади ва уни тарихий унсурни ва ижтимоий маънодаги адабий унсурни боғлаш учун умумлаштиради.<sup>11</sup>

Бу тараққиётни динлар тарихини хабарлар ривояти ривожига охириги халқа ҳисобланувчи охириги ўхшашлик деб ҳисоблашимиз мумкин. «Тараққиётнинг **биринчи** босқичи диний хабарлар билан бошланади. Бинобарин, Муҳаммад (а.с.) даврида барча хабарлар диний тусда бўлиб, уларнинг биринчи соҳаси ақида эди. Бу диний хабарларнинг ривоят қилиш қоида ва шартлари бор эди.

Тараққиётнинг **иккинчи** босқичи жараёнида Исломга оид тарихий хабарлар диний хабарлар ичидан ажралиб чиқди. Диний хабарларда исломий-ақидавий масалалар ёритилган, тарихий хабарлар Пайғамбар, Хулафои рошидин ҳаёти ҳамда ғазотларга бағишланган. Бу фатҳ юришлари, мамлакатлар ва қадимги халқлар ҳақидаги хабарларнинг ёйилишига замин яратди.

Тезлик билан битта дин тарихини вужудга келтириш учун **учинчи** босқичда диний хабарлар билан ундан келиб чиққан тарихий хабарлар ўртасида таркибий таҳлил амалиёти бўлиб ўтган. Бу тарих охириги босқичда динлар тарихига айланди. Учинчи босқичда мана шу муҳим тарихий ёзишмаларни пухта қилиб умумлаштириш мумкин. Улар муайян бир дин ёки бир қанча динлар тарихини бўлимларга ажратди. Бу босқичдаги тадқиқотлар шу жиҳатлари билан фарқланади. Уларнинг муаллифлари умумий диний хабарни умумий тарихий хабарнинг бир

---

<sup>11</sup>Қаранг: 16. ص. بلا سنة. مؤسسة الثقافة الجامعة الإسكندرية. «ي. فاوم نامئء الأوروبي». «ج.ه.م. د.ع. ي. خير اتلا دقنلا جهنم».

қисми деб ҳисоблаганлар. Кейинчалик, улар ўрганган халқлар ҳақидаги хабарлар асосан уларнинг динлари ҳақидаги ривоятлардан иборат эди.

**Тўртинчи** босқичда динлар тарихи халқлар тарихидан мустақил бўлиб ажралиб чиқди ва динлар тарихига оид тадқиқотлар юзага келди.»<sup>12</sup>

Демак, динлар тарихи тарихий тафаккур ва тарихий исломий ёзувларнинг тарихий тараққиёт натижасидир. Динлар тарихини хабарларни етказишдаги қуйидаги тўрт тараққиёт босқичидан ажратиш мумкин эмас:

1. Ислом дини ҳақидаги хабарлар;
2. Ислом тарихига оид хабарлар;
3. диний-тарихий хабарлар;
4. халқлар ва динларининг умумий тарихи;
5. динлар тарихи.

Эътибор бериш лозимки, бу босқичларнинг ҳар бири мустақил илмий хусусиятга эга бўлиб, ҳар бир босқич ривожини натижасида қуйидаги мустақил фанлар юзага келган:

**биринчи босқичда** исломий-диний фанлар;

**иккинчи босқичда** исломий-тарихий фанлар;

**учинчи босқичда** мусулмон бўлмаган халқлар, мамлакатлар ва уларнинг динлари тарихи;

**тўртинчи босқичда** динлар тарихи халқлар ва подишоҳлар тарихидан ажралди.

## **2.2. Шарқ алломаларининг динларни ўрганишдаги ёндашувлари.**

Кишилик жамияти ва фан-техника тараққиётининг самараси ўлароқ дунё «кичрайиб» бормоқда. Бугунги жадал интеграциялашув жараёнларида турфа миллат ва элатлар, турли дин вакилларида иборат дунё аҳолиси бир-бирлари билан ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда яшашлари, бунинг учун эса, ўзаро мулоқотни яхши йўлга қўйиш лозим бўлади. Бундан инсонларнинг турмуш тарзи ва фаолиятида жиддий таъсирга эга бўлган динларни ўрганиш эҳтиёжи келиб чиқади. Бу борада Мусулмон Шарқида каттагина тажриба бор. Мусулмон

---

<sup>12</sup> محمد خليفة حسن «تاريخ الأديان» . القاهرة . 2000 . ص. 26-27.

олимларнинг динларни ўрганишда қўллаган турли хил усулларини қуйидаги тўрт қисмга ажратиш мумкин:

### 1. Тарихий-тавсифий усул.

Мусулмон олимлар бундан қарийб ўн аср муқаддам биринчилардан бўлиб инсоният тарихида динларни тарихий-тавсифий усулда ўрганганлар ва кўплаб қимматли асарлар ёзиб қолдирганлар. Жумладан:

- Балхий, Абул Қосим, Абул Ҳасан Ашъарий, Масъудий кабиларнинг «Мақолат» жанридаги асарлари;
- Наубахтийнинг «Оро ва диёнот» асари;
- Абул Маъолий Алавийнинг «Баён ал-адён»<sup>13</sup> асари;
- Абул Аббосийнинг «Дарк ал-бағия фил-адён вал-ибадат» асари;
- Абу Райхон Берунийнинг «Ҳиндистон» номи билан машҳур «Китоб таҳқиқ ма лил-ҳинд мин мақула ва мақбула фил-ақл ав мазула» асари;
- Шахрастоний ва Бағдодий кабиларнинг «Ал-милал ван-ниҳал» номли асарлари.

Бундай асарларда воқеълик тарихан холис ёритилган. Буни Шахрастонийнинг қуйидаги сўзи тасдиқлайди: «Мен ҳар бир фирқани ёқламай, камситмай, уларнинг китобларидан қандай бўлса шундайлигича, ундаги хатоларни ажратиб кўрсатмай баён қилишга аҳд қилдим».<sup>14</sup>

Мазкур усулнинг ёрқин намояндаси Беруний ўзининг «Ҳиндистон» асари ҳақида шундай ёзади: «Бу китоб баҳс-мунозара китоби эмас, тарих китобидир. Ҳиндларнинг динларини уларнинг ўзларидан ўрганиб, фикрларини танқид қилмай баён қиламан».<sup>15</sup>

Абдул Жаббор Христиан дини тарихининг илк даврларини ўрганиб, ўзининг «Тасбит далоил ан-нубувва» асарида кенг ёритиб берди. Унда Павлоснинг янгича талқини, император Константиннинг қўшган хиссаси, христианларнинг оқимларга бўлиниши римликларнинг Инжилга қилган таъсири, ҳаворийларнинг Исо (а.с.)дан кейинги ҳолатлари ва мавқеълари ҳамда Исо (а.с.)нинг осмонга кўтарилиши каби мавзулар тарихий-тавсифий усулда баён қилинган. У қуйидаги хулосага келди: «Рим исовий бўлмади, балки Исо дини римлаштирилди».<sup>16</sup>

<sup>13</sup> Таржима, Яхё Хишоб «Одоб ал-Қоҳира» журнали, 1958/май.

<sup>14</sup> Шахрастоний «Ал-милал ван-ниҳал», Миср, 1977й., 9-с.

<sup>15</sup> Абу Райхон Беруний «Китоб ал-ҳинд», Ҳайдаробод, 1958й., 12-с.

<sup>16</sup> Қаранг: Ҳамди Шарқовий «Жухду Қози Абдул Жаббор», Айн аш-шамс, 1966й., 189-с.



David Flusser у ҳақида шундай ёзади: «Менимча, Христианликдан олдинги тарихни ўрганишда Ўлик денгизнинг аҳамияти нечоғлик катта бўлса, Христианликнинг илк даврларини ўрганишда янги топилган Абдул Жаббор асарининг аҳамияти шу каби буюқдир».<sup>17</sup>

## **2. Қиёс усули.**

Мусулмон олимлар динларни ҳар томонлама бир-бирига қиёслаб ўрганганлар. Бу усулда икки ёки ундан кўп динларнинг бир ёки кўп жиҳатлари ўрганилиб, бир-бирига таққосланади. Баъзи тадқиқотчилар бир диннинг айрим ёки барча жиҳатларини чуқур ўрганганлар. Бу эса, динларни қиёсий ўрганувчи кейинги тадқиқотчи учун зина вазифасини ўтаган. Яна бир қиёс усули – турли дин асосчилари билан пайғамбарлар, масалан, черков тасаввуридаги Исо Масих (а.с.) билан Будда ёки Кришна шахсиятини қиёслаш.

Абул Ҳасан Омирий (вафоти ҳ.381/ м.992й.) ўзининг «Китоб ал-аълум би манокиб ал-Ислом» номли асарида Ислом, Яҳудийлик, Христианлик, Собийлик, Зардўштийлик ва турли бутпарастлар динларини қиёсий таҳлил этиб, баён қилган. У аввало, динларнинг асосий рунлари бўлмиш эътиқод, ибодат, муомалот ва таъқиқларни, кейин эса, динларнинг ижтимоий-иқтисодий тизими ва эришган маданий ютуқларини қиёсий таҳлил қилиб баён этган. Омирийнинг бу асари мусулмон олимларининг диншунослик соҳасида ёзган асарлари фақатгина бирёқлама раддиялардан иборат, деб ҳисоблайдиганларга қарши инкор қилиб бўлмас далил бўлади. У бундан қарийб минг йил илгари ўз асарининг муқаддамасида қиёс усулининг хусусият ва тамойиллари ҳақида шундай ёзади: «Бир нарсани бошқа нарсалардан афзаллигини кўрсатиб берувчи қиёс усули тўғри ҳам, нотўғри ҳам бўлиши мумкин. Тўғри бўлиши қуйидаги икки шартга боғлиқ:

Қиёсланаётган нарсалар бир хил турда бўлиши лозим. Бир диндаги асосийликни иккинчи диндаги хусусийлик билан қиёслаш тўғри эмас;

Динларнинг бирор бир фирқаси ақидаларига қараб ўша динга умумий равишда баҳо бермаслик, балки барча фирқаларнинг қарашларини эътиборга олиш лозим».<sup>18</sup>

## **3. Танқидий-таҳлилий усул.**

Мусулмон олимлари томонидан Христианликдаги «муқаддас учлик», хоч, қиёмат, Ҳиндуийликдаги таносух (руҳнинг кўчиб ўтиши) каби турли хил диний ақидавий масалалар танқидий усулда ўрганилган.

<sup>17</sup> Time Magazine, July, 1966y.

<sup>18</sup> Абул Ҳасан Омирий «Китоб ал-аълум би манокиб ал-Ислом», Ар-Риёд, санасиз, 82-с.

Ибн Ҳазм Андалусий «Фасл фил-милал вал-аҳва ван-ниҳал» номли асарининг каттагина қисмида Таврот матнларини танқидий-таҳлилий баён қилган. У Тавротнинг беш қисмини тарихий, мантиқий ва бошқа жиҳатлардан танқидий-таҳлилий усулда ўрганиб қуйидагича хулоса беради: «Бу (беш қисм) Мусо (а.с.)дан бир неча аср кейин ёзилган сохта тарихдир».<sup>19</sup>

Ундан юз йил кейин яшаган яҳудий олим Иброҳим ибн Азро ал-Ғарнотий унинг хулосасини тасдиқлаган. Олти аср ўтгач, яҳудий файласуф Барух Сибинузо (Эспиноза) Ибн Ҳазм хулосасини сўзма-сўз такрорлаган.

#### 4. Мулоқот усули.

Бу усулнинг бир неча турлари мавжуд:

◆ **Баҳс-мунозара усули.** Унинг ислом оламида анча илгари вужудга келишига ислом дининг баҒрикенглиги, ўша даврдаги муҳит ва инсонларнинг илмга чанқоқлиги, турли дин вакилларининг баҳс-мунозара мажлислари сабаб бўлган. Бундай йиғилишларда томонлар ўз ақидаларининг ҳаққонийлигини исботлашга ва уларга бир-бирларини ишонтиришга ҳаракат қилишар эди.<sup>20</sup>

◆ **Ёзма усул.** Мусулмон олимлар мактуб ва китоблар орқали бошқа дин вакиллари билан ўзаро мулоқот ўрнатганлар. Бундай усулга қуйидаги мактублар мисол бўла олади:

▶ Роҳиби Дир Клунининг мактубига Қози Абдул Валиднинг жавоб мактуби;

▶ Абдул Масиҳ ва Ҳошимийнинг ўзаро мактуб алмашуви;

▶ Файласуф Киндий ва мутакаллим Абу Исо Варроқ ҳамда Абу Закариёнинг раддиялари.

Шундай қилиб мусулмон олимлар биринчилардан бўлиб турли усуллар асосида динларни ўрганганлар. Айниқса, Ҳиндувийлик, Яҳудийлик ва Христианлик динларини чуқур тадқиқ этишга катта эътибор қаратганлар. Тўғри, улар динларни ҳозиргидек алоҳида соҳаларга бўлиб таҳлил қилмаган бўлсалар ҳам, бир пайтнинг ўзида бир қанча илм соҳалари билан шуғулланганлар ва бу уларга динларни бир бутун шаклда тасаввур қилишга, холис-илмий ва асосли хулосаларга келишларига сабаб бўлган.

<sup>19</sup> Қаранг: Ибн Ҳазм Андалусий «Фасл фил-милал вал-аҳва ван-ниҳал», Қоҳира, санасиз, 132-с.

<sup>20</sup> «Ислом фалсафаси» 1-халқаро конференцияси, 1996й.

### 2.3. Беруний, Шахристоний ва Бағдодийнинг диншуносликка оид асарлари.

Абу-р-Райхон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний<sup>1</sup> ўрта асрнинг энг буюк олимларидан биридир. Беруний ўз замонасининг ҳамма фанла-рини — физика, математика ва табиий-тарихий фанларни эгаллаган буюк энциклопедиста эди.

Беруний фақат олимгина бўлиб қолмай, ўз замонасида Хоразмнинг кузга кўринган сиёсий арбобларидан бири ҳам эди. Беруний 362 йили 3 зулҳижжада Хоразмнинг қадимги Кот шаҳри-да туғилади. Кот шаҳри X асрда хоразмшоҳлар — афригийлар сулола-сининг пойтахти ва Ўрта Осиёнинг энг йирик савдо марказларидан бири эди. Хоразм билан Хитой, Хиндистон, Яқин Шарқ, давлатлари, Кавказ ва Шарқий Европа ўртасида савдо-сотик ва маданий алоқалар ривожланган эди. Хоразм савдогарлари асосан мўйна, корамол ва ба-лиқ билан савдо қилиб, узо-узоқларга сафарга чиқардилар. Хоразм шаҳарларида ҳунармандчилик (тўқувчилик кулоллик заргарлик ка-билар) таравдий этган бўлиб, бу шаҳарларда илм-фаннинг ривожлани-шига ҳам баракали таъсир кўрсатди. Қадимий Хоразмда астрономия, математика, геодезия, математик география каби фанлар анча ривож-ланганлиги маълум. Тарихий манбаларнинг кўрсатишича, Кот шаҳри-га Шарқ мамлакатларидан, шунингдек Шарқий Европадан келган тур-ли халқлар, ҳатто румликлар ва сурияликлар ҳам тупланган эди. амондоши Ибн Сино каби Берунийнинг муфассал таржимаи холи ёзиб қолдирилмаган. Олимнинг насл-насабини унинг нисбасига қараб аниқласак<sup>2</sup>, олим шаҳарда эмас, шаҳардан, четроқдаги бир қишлоқда туғилгани ва шу ерда ёшлик чокларини ўтказгани маълум бўлади. Ўрта Осиёнинг машҳур олимларидан Абдулкарим ас-Самъоний (1165 йилда улган) «Китоб ал-ансоб» («Насаблар китоби») номли аса-рида бундай ёзади: «Беруний деган нисба Хоразмнинг<sup>3</sup> ташқари қисми-га оиддир. Кимки шаҳардан ташқарида туғилган бўлса, бундай одамини «фалончи беруний» дейдилар. Мунажжим Абу Райхон шундай нисба билан маъшхурдир»<sup>4</sup>.

XIII аср бошида яшаган машҳур сайёҳ ва географ Ёкут Хамавий ўзининг «Иршод ал-ариб ило маърифат ал адиб» китобида Берунийнинг Абу-л-Ҳасан деган номаълум бир шахсга қарата ёзган шеърини келтиради. Бунда олим бобоси ва отасининг кимлигини билмаслиги, онаси эса «утин ташувчи» (Беруний буни қуръоннинг 111-сурасига ишо-ра қилиб гапиради) бўлганини эслатиб ўтади<sup>5</sup>. Бу Берунийнинг говори табақага мансуб бўлмаган оиладан келиб чиққанлигидан гувоҳлик бе-ради. Унинг куняси «Абу Райхон» («райхоннинг отаси» ёки «райхонли киши») ҳақида аниқ бир фикр айтиш қийин. И. Ю. Крачковский (1883— 1951) бу атоқли от маъносини англатиши эҳтимолдан узоқ, аммо «райхонли киши» маъносида лақаб бўлиб келган бўлса керак дейди<sup>6</sup>. Беруний болалик чоридаёқ ботаникага кизиқани учун шундай лақаб бе-рилган бўлиши ҳам мумкин.

Берунийнинг ёшлигиданок илм-фанга кизиқиши, қобилияти кучли бўлган. Лекин унинг бошланрич таълимни кимдан ва қаерда олгани

?\$ақида муфассал маълумотларга эга эмасмиз. Ўша вақтда Хоразмда фаннинг турли соҳаларида шукрат қозонган кўплаб олимлар яшаган. Беруний, шубҳасиз, шулардан уқиб, таълим олган бўлиши керак. У фаннинг деярли ҳамма содалари билан шуғулланди. Ўзининг она тили булмиш хоразм тилидан ташқари яна бир қанча тилларни: сур-дий, форс<sup>7</sup>, сурёний, юнон ва қадимги яхудий тилларини эгаллади. Кейинчалик олимнинг Ҳиндистонда бир қанча вақт ҳаёт кечириши унга ҳинд маданияти билан чуқур танишиш ва санскрит тилини урганиб олиш имконини берди. қадимги юнон классик илми билан танишди, астрономия, география, ботаника, математика, геология, тарих ва этнография, фалсафа ва филология соҳаларини чуқур эгаллаган йирик олим бўлиб етишди. Беруний шоир ва адабиётшунос ҳамэди. У ўз замонасининг машҳур олими Абу Наср Мансур ибн Ироқ қулида таълим олади. Абу Наср ибн Ироқ астрономия, геометрия ва математикага оид бир қанча асарлар ёзиб, шулардан 12 тасини Берунийга бағишлай-ди. У Берунийни Евклид геометрияси ва Птолемейнинг астрономик таълимоти билан таништиради. Устоз билан шогирд ўртасидаги дуст-лик узоқ вақтларгача давом этади. Беруний устозининг номини ҳамма вақт зур ҳурмат билан тилга олади.

Берунийнинг бизгача етиб келган яна бир муҳим асари «Мунаж-жимлик санъатидан бошланрич тушунчалар»дир. У ҳам 1029 йили Ғазнада ёзилган. Асар бизгача форс ва араб тилларида етиб келган. Бу асар бир қанча фанлар ҳақда тушунча берувчи муҳим манбадир.

1030 йили эса «Ҳиндистон» номи билан машҳур бўлган энг йирик асари «Таҳқиқ мо ли-л-Ҳинд мин маъкула мақбула фи-л-ақл ав марзу-ла» («Ҳиндларнинг ақлга сиғадиган ва сиғмайдиган таълимотларини аниқлаш») юзага келади<sup>20</sup>. Бу шоҳ асарга Ғарб ва Шарқ олимлари, шу жумладан, hozирги ҳинд олимлари ҳам жуда юксак баҳо берганлар. Академик В. Р. Розен: «Шарқ, ва Ғарбнинг қадимги ва ўрта асрдаги бутун илмий адабиётида бунга тенг келадиган асар йўқ»<sup>21</sup>,— деб ёзган эди. ҲИНДИСТОН ҳақида қадимги ва ўрта асрда яшаган жуда кўп олим ва сайёқлар томонидан турлитуман хотирот ва китоблар ёзилган. Ле-кин буларнинг ҳеч бири Берунийнинг «Ҳиндистон» асари билан тенглаша олмайди.

Беруний кунт ва матонат билан турли халқлар тарихи, маданияти ва тилларини урганади. У яхудий, юнон, форс, араб, сурдий, қибтий ва бошқа тилларни мукамал эгаллайди. Яхудий ва христиан динлари тарихи, Таврот ва Инжил (унинг ҳар тўрттала китоби) билан чуқур танишади. Тавротнинг аслидан парчалар келтиради. Араб тилини она тилидай билиб олган олим арабларнинг исломгача бўлган ва ундан кейинги тарихини синчиклаб ва қар томонлама ўрганиб чиқади. Қуръонни ва шариатга оид бошқа китобларни кунт билан мутолаа қилади. Илм-фанга оид асарлар жуда кам нусхада ва қлёзма шаклида айрим шахсий кишилар қулида бўлган бир даврда ёш олимнинг бундай асар ёзиши унинг ниҳоят зур ва буюк қобилият эгаси бўлганидан далолат беради.

«Осор ал-боқия» Берунийнинг деярли бошқа асарлари каби араб тилида

ёзилган. Бу китобни биринчи марта Европа олимларига таниш-тирган киши машҳур немис шарқшунос ва берунийшунос олими Эдуард Захау (1845—1930) бўлди. У 1876—1878 йилларда Лейпцигда «Осор ал-боқия»нинг арабча нусхасини биринчи марта нашр этди<sup>34</sup>. Захау арабча нусхани нашрга тайёрлашда ўша вақд-да мавжуд бўлган тўртта қўлёзмадан фойдаланган. 1879 йили Захау «Осор ал-боқия»нинг инглиз тилидаги таржимасини нашрдан чиқарди<sup>35</sup>. Таржимага Берунийнинг муфассал таржимаи ҳоли ва изоҳлар ҳам илава қилинган.

Захаунинг арабча нусхаси асосида 1321 қуёш йили (1943 йил) Тезфонда «Осор ал-боқия»нинг форс тилидаги таржимаси Акбар Доно Сиришт Сайрафий томонидан нашр этилди.

«Осор ал-боқия»ни 1957 йилда маркум арабшунос олим М. А. Салье биринчи марта рус тилига таржима қилди<sup>36</sup>. Таржима жараёнида у Захау нашр этган арабча ва инглизча нусхадан, Ленинград қўлёзмаси ва қисман Истамбул қўлёзмасидан фойдаланган. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, рус тилига қилинган таржима айрим нуқсон ва камчиликлардан холи эмас. Баъзи ўринларда бутун жумлалар тушиб қолган, баъзан эса чалкаштириб юборилган. Таржимон қўлида Истамбул қўлёзмасининг фотонусхаси мавжуд бўлишига қарамай ундан тўла фойдаланмаган

#### **Назорат саволлар:**

1. Динларни зоҳирий ўрганиш ҳозир қандай аталади?
2. Шарқ алломаларидан кимларнинг диншуносликка оид асарлари ғарб тилларига таржима қилинган?
3. Исломдан аввалги араблар қандай илмлар билан шуғулланганлар?
4. Ал-Бағдодийнинг қандай асарини биласиз?
5. “Китоб ал-асном” китобининг муаллифи ким?
6. Динларни ўрганишди тарихий-тавсифий усул нима?
7. Абу Райҳон Берунийнинг қандай асарларини биласиз?

#### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Қуръони карим маъноларининг таржимаси. Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. Т., «Тошкент ислом университети» нашриёти, 2001.
2. Абдусамедов А.И. Диншунослик асослари. Т., Ўзбекистон, 1995.
3. Яблоков И.Н. Религия: сущность и явления. М., 1982.
4. Ибн Ҳазм Андалусий «Фасл фил-милал вал-аҳва ван-ниҳал», Қоҳира, Ибн Ҳазм Андалусий «Фасл фил-милал вал-аҳва ван-ниҳал», Қоҳира.
5. Мўминов А.Қ. Диншунослик асосларини ўқитиш ва ўрганишнинг ягона концепцияси. Т., Тошкент давлат шарқшунослик институти, 1999.
6. Радон Б. Бағрикенглик: тинчлик сари олға қадам. Т., 2002.
7. Рудолф У. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. Т., Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2001.
8. Беруний, Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар // Беруний А.Р. Танланган асарлар. I том. Т., 1968.

9. Беруний, Абу Райхон. Қонуни Масъудий // Беруний А.Р. Танланган асарлар. V том. Т., 1973.

10. Беруний, Абу Райхон. Ҳиндистон // Беруний А.Р. Танланган асарлар. II том. Т., 1968.

### **3-МАВЗУ: Динни антропологик ўрганиш. Динни тадқиқ этишда феноменологик ёндашувлар**

#### ***РЕЖА:***

*3.1. Ғарб диншунослигининг ўзига хос жиҳатлари.*

*3.2. Антропология мактабининг ёндашувлари.*

*3.3. Дин ижтимоий ҳодиса сифатида.*

**Таянч иборалар:** феноменология, антропология, диний мифология, дин психологияси, дин социологияси, дин – ижтимоий ҳодиса.

#### **3.1. Ғарб диншунослигининг ўзига хос жиҳатлари.**

Диншунослик фани ижтимоий-гуманитар фанлар билан узвий боғлиқ ҳолда шаклланган, ривожланган ва бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда. Шунга кўра диншунослик фани мазкур фанлар билан ҳамкорлик қилиб туташган жойида унинг турли соҳалари вужудга келган. Улардаги услубиятлар турлича ва шу қадар кўпки, тадқиқотимизда уларнинг ҳаммасига алоҳида батафсил тўхталмадик. Масалан, дин таърифига оид 300га яқин қарашлар мавжудлиги маълум бўлди. Ҳар бир адабиёт муаллифи бундай таърифлар, диншунослик тизимлари, вазифалари, бўлимлари, усуллари, динлар таснифи борасида ўзгача услуб қўллаган бўлиб, биз уларнинг умумий манзарасини беришга ҳаракат қилдик. Бир қарашда улар ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилиш осон бўлишини кўзлаган ҳолда жадваллар туздик ва тадқиқотимизга илова қилдик.

Шунингдек, динларни ўрганишдаги ёндашувларни боб ва бўлимларга ажратиб, Шарқ ва Ғарбдаги диннинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнини ўрганишда мавжуд кўплаб соф диний ва илмий ҳар хил ёндашувларни турли хорижий ва маҳаллий манба ҳамда адабиётлардан фойдаланган ҳолда қиёсий таҳлил этишга ҳаракат

қилдик. Булар динлар тарихи, жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини янада батафсилроқ ўрганишга ёрдам беради. Кишилиқ жамияти учун улар натижасида тўпланган илмий, амалий, тарихий, фалсафий маълумотлар катта аҳамиятга эга.

***ДИН ТАРИХИ** диннинг умумий ва алоҳида деноменацияларида унинг юзага келиши ва ривожланиши тарихини тадқиқ этади. У мафкура, догматика, маросимлар, диний ташкилотлар каби дин билан боғлиқ бўлган барча ижтимоий ҳодисалар мажмуини қамрайди. Дунё динлари мафкурачилари дин тарихини инкор қиладилар, дин инсониятга худо томонидан мукамал шаклда берилган илоҳий иноят бўлиб, ривожланишга муҳтож эмас, деб ҳисоблайдилар.*

***ДИН ФАЛСАФАСИ** қадим замонлардан бошлаб фалсафий тафаккурда дин масаласи файласуфларнинг диққатини ўзига жалб этиб келган. Динга турлича таъриф ва тавсифлар берилган. Фалсафий дунёқарашда динни зоялар тизими сифатида таҳлил этувчи диншуносликнинг дин фалсафаси бўлими шаклланган. У динни фалсафий йўналиши ва оқимлар намояндаларининг умумий фалсафий концепциялари асосида тушунтириши ва унга шу тарзда баҳо беришидир. Масалан, марксистик дин фалсафаси:*

➤ диннинг табиати ва моҳияти ҳақидаги умумий назарий ечимларни тавсия қилади;

➤ динни ижтимоий онгнинг ихтисослашган шакли сифатида унинг гносеологик (ирфоний, дунёни англаш) таҳлилининг амалга оширади;

➤ диннинг гносеологик илдизларини, унинг шаклланиши ва тугулланишининг шартлари ҳамда эҳтимолларини аниқлайди. Марксизм нуқтаи назаридан дин муайян ижтимоий тизимларнинг тарихан емирилиши ва инқирозини ўзида акс эттиради.

*Идеалистик дин фалсафаси илоҳиёт билан яқиндан уйғунлашади, худонинг мавжудлиги ва руҳнинг ўлмаслигини бош масала деб эълон қилади.*

***ДИН ФЕНОМЕНОЛОГИЯСИ** диншуносликнинг XX аср бошларида Европада юзага келган бир соҳаси бўлиб, замонавий Фарб фалсафасида феноменология соф тафаккур ва инсон мавжудлигининг таркибини таҳлил этиши усули сифатида намоён бўлади. Дин феноменологиясининг кўпчилик намояндалари диний тафаккурни таҳлил этишида Э.Гуссерл (1859-1938) услубини қўллашга ҳаракат қиладилар. Уларнинг илмий изланишларининг таркиби диний*



*тафаккурни диннинг аниқ тарихий субъекти бўлмиш диндорлардан айри ҳолда ўрганиш ва диний тафаккурни асл таркиб ва моҳиятлар уйғунлигидан хулоса қилишдир. Феноменология феноменлар (ташқи қиёфа, кўриниш) ҳақидаги ва улар учун фан, яъни парапсихологиядир. Дин феноменологиясининг руҳи – бу ишонч, дин ва маърифат зиёси.*

### **3.2. Антропология мактабининг ёндашувлари.**

**ДИН АНТРОПОЛОГИЯСИ-** XIX асрнинг 70-йилларида диншуносликдаги мифологик йўналишнинг инқирози кузатилди. У ўзининг барча диний эътиқодлар, фольклор, халқ урф-одатларини қадимий астраль мифология асосида тушунтириб беришга бефойда уринишлари билан боши берк кўчага кириб қолди. Унинг ўрнини антропология мактаб эгаллади. 40-йиллардаёқ Людвиг Фейербах диннинг инсоний (антропология) асосини топишга уринган эди («Сущность религии», 1845). Фейербахнинг фикрига кўра, диннинг асоси инсон қизиқишлари ва эҳтиёжларининг бир кўринишидир. У: «Худолар - инсон орзуларининг амалга ошган, умумийлашган шакли», деб ёзган эди.

Антропология мактаб намояндалари диннинг келиб чиқиш манбаи инсондир деган фикрни илгари сурадилар. Бу мактабнинг услубий асоси позитивизм ва эволюционизм бўлиб, бу мактабни кўпинча «эволюционистик» номи билан юритилади. Антропология мактаб тарафдорларининг фактология базаси бўлиб ўша давргача тўпланган улкан этнография материал хизмат қилди. Мазкур асосда Э. Тайлор, Г. Спенсер, Дж. Лёббок ва бошқа антропология-эволюционистлар диннинг қандай пайдо бўлгани ва тараққий топганини илгари амалга оширилганидан мукамалроқ тарзда тасвирлаб беришга ҳаракат қилдилар. Антропология йўналишдаги тадқиқотчиларнинг концепциялари турлича бўлиб, бир-бирига ўхшаш эди. Анимистик назария деб аталадиган Эдуард Тайлорнинг (1832-1917) назарияси анча машҳур бўлиб кетди. Тайлорнинг фикрича («Первобытная культура», 1871), «диннинг бошланғич шакли» бу рух, арвоҳ ва шу қабиларга эътиқод қилиш бўлган. Бундай эътиқод ибтидоий одамни уйқу, хушдан кетиш, кўзга ҳар хил нарсаларнинг кўриниши, касалликлар ва ниҳоят ўлим қаби у ва унинг

атрофидаги кишиларда юз бераётган муайян ҳолатлар қизиқтирганлиги сабабли келиб чиққан. Бундай ҳодисаларни тўғри талқин қилишга қодир бўлмаган «ёввойи файласуф» инсон танасида ўтирадиган, уни вақтинчалик ёки бутунлай ташлаб кета оладиган кичкинагина жуфти - рух ҳақидаги тасаввурларга борган. Худди мана шу эътиқоддан аста-секин бошқа, янада мураккаброқ тасаввурлар: хайвонлар, ўсимликлар, жонсиз нарсалар, ўлганлар руҳи ва уларнинг тақдири, руҳнинг бошқа таналарга кўчиб ўтиши ёки айнан руҳларнинг ўлимдан кейинги ҳаёти ҳақидаги қарашлар келиб чиққан. Руҳлар аста-секин арвоҳларга, кейин эса худоларга ва ниҳоят ягона қудратли худога айланади деб тасаввур қилганлар. Шундай қилиб, ибтидоий анимизмдан (лотинча «anima», «animus» - рух, арвоҳ) тадрижий эволюция натижасида барча диннинг турли шакллари тараккий топган. Ибтидоий анимистлар вафот этган қариндош уруғларининг руҳларини абадий, ўлмас деб уларни эъзозлаганлар. «Инсон вафотидан сўнг қаерда яшайди, деган саволга турли халқлар турлича жавоб беришган. Баъзилари аждодларнинг руҳлари тириклар яшайдиган жойда яшашади, бироқ уларни фақат тушда кўриш ва гаплашиш мумкин деб ўйлаганлар. Бошқалари ўлганларнинг руҳлари чақалоқнинг танасига ўтади, деб ҳисоблаганлар. Учинчилари эса, ўлганларнинг руҳлари махсус жойлар - «ўликлар мамлақати»да яшайди, бу мамлакат ер остида жойлашган деб ҳисоблаганлар. Жон - конкрет, уни ушлаб сезса бўлади, у кўриш ва ҳатто сезиш мумкин бўлган муайян нарса деб ҳисобланган. Чунончи, кутбни текширган йирик олим Ф. Нансеннинг айтишига қараганда, эскимослар жонни нафас олиш билан боғлиқ, деб ишонганлар. Шунинг учун ҳам одам касал бўлганда шомонлар касалга дам солиб, унинг жонини даволашга ёки унга янги жон солишга уринганлар. Анимистик эътиқодга кўра, жон бир қадар мустақил, бир қанча ҳолларда эса танага боғлиқ эмас. Уни йўқотиб қўйиш мумкин, баъзан уни шомонлар ўғирлаб кетишади. Одам узок жойга саёҳатга кетганида унинг жони уйда қолади. Одамзот ўз ватанини кўмсашининг сабаби ҳам ана шунда. Анимизмга кўра, табиатдаги ҳар бир муҳимроқ ҳодисанинг ўз руҳи бор. Масалан, айрим дарахтларнинг руҳи

Ўрнига аввал айрим ўрмонлар ва бутазорларнинг руҳлари мавжуд, кейинчалик эса умуман ўрмон руҳи бор, деб ҳисоблаганлар. Бундай ақидалар шундай хулосага олиб келган: агар руҳлар кишиларга ўхшаб ов қилса, ўйнаса кулса, уларнинг овқатланиши ҳам тайин. Демак, вафот этган кишининг тирик арвоҳи хусусида ғамхўрлик қилиш керак. Уларга озиқ-овқат ва бошқа ҳадялар атаб туриш лозим. Ўрта Осиёда марҳумнинг жонини арвоҳ деб аташган. Арвоҳнинг бир хусусияти шундаки, у ўликни ташлаб узоққа кетмайди, лекин у қабрдан ташқарига чиқади, деб ўйлашган. Шунинг учун ҳам қадимги замонларда арвоҳ учун гўрни тешиб қўйганлар ёки мазор олдида арвоҳ уйи қурганлар. Арвоҳ ҳамма жойда - дарахтларда, ариқ ва дарёларда, ховуз ва харобаларда юради. Шунга кўра, кишилар ўз бошларига бирон-бир мушкул иш тушса, ўша ерларга бориб сиғинганлар, пул ташлаганлар, арвоҳлардан мадад сўраганлар. Шомонизмда шомон ўз диний амалларини руҳлар орқали амалга оширади. Уларнинг эътиқодига кўра, шомонга илоҳий қудратни арвоҳлар бахш этади. Шомонлар арвоҳлар ёрдамида касалларни даволайди. Улар беморнинг руҳониятига таъсир кўрсатиш йўли билан турли усуллар ёрдамида гипноз қиладилар.

Шомонликни қабул қилишни хоҳловчилар ғорга бориб ўтирганлар. Тунда руҳ келиб унга ўз найзасини санчади ва уни сеҳргар қилиб қўяди, деб ишонганлар. Шомонлар орасида руҳлар билан гаплашадиган алоҳида кишилар ҳам бўлган. Диннинг бундай тури австралияликларда ҳозирги даврда ҳам мавжуд. Шомонлар ёмғирлар ёғдирганлар, аммо ҳамма жойда ҳам эмас. Волга бўйи халқларида ҳам шомонизмнинг асоратлари қисман сақланиб қолган. Мужан ёки мужадиш номи билан маълум кишилар ғайритабиий қобилиятга эга бўлиб, фол очиш билан шуғулланганлар. Мужанлар, гўёки, ёмон руҳлар билан алоқа ўрнатганлар, касаллик юборишга ёки уни даволашга қодир бўлганлар. Одамлар улардан жуда қўрққанлар. Удмуртларда бу вазифани туно - туш кўриб, фол очувчи кишилар бажарганлар. Одамлар улардан кўпинча, жумладан жрецларни тайинлашда маслаҳат олганлар. Туно худолар ва руҳлар билан алоқа ўрнатиб, кўпинча экстаз ҳолатида, яъни шомонлик йўли билан

келажак ҳақидаги хабарларни етказган.

70-80-йилларда Тайлорнинг анимистик назарияси турли мамлакатларнинг диншунослари орасида тез орада шуҳрат қозонди. У диншуносликда илгарига қараб ташланган йирик қадамлардан деб қаралди. Анимистик назария натурастик назариядан устун бўлиб чиқди. Кенг этнографик материал асосига қурилиб, уни системалаштирган, эволюция ғоялари руҳидаги бу анимистик теория бетартиб диний ақида ва урф-одатлар, шунингдек христианлик каби мураккаб динларни тушунишга, уларни энг оддий элементдан чиқаришга имкон бергандек бўлди. Шунингдек анимистик назария ўша даврдаги фанни илоҳиёт тизимларини танқид қилиши учун қурол билан таъминлади.

### **3.3. Дин ижтимоий ҳодиса сифатида.**

**ДИН СОЦИОЛОГИЯСИ** муайян жамиятда диний таълимотнинг тарқалиши, унинг кишилар онига таъсир даражаси, ижтимоий ва маданий-маънавий ҳаётдаги аҳамиятини аниқлаш мақсадида социологик тадқиқотлар хулосаларига мурожат қилинади. Кейинги икки аср давомида динни ижтимоий ҳодиса сифатида ўрганувчи диншуносликнинг дин социологияси фани ҳам шаклланди. Унда диннинг ижтимоий шарт-шароитлари, юзага келиш қонуниятлари, ривожланиши ва вазифалари, элементлари ва таркиби, жамиятдаги ўрни ва роли, аҳамияти ўрганилади. Социологик назария таркибига қуйидагилар киради:

- диннинг моҳиятини очиб берувчи асосий ҳолатлар;
- диний тафаккур, маросимлар, муносабатлар, ташкилотлар каби диннинг турли кўринишлари ҳақидаги билимлар;
- дин соҳасидаги аниқ тадқиқотлар услубияти.

**ДИН ИЖТИМОИЙ ҲОДИСА**-Динни ижтимоий ҳодиса сифатида ўрганадиган диншуносликнинг бу соҳаси – дин социологияси деб аталади. У диншуносликнинг алоҳида соҳаси сифатида XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида вужудга келди. Мазкур социологиянинг айрим қонунларини социологлардан Огюст Конт (1798-1857) ва Герберт Спенсер (1820-1903) ўз асарларида ишлаб чиқдилар. Шунга қарамай, унинг асосчилари Макс Вебер ва Эмиль Дюркхейм (1858-1917) ҳисобланадилар. Динни фақат руҳий ҳодиса

деб, диний туйғулар, тушунчалар, тасаввурлар барчаси инсоннинг ичидангина келиб чиқадиган нарса деб қарасак, биз хато қилган бўламиз. Инсон ўзини ўраб турган муҳит, жамият билан бевосита боғлиқдир. Дин ижтимоий ҳодиса бўлгани учун ҳам у жамият ҳаётида жиддий роль ўйнамаслиги мумкин эмас эди. Диний идеология ҳар доим ҳам инсон ахлоқи ва жамият тараққиётига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатмайди. Синфлар, ижтимоий гуруҳлар, шу жумладан алоҳида шахслар ўзларини мавжуд реал вазият, муайян шарт-шароит талаб қилганидек тутадилар. Агарда реал синфий, группавий ва шахсий манфаатлар мавжуд идеологияга зид бўлса, бу идеология амалда қўлланма бўлишдан тўхтайтиди ва фақатгина ақидаларда ҳамда амалиётга татбиқ этилмайдиган ҳикматли сўзлар ва насиҳатлардагина қолади. Жуда кўп ҳолларда алоҳида шахслар ва ижтимоий гуруҳлар бир диний-идеологик кўрсатмани зўр бериб тарғиб қилган ҳолда, ўзлари бу кўрсатмага бутунлай зид бўлган принципларга суяниб яшайдилар. Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, дин ижтимоий ҳаётда ҳал қилувчи, асосий аҳамиятга эга бўлган вазифани бажаради. Э. Дюркхеймнинг фикрича, дин ижтимоий ҳаётнинг рамзий акс этишидир. У инсоният тарихининг илк давридан бошлаб инсон билан бирга бўлиб келди ва инсоният ер юзида мавжуд экан, дин ҳам доимий мавжуддир. Дин жамият ҳаётида муҳим роль ўйнагани учун ҳам жамият тараққиёти динга қарши курашиш билан эмас, балки динни ўрганиш, у билан «келишиш» йўли билангина амалга ошиши мумкин. Дин бизнинг ўтмишимиздир. Ўтмишсиз келажак йўқ. Шунинг учун ҳам динни ўрганмай туриб келажакда намунавий жамият куриш мумкин бўлмайди. Ижтимоий фанлар қаторида динни алоҳида соҳа сифатида ўрганиш лозим.

#### **Назорат саволлар:**

1. Ғарб диншунослигининг ўзига хослиги нимада?
2. Дин фалсафасининг асосий ғояси нима?
3. Фейербах диншуносликнинг қайси мактабига асос солди?
4. Дин антропологияси деганда нимани тушунасиз?
5. Эдуард Тайлор илк диний тасаввурларни қандай баҳолайди?
6. Дин социологияси соҳасини асосчилари кимлар?
7. Дин социологияси нимани ўрганади?
8. Дин феноменологияси қандай ёндашувни билдиради?

### Адабиётлар рўйхати:

1. Токарев С.А. Религия в истории народов мира. 4-е изд., испр. и доп. М., 1986.
2. Тайлор Э. Первобытная культура. М., 1989.
3. Религиозные традиции мира. Буддизм, иудаизм, христианство, ислам. Справочник школьника. Бишкек, 1997.
4. Радугин А.А. Введение в религиоведение: теория, история и современные религии. М., 1996; 2-е издание, исправленное и дополненное. М., 1999.
5. Основы религиоведения. Под редакцией И.Н.Яблокова. М., 1994. Издание второе, переработанное и дополненное. М., 1998.
6. Лекции по истории религии. Учебное пособие. Санкт-Петербург, 1997.
7. Лекции по религиоведению. Под редакцией профессора И.Н.Яблокова. М., 1998.
8. Яблоков И.Н. Религия: сущность и явления. М., 1982.
9. Ибн Ҳазм Андалусий «Фасл фил-милал вал-аҳва ван-ниҳал», Қоҳира, Ибн Ҳазм Андалусий «Фасл фил-милал вал-аҳва ван-ниҳал», Қоҳира.
10. Мўминов А.Қ. Диншунослик асосларини ўқитиш ва ўрганишнинг ягона концепцияси. Т., Тошкент давлат шарқшунослик институти, 1999.
11. Реадон Б. Бағрикенглик: тинчлик сари олға қадам. Т., 2002.
12. Рудолф У. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. Т., Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2001.
13. Беруний, Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар // Беруний А.Р. Танланган асарлар. I том. Т., 1968.
14. Беруний, Абу Райҳон. Қонуни Масъудий // Беруний А.Р. Танланган асарлар. V том. Т., 1973.
15. Беруний, Абу Райҳон. Ҳиндистон // Беруний А.Р. Танланган асарлар. II том. Т., 1968.

## 4-МАВЗУ: Диний мутаассибликка қарши диний бағрикенгликнинг диний манбавий асослари

### **РЕЖА:**

4.1. Қиёснинг таърифи. Динларнинг ўрганишда қиёс услубининг ўзига хослиги.

4.2. Макс Мюллернинг Ғарб қиёсий диншунослигининг ривожда тутган ўрни.

**Таянч иборалар:** қиёс, қиёсий диншунослик, қиёсий таҳлил, санскрит, “сўздан эътиқодга”.

### **4.1. Қиёснинг таърифи. Динларнинг ўрганишда қиёс услубининг ўзига хослиги.**

**Қиёс усули.** Мусулмон олимлар динларни ҳар томонлама бир-бирига қиёслаб ўрганганлар. Бу усулда икки ёки ундан кўп динларнинг бир ёки кўп жиҳатлари ўрганилиб, бир-бирига таққосланади. Баъзи тадқиқотчилар бир диннинг айрим ёки барча жиҳатларини чуқур ўрганганлар. Бу эса, динларни қиёсий ўрганувчи кейинги тадқиқотчи учун зина вазифасини ўтаган. Яна бир қиёс усули – турли дин асосчилари билан пайғамбарлар, масалан, черков тасаввуридаги Исо Масих (а.с.) билан Будда ёки Кришна шахсиятини қиёслаш.

Абул Ҳасан Омирий (вафоти ҳ.381/ м.992й.) ўзининг «Китоб ал-аълум би маноқиб ал-Ислом» номли асаарида Ислом, Яҳудийлик, Христианлик, Собийлик, Зардўштийлик ва турли бутпарастлар динларини қиёсий таҳлил этиб, баён қилган. У аввало, динларнинг асосий рунлари бўлмиш эътиқод, ибодат, муомалот ва таъқиқларни, кейин эса, динларнинг ижтимоий-иқтисодий тизими ва эришган маданий ютуқларини қиёсий таҳлил қилиб баён этган. Омирийнинг бу асари мусулмон олимларининг диншунослик соҳасида ёзган асарлари фақатгина бирёқлама раддиялардан иборат, деб ҳисоблайдиганларга қарши инкор қилиб бўлмас далил бўлади. У бундан қарийб минг йил илгари ўз асарининг муқаддамасида қиёс усулининг хусусият ва тамойиллари ҳақида шундай ёзади: «Бир нарсани бошқа нарсалардан афзаллигини кўрсатиб берувчи қиёс усули тўғри ҳам, нотўғри ҳам

бўлиши мумкин. Тўғри бўлиши куйидаги икки шартга боғлиқ:

- 1) Қиёсланаётган нарсалар бир хил турда бўлиши лозим. Бир диндаги асосийликни иккинчи диндаги хусусийлик билан қиёслаш тўғри эмас;
- 2) Динларнинг бирор бир фирқаси ақидаларига қараб ўша динга умумий равишда баҳо бермаслик, балки барча фирқаларнинг қарашларини эътиборга олиш лозим».<sup>21</sup>

#### **4.2. Макс Мюллернинг Ғарб қиёсий диншунослигининг ривожда тутган ўрни.**

##### **Макс Мюллер**

Макс Мюллер 1823 йилнинг 6 декабр куни Германиянинг Десасу шаҳрида дунёга келган. У ўз даврида Германиядаги машҳур шоирлардан бири бўлган Вильгельм Мюллернинг ўғлидир. Макс Мюллер ўз даврида диншунос олимлардан ўзгача илмий изланишлар ва ижодиётлар билан шуғулланган. У ўз даврининг олмон ва инглиз тиллари филологи, тилшунослик, индология ва мифология (афсоналар) бўйича етук мутахассиси бўлган<sup>22</sup>.

1841 йили Макс Мюллер Десасудаги Лейпциг университетига киради. У талабалик кунларидан бошлаб, мумтоз манбаларни, психология ва антропология каби фанларни чуқур ўрганган. Макс Мюллер 1848 йилда ўзининг илмий изланишлари ва тадқиқотлари натижасида фалсафа фанлари доктори даражасини олган. У янада ўзининг илмини оширишда давом этиб, Берлин ва Париждаги қатор университетларда филология, фалсафа, санскрит тили ва Шарқ халқлари динларининг тарихини чуқур ўрганган. Айни вақтда Макс Мюллер Оксфорд университетига талабаларга санскрит тилидан дарс берган<sup>23</sup>.

Макс Мюллер диншунослик фанининг ривожланишига муносиб ҳисасини қўшган немис философларидан бири ҳисобланади. Макс Мюллер (1823–1900), француз позитивист-философи ва социологи Эмиль Дюркхейм (1858–1917), инглиз этнологи ва диншуноси Эдуард Бернетт Тайлор (1832–1917), М.Вебер, Ф.Циэль, Ш. Де Сосей каби олимларнинг асарлари диншунослик фанининг вужудга келишида асос бўлиб хизмат қилди<sup>24</sup>.

#### **Дин –қиёсий диншуносликнинг предмети сифатида**

Маърузаларимни тилшуносликка оид тадқиқотларимдан бошлашга қарор қилдим.

Менинг асосий мақсадим асосий тилларни илмий нуқтаи назардан қиёсий ўрганиш аниқ ҳужжатларга асосланганлиги туфайли, заковатли ва

<sup>21</sup> Абул Ҳасан Омирий «Китоб ал-аълум би манокиб ал-Ислом», Ар-Риёд, санасиз, 82-с.

<sup>22</sup> [www.ramler.ru/shlish.relidion.htm](http://www.ramler.ru/shlish.relidion.htm). Шунингдек: Siehe dazu <http://www.cemvakfi.orgi/makaleler.htm>

<sup>23</sup> [www.eurofa-auf-einen-Blik.de](http://www.eurofa-auf-einen-Blik.de).

<sup>24</sup> Ўша манба.



тафаккурли жамиятнинг эътиборини тортганини исботлашдан иборат. Шунингдек мен қиёсий тилшунослик нафақат филолог, тарихчи файласуфлар, балки тилни руҳиятини, моҳиятини, тараққий этиш босқичларини, қайсидир даражада сирли бўлган жихатларини ўрганиш, ҳар бир илмли инсон учун кизиқарлидир деб ўйлайман. Агар барча тадқиқотлар инсониятнинг тиллари асосида жамланганида эди, унда бизни қиёсий тилшунослик номли янги фан асримизнинг энг фаол интеллектуал фанлари билан бир қатордан жой олиб, улар билан бемалол беллаша олган бўлар эди. Шу фикрни мен бутун жамоа мени қўллаб қувватлагунга қадар ҳимоя қилдим. Ва ниҳоят тилшунослик ривожига оид илмий мақолаларим, фанга оид маърузаларимни ўқиш жараёнида қиёсий тилшунослик тилшунослик атрофига ўз тарафдорларини тўплай олди ва айтиш мумкинки ҳалқда қизиқиш уйғота олди.

Масалан, ҳозирги кундаги тилшунослик ривожига оид илмий маърузалар, ёки кунлик, ойлик, ҳафталик нашрлардаги мавзуга оид мақолалар, қадимги тарих фалсафа ва динларга оид материаллар тадқиқотида тилшуносликнинг кенг қўлланилиши юқоридаги фикрларимизга далил бўла олади.

Шунингдек, Франция ва Германиядан ўрнатқ олиб Англия Шотландия Ирландия университетларида ҳам қиёсий тилшунослик, санскрит тили кафедралари фаолият юрита бошлаши юқоридаги фикрларимиз исботидир. Қолаверса бу фанинг вужудга келмасиданоқ шундай юксак чўққиларга эришгани унинг келажаги ҳақида қайғурмасак ҳам бўлишидан далолатдир. Бизнинг мактаблар ҳам юқоридаги университетлардар ўрнатқ оладилар деган умиддамиз. Чунки тил грамматикаси устида кунига бир неча соат тер тўкиб ишлайдиган сабр бардошли ва тиришқоқ талабалар, шу соҳанинг етук мутахассиси бўлган устозлари туфайли эндиликда бутун инсоният нутқини аглаш мумкин бўлган юқори чўққиларни забт этганликларини айтиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Айнан шу вақтдан бошлаб эса грамматик қийинчиликлар йўқолади. Сабаб, қиёсий тилшуносликнинг грек, латин, немис, француз тилларига оид қўлланилаётган методлари, барча тилларни қоронғу ва сирли жихатларини электр токи ёруғлигидек чароғон этади.

Менинг Германияга бўлган сафарим чоғида барча латин ва грек тилларини ўрганаётган талабалар бир вақтнинг ўзида қиёсий тилшуносликни ўрганаётганликлари эътиборимни тортди. Лейпцигдаги санскрит тилидан маъруза ўқийдиган профессор эса талабаларининг 50тага етгани ва уларнинг бу тил орқали филология фанига кириб бораётганликларини таъкидлади.

15 асрда университетларга грек тилини киритилиши 19 асрдаги санскрит тили киритилганидек натижа бермаган эди. Ҳозирда Германияда ёш филологлардан ҳеч бири санскрит тили ёки қиёсий тилшунослик имтиҳонларини топширмасдан туриб, мактабларда дарс бериш ва докторлик дипломини ҳимоя қилиш ҳуқуқини ололмайдилар.

Табиийки савол туғилади нима учун буни Англияда қўллаб бўлмайдими? Ўз малакамга таяниб шуни аниқ айта оламани, Англия ёшларининг интеллект даражаси немисларники билан баробардир.

Келинг эскича қарашларимизни четга сурган холда янгича назар билан

қиёсий тилшуносликка қарайлик. Унинг ҳам бошқа фанларга берилгани каби, ҳар бир мактаб ва университетларнинг филологик имтихонларга киритилиш ҳуқуқи бор.

Бугун мен бир қатор янги диншуносликка оид маърузалар тақдим қилмоқчиман. Мен аввало дунё динлариини илмий нуқтаи назардан бир қаторга териб тадқиқ қилишдан аввал, кўриб чиқилиши керак бўлган бошқа жиҳатларига эътибор бермасдан иложим йўқ. Буни бошлашимдан авал эса менда худди шу ерда бир қнеча йиллар аввал тилшуносликка оид илк маърузуларимни бошлаганимдаги каби чексиз ҳаяжон чулғаб олмоқда.

Чунки Мен дунё динлариини илмий нуқтаи назардан ўрганишга нисбатан, худди тилшуносликга бўлгани каби қатъий эътирозлар бўлишини олдиндан яхши биламан. Ҳаттоки эътирозлар тилшуносликка нисбатан ҳам кучлироқ ва чуқурроқ бўлишини ҳам аниқ биламан. Аммо шунга қарамай фикрларимга раддия билан чиқувчиларга юзма-юз туришга тайёр эканлигимни ҳам хис қиляпман. Ўзимга бўлган ишонч ва қатъий далилларга таянган фикрларим, танқидчиларнинг маърузаларимни охиригача сабр билан эшитишларига ишончимни оширмоқда. Бизнинг давримизда дин ҳақида гап кетар экан кимгадир тегиб ўтмасдан иложиси йўқ.

Чунки кўпчиликнинг фикрига кўра дин ўзининг муқаддаслиги илоҳийлиги билан турли тадқиқот ва илмий методлардан ўзоқда бўлиши керак. Яна бир тоифа кишилар эса дин ҳатоликлар ва орзулар йиғиндиси бўлиб, астрономия ва алкимё каби аниқ фанлар билан бир қаторга қўйилиши мумкин эмас деб ҳисоблайдилар. Юқоридаги икки хил қарашга ҳам мен ҳеч қандай эътироз билдирмайман.

Дин – бу илоҳий бўлиб, унинг турлари нечоғлик мукамал ва номукамал бўлмасин у энг юксак ҳурмат ва эҳтиромга лойиқдир. Ишонтириб айтаманки бу ердагиларнинг ҳеч бири менинг лавзимдан хох у христиан хох яҳудий ва ё мусулмон бўлсин, ўзининг эътиқодий қарашларига нисбатан ҳақорат, камситиш эшитмайди. Ушбу ҳурмат предметни ўрганиш жараёнидаги ҳаққонийлик ва холисликда намоён бўлади. Бу эҳтиромнинг сабаби биз учун энг қадрли ва муқаддас бўлган қарашлар тадқиқоти билан боғлиқлигидадир. Шунга кўра изланишлар холисона ва илмий даражада бўлишликни талаб қилади.

Энди агар алкимё ва астрономиянинг тарихига назар солсак, худди ибтидоий даврлардаги динлар каби ўхшаш жиҳатларни кузатиш мумкин. Масалан, замонавий динларда ҳам ибтидоий динларнинг қолдиқларини кузатишимиз мумкин. Аммо, ҳақиқатга эришмоқ учун эса ҳатоларни тадқиқ қилиш керак. Яъни ал- кимё кимёга ёки астрология астрономияга йўл очгани сингари динлар тарққетини ҳам тўғри тушунишимиз керак. Мен ўз тарафимдан кимнингдир нафсониятига тегмасликка ҳаракат қиламан, чунки менга тўғри туюлган фикрларим холисона қарашларим қайсидир жиҳатдан менинг аудиториямнинг норозилигига сабаб бўлиши мумкин. Мисол учун “Динларни ўрганиш” атамасининг ўзи, аксарият одамларда норозилик уйғотади. Ҳеч бир динни устун қўймасдан уларни холисона илмий қиёсий ўрганишга раддия бериш эса, қадимги фетишларга эътиқод қилувчидан тортиб

то ҳозирги мукамал динга эътиқод қилувчилар қалбларида ўз динлари ва Худога нисбатан қалбан мухаббат йўқлигидан далолатдир.

Рухсатингиз билан тан оламанки мен ҳам бошида қайсидир даражада шу каби танқидчилар тарафдорларидан эдим. Аммо меҳнатларим, тадқиқотларим, изланишларим туфайли танқидий қарашларимни енга олдим. Бунга ўзимнинг ҳақиқатга қарши борадиган фикрларимни енга олганим сабаб бўла олди.

Вақти келганида динларни ўрганишнинг маълум миқдорда салбий жиҳатлари ҳам мавжудлигини ҳам айтиб ўтишим керак. У бизлар учун қадрли бўлган айрим нарсаларни йўқолишига сабаб бўлиши мумкин. Ожиз ақлимга таянган ҳолда шуни ишонтириб айта оламанки, йўқотиш деганда асло бирор бир диннинг таълимотини назарда тутмаяпман. Аммо тарозини бир палласига изланишларимиз натижасида тўпланган маълумотларни, иккинчисига салбий томонларни қўйсақ албатта изланишларимиз оғир босиши аниқдир. Агар биз классик мактаб олимларидан тилларни билишликни баҳолаб беришларини сўраб мурожаат қилганимизда, табиийки уларда: “тилларни қиёсий ўрганишдан нима фойда?” деган савол туғилар эди. Бунга жавобан: “тилларни амалиёт учун уларда сўзлашиш, ўқиш, янгиликлар олиш учун ўрганамиз. Агар уларни қиёслаб баробарига ўрганадиган бўлсак, мавжуд материалларни тўлиқ қамраб ололмаслик муаммоси вужудга келади. Табиийки ақлимиз катта нарса тубида заррадек бўлиб қолиб заифлашади. Аммо кичик бир нарсани кенгайтириб изланилса тобора кучлилашиб бораверади”, деб таъкидлаган бўлар эдилар.

Агар шундай жиҳатларни тилшуносликка нисбатан ишлатиладиган бўлса, унда қиёсий диншуносликка нисбатан танқид кучайиши муқаррардир.

Мен айна дамда Будда Канфуций Лао ва Муҳаммаднинг муқаддас китобларига нисбатан танқидий назар билан муҳокама олиб борадиган инсонлар ҳақида эмас, балки ҳар бир муқаддас китобни илоҳий мўжиза сифатида ҳурмат билан қарайдиганлар ҳақида сўз юритмоқчиман.

Айрим филолог профессорлар орасида санскрит, зент тилларини ўрганиш, қадимги грек лотин тилларини ўрганишдек фойда бермайди деган фикрлар каби қиёсий диншуносликнинг ҳам фойдаси йўқ дейдиганлар топилади.

“қиёсдан биз қандай фойда оламиз?”, деган туғилади. бу борада биз ҳар бир илм ўз ривожига қиёсга қарздорлиги ва шу билан бирга қиёсга таянишини эсдан чиқамаслигимиз керак. Бизнинг асримизда тадқиқот характери ҳақида, айниқса қиёсий методи ҳақида гап кетганида, унинг замирида жуда кўплаб материалларга асосланиш ётишини эслатиб ўтиш жоиз. Айна шу материалларни таққослаш орқали янади холисона баҳо, янгилик келиб чиқади. Жавоб мукамалроқ бўлиши учун динларни ўрганиш ҳақидаги резюмени келтириб ўтиш жоиздир. Масалан, бир неча аср илгариги филолог олимларнинг фикрларини кўриб чиқиб айрим лингвистик муаммоларни ечишга ҳаракат қилинса. Шу билан бирга замонавий қиёсни қўллайдиган филологларнинг қарашлари билан танишиб чиқилса, қиёс методидан нақадар катта фойда олиш мумкинлигини гувоҳи бўлиш мумкин.

Бир неча асрлар илгари аксиома сифатида қабул қилинган қадимги яхудий тили бутун инсоният тилининг ибтидоси деган фикр мавжуд эди. Табиийки савол туғилади унда қандай қилиб грек ва лотин тиллари иврит тилидан келиб чиқган. Бу фикрга қарши 9 асрда Никейлик рухоний Григорий қарши чиқган. Бу қарашга кўра сўзнинг грамматик тузилиши отлар ва феълларнинг ўзагининг табиий ўсиши ва ўзгариши натижасида юзага келган. Маъно жиҳатидан бир хиллик эса келиб чиқиши умумийлиги билан ифодаланган. Юқоридаги филологик жиҳатлар вақт ўтиши билан замонавий олимлар Гумбольд, Гримм, Бопп асарларида кузатилмайди. ўйлаб кўрилса бундай ўзгариш қандайдир зарар келтирадими? Ёки бу йўналишда қилинган изланишлар бесамар бўлди? Қачонки ҳар биримизга гапириш каби мўжизавий хусусиятни берган Зот табиатимизни ҳам мўжиза сифатида яратганини билганимиздан кейин наҳотки тилларга нисбатан қизиқиш камайса?

Ҳар бир предмет номларини қўйиш инсонга қўйиб берилган. Сўзларни қайта ишлаб уларга жилов бериш эса инсон тафаккури билан амалга оширган. Қадимги яхудий тили инсоният учун илк тил сифатида эмас балки араб, сирия, қадимги вавилон тиллари билан қариндош уйғун тил сифатида ёки унга тилнинг грамматикасининг қоронғу жиҳатларини очиб берадиган ибтидоий тилларга қондош бўлган тил сифатида тадқиқ этилса, қай бир усулдан фойда кўпроқ бўлади? Наҳотки хозирги замонавий тадқиқотларнинг қимматлилиги, уларнинг жиддий тарихий ва физиологик тадқиқотларида эмас, балки уларнинг юзаки қарашлар билан ўрганганлиги билан белгиланса. Наҳотки биз махаллаий тилимиз билан унинг ҳақиқий ва аутентик тарихнинг билганимиз билан, барча тилларда ҳаттоки ёввойи тилларнинг ҳам ўзига яраша тартиби, заковати (балогати) ва бизнинг тилимизга қайсидир жиҳатлари билан ўхшашлигини билганимиздан кейин, камроқ фаҳрлана бошлаймиз. Ёки бу тил орқали унда дуолар қилаётганда қалбимизда иссиқлик камайиб кетадими?

Хўш, Қачонки бошқа жабхаларда у ўзининг катта натижаларини бераётган бўлса, нима учун биз қиёс методини динларга нисбатан қўллашга иккиланишимиз керак. Нима биз динларни қиёсий ўрганишимиз дунёни ўзгартириб юборадими. Инсоният динларини ривожланиши ёки таназзулини ўзгартириб юборадими? Қачонки бизнинг мажбурият ва заруриятларимиз, қиёс усулини динларга нисбатан зарарли эмаслигини исботласак, биз бунга қатъият билан раддия бера оламиз. Бизнинг холисона янгилик яратишга бўлган ишончимиз бу ишда бизларга туртки бўлиб, динларни қиёсий ўрганишни орқага сурмаслигимизга даъват қилади.

Қиёсий тилшунослик билан шуғулланаётган лингвистлар ўзларига Гетенинг кимки битта тилни билса у ҳеч қандай тилни билмабди деган парадоксини шиор қилиб олган эдилар. Бошида бу фикр барчада ҳайрат ва хаяжон ўйотган эди. Вақт ўтиши билан бу ҳайрат тагида яширинган сирнинг моҳиятини англаб етдилар. Гёте Гомер грек Шекспир эса инглиз тилларини билишмаган, яъни Улар ўз она тилларидан бошқасини билмаган деган фикрни илгари сурмаган. Гете фақатгина на Гомер ва на Шекспир шундай катта

таассуротлар берадиган тилнинг кучини яхши билишган, аммо асл моҳиятини тўлиқ билмаган деган фикрни берган холос. Шунингдек, Гомер ҳам, Шекспир ҳам ўзининг ўлмас асарларини яратаётганда ўз тилининг қанчалик буюклигини била олмаган, зеро бунга фақат бошқа тилларга солиштириш, таққослаш орқали эришилади де хулоса қилган.

Масалан, Бахтга қарши инглиз тилида **to ken** феъли адашиб қолганлиги, ундан *can* ва *canning* Сўзлари келиб чиқишига сабаб бўлган. Агарда ушбу адашиш бўлмаганида эди, юқоридаги фикримизни улар орқали исботлай олмаган бўлар эдик. Немисларда ҳам бундай холни кузатишимиз мумкин. Умуман олганда *to ken*- *to can* эмас.

Менимча энг балоғатли нотик ва шоир ўзларининг сўз бойликларининг қанча бўлишидан, стилистик маҳоратидан қатъий назар тил нима ўзи деган савол олдида бироз ўйланиб қолиши табиий.

Ана энда биз юқорида тилга нисбатан қандай фикр мулоҳазалар юритган бўлсак уларни динларга нисбатан ҳам қўллашимиз мумкин. Кимки бир динни билса ҳеч қандай динни билмабди. Бундан ташқари бундай бир неча фикрларни келтириш мумкин. Масалан имони тоғларни силжитиши мумкин бўлган эътиқодли инсондан –“дин нима ўзи?”, деб сўралса бироз ўйланиб қолиши ёки диннинг зохирий тарафларини санаб ўтиши амалиётда кузатилган. Динни туб моҳиятини тўлиқ очиб бера олмасликлари эсаҳақиқатга яқинроқдир.

Дин сўзини оладиган бўлсак у икки турлича маънони англатади. яхудий хиндуйлик христиан динлари ҳақида гап кетганда авлоддан авлодга урф одатлар маросимлар муқаддас китоблар ўтадиган илоҳий илмлар йиғиндисидир деб қаралади. Бу маънода дин сўзи бири иккинчисидан ўтадиган яъни аввал хинд тилида гапирган бир инсон эндиликда инглиз тилида сўзлай бошлайди. Қиёслаб кўрадиган бўлсак брахманлик динига эътиқод қилувчи бир инсон эндиликда христиан динига мансублигидир.

Аммо дин сўзи бошқа бир маънони англатади, яъни инсонда бир жиҳат борки у тарихда қандай тиллар мавжуд бўлган бўлмасин у ўз тилида сўзлайди ва айнан динларга нисбатан қўлласак инсоният тарихида қандай динлар мавжуд болган бўлмасин фақат ўз динига эътиқод қилади. Инсонни ҳайвондан дини орқали фарқ қилиш мумкин деганда, биз фақат насроний ёхуд иброний эътиқодни эмас, умуман мавжудлик ва чексизликни муайян шаклда тушунтиришга уринадиган ақлий (баъзан ақлга зид) қобилиятни тасаввур этамиз. Мана шу қобилият бўлмаганда, ҳатто ўша оддий ёғоч ё тош санамларга сифиниш ҳам бўлмаган бўларди. Агар биз аста секин уларга кулоқ тутадиган бўлсак барча динлардаги рух дунёсига чексизликка йўналтирилган худди худога нисбатан севги ҳайқириғини эшитишимиз мумкин. Қадимгиларнинг грекчадаги осмонга қаранг сўзига ишлатилган этимологиясини қўллаш тўғри бўладими ёки йўқми билмайман. Аммо шуниси аниқки барча маҳлуқлардан фарқли ўлароқ фақатгина инсон нигоҳини осмонга қадаб умид билан зорланишга қодирдир. Ҳар бир дин гўё одам боласининг оҳу-зори, нажот истаб тортган наъраси, ёки сокин хўрсиниғи кабидир. Ўз нигоҳини кўкка қадаши билан инсон бошқа жонзотлардан фарқ қилади, ҳеч тенги йўқ имтиёзга эга

бўлади. Ва айнан шу самимий худо тарафидан берилган қобилиятни таърифлашга тил ожизлик қиладиган лаҳзани қандайдир рухий таскин ва энгиликни на хиссий сезги ва на ақл такдим эта олади. Фалсафада бу хиссиётни ва ақл билан тафаккурни ўрганадиган мактаб бўлганида, унда инсоннинг номаълум чексизлик ва борлиқни тушуниш қобилияти мавжудлигини исбот қилар эди. Немис тилида бу учинчи қобилият *vernunft* карама қарши маъноси *verstand*, яъни тафаккур (ақл) ва *sinn* хиссиёт маъносини англатади.

Инглиз тилида бу сўзларга мос сўз йўқлиги туфайли ишониш қобилияти деб номланади. Аммо бу сўзга тўғри дефиниция қўйиб бир макон ва замонда маълум бир чегарани қўйиш керак. Чунки бу оламда шундай нарсалар борки уни инсон ва на ақл ва на тафаккур билан англай олади, на хиссиёти билан сезиб аниқ бир таъриф бера олади.

### **Назорат саволлар:**

1. Диншуносликда қиёс деганда нимани тушунаси?
2. Қиёс услубининг ўзига хослиги нимада?
3. Мусулмон диншунослари қиёсдан қандай фойдаланганлар?
4. Абул Ҳасан Омирий қайси динларни қиёсий ўрганган?
5. Макс Мюллернинг қандай асарларини биласиз?
6. “Ким бир тилни билса, у ҳеч бир динни билмабди” ибораси кимга тегишли?

### **Адабиётлар:**

1. Токарев С.А. Религия в истории народов мира. 4-е изд., испр. и доп. М., 1986.
2. Тайлор Э. Первобытная культура. М., 1989.
3. Религиозные традиции мира. Буддизм, иудаизм, христианство, ислам. Справочник школьника. Бишкек, 1997.
4. Радугин А.А. Введение в религиоведение: теория, история и современные религии. М., 1996; 2-е издание, исправленное и дополненное. М., 1999.
5. Основы религиоведения. Под редакцией И.Н.Яблокова. М., 1994. Издание второе, переработанное и дополненное. М., 1998.
6. Лекции по истории религии. Учебное пособие. Санкт-Петербург, 1997.
7. Лекции по религиоведению. Под редакцией профессора И.Н.Яблокова. М., 1998.

## 5-МАВЗУ: Ўзбекистонда исломий қадриятларнинг тадбиқ этилиши ислом маданиятига айланиши жараёнлари

### **РЕЖА:**

5.1. Мустақилликдан кейин Ўзбекистонда динларни ўрганишга муносабатнинг ўзгариши ва фаннинг таълим жараёнига жалб этилиши.

5.2. Мустақилликдан кейин Ўзбекистонда динларни ўрганишга муносабатнинг ўзгариши ва фаннинг таълим жараёнига жалб этилиши.

**Таянч иборалар:** диншунослик соҳаси, ислом институти, диний таълим, ЮНЕСКО жаҳон динларини қиёсий ўрганиш кафедраси

**5.1. Мустақилликдан кейин Ўзбекистонда динларни ўрганишга муносабатнинг ўзгариши ва фаннинг таълим жараёнига жалб этилиши.**

Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятига кириб бораётган бир шароитда турли дин вакиллари билан мулоқот қилишнинг юксак маданиятига эришиш катта аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам диншунослик фанининг асосий вазифаларидан бири кишиларда турли динларнинг келиб чиқиши, тараққиёти тарихи, таълимоти, асосий манбалари, ҳозирги даврдаги ҳолати, халқ ҳаётида тутган ўрни ҳақида умумий маълумотлар асосида турли дин вакилларини ҳар томонлама чуқурроқ танитиш ва улар билан мулоқот қилишда етарли билимлар билан қуроллантиришдан иборат. Бундай билимларни ҳосил қилишда эса, турлича ёндашувлар бўлиб, уларни атрофлича таҳлил қилиш катта илмий аҳамиятга эга.

Шунинг учун ҳам юртимизда ўрта ва олий ўқув муассасаларида диншунослик фани ўқитилишининг узлуксиз таълим тизими жорий қилинмоқда. Ушбу фан бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратиш, бунинг учун чуқур илмий тадқиқотлар олиб бориш, чет эллик мутухассислар билан илмий ҳамкорликни йўлга қўйиш мазкур ишни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Дунёдаги ҳар бир дин ўзининг эътиқодчиларига эга бўлиб, у инсонлар ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб қолган. Чунки дунё яралган илк даврларда содда кўринишда бўлган диний эътиқодлар аста-секин тараққий этиб, ривожланган. Шунинг учун ҳам дин инсон ва жамият ҳаётида муҳим функцияларни бажаради ва одамларни фақат яхшиликка, эзгуликларга чорлайди. Инсонлар ҳар доим диний эътиқодга эҳтиёж сезганлар ва унга бўлган ишончни ҳамма нарсадан

юқори кўйиб, атрофида бирлашиб, бир жамоа бўлиб яшаганлар. Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек: “Дин азалдан инсон маънавиятининг таркибий қисми сифатида одамзотнинг юксак идеаллари, ҳақ ва ҳақиқат, инсоф ва адолат тўғрисидаги орзу-армонларини ўзида мужассам этган, уларни барқарор қоидалар шаклида мустаҳкамлаб келаётган ғоя ва қарашларнинг яхлит бир тизимидир”<sup>25</sup>.

Ўзбекистон Россия империяси таркибида бўлган ва жаҳон ҳамжамиятидан ажралиб яшаган бир даврда Ғарбда XIX асрнинг ўрталарида шакллана бошлаган диншунослик фани анчагина тараққиёт босқичларини босиб ўтиб, бу соҳада кўплаб илмий натижаларга эришилди. Динга муносабат ўзгарган кейинги йилларда бу хусусда юртимиз ва хорижда бир қанча илмий тадқиқот ишлари қилинган, кўплаб адабиётлар ва дарсликлар чоп этилган. Айниқса, XX асрнинг 80-йилларидаги қайта қуриш даврида собиқ совет иттифоқи республикаларида динга муносабат бутунлай ўзгарди. Натижада бу соҳага жиддий эътибор берилиб, чуқур ва холис-илмий ўрганила бошланди.

Мустақиллик йилларида юртимизда динларни ўрганиш ва ўқитиш борасида, умуман диншунослик соҳасида муҳим бурилиш содир бўлди. Мазкур масалаларга оид янги руҳдаги бир қанча адабиётлар ва дарсликлар чоп этилди ва ҳамон бу жараён фаол давом этмоқда. Ҳозирда таълим тизимида диншунослик фанларини ўқитиш бўйича республика миқёсида тажриба майдонлари ташкил қилинган. Бундай муҳим ва долзарб, айти пайтда жиддий масъулиятли вазифани бажаришда А.Ҳасанов, Ҳ.Кароматов, С.Агзамходжаев, Н.Низомиддинов, М.Ортиқов, Ш.Ёвқочев, Э.Ибрагимов, Д.Рахимжонов, Н.Муҳамедов каби юртимиздаги таниқли олим ва тадқиқотчилар саъй-ҳаракат қилиб, жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Мана шундай ишларда айниқса ТИУнинг ҳам муҳим ўрни бор. Университетда мактабларда диншунослик фанларини ўқитиш бўйича кўпгина семинарлар, анжуманлар ўтказилди. Мазкур фанлар бўйича таълим берадиган ўқитувчилар учун малака ошириш курслари ташкил этилди. Шунингдек, ТИУ нашриётида Ўзбекистон тарихида илк бор 2001 йилда Дунё динлари тарихи фани бўйича мактаб ўқувчилари учун дарсликлар нашр қилинди.

ТИУда Диншунослик Исломшунослик кафедраси ва Исломшунослик тадқиқот маркази фаолият юритмоқда. Уларда ҳам диншунослик фанларини ўқитиш бўйича тегишли қўлланмалар ишлаб чиқилмоқда. Мазкур қўлланма ва адабиётлар ҳам маҳаллий, ҳам хорижий манба ва адабиётлардан фойдаланиб, хорижий соҳа мутахассислари эришган ютуқ ва тажрибаларини ўрганган ҳолда яратилмоқда.

---

<sup>25</sup> Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 36.



Бу эса, юртимизда ҳам динларни ўрганишдаги ёндашувлар, услубият ва дастурлар, демакки, Ўзбекистоннинг ўзига хос диншунослик мактаби юзага келаётганидан далолат беради. Албатта илк бор қўл урилган бундай ишларда камчиликлар бўлиши табиий. Уларни такомиллаштириш жараёни ҳамон давом этмоқда.

Динларни ўрганишдаги турли хил ёндашувларни атрофлича қиёсий таҳлил қилиш, Ўзбекистонда динларни ўрганишда қандай ёндашув ва тамойилларга риоя этишимиз керак, деган савол жуда долзарбдир. Бу ҳам асосий мақсад – юртимизда динларни ўрганишнинг ўзига хос услубияти, ёндашув ва тамойилларини янада такомиллаштириш қаратилган.

## **5.2. Мустақилликдан кейин Ўзбекистонда динларни ўрганишга муносабатнинг ўзгариши ва фаннинг таълим жараёнига жалб этилиши.**

Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятига кириб бораётган бир шароитда турли дин вакиллари билан мулоқот қилишнинг юксак маданиятига эришиш катта аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам диншунослик фанининг асосий вазифаларидан бири кишиларда турли динларнинг келиб чиқиши, тараққиёти тарихи, таълимоти, асосий манбалари, ҳозирги даврдаги ҳолати, халқ ҳаётида тутган ўрни ҳақида умумий маълумотлар асосида турли дин вакилларини ҳар томонлама чуқурроқ танитиш ва улар билан мулоқот қилишда етарли билимлар билан қуроллантиришдан иборат. Бундай билимларни ҳосил қилишда эса, турлича ёндашувлар бўлиб, уларни атрофлича таҳлил қилиш катта илмий аҳамиятга эга.

Шунинг учун ҳам юртимизда ўрта ва олий ўқув муассасаларида диншунослик фани ўқитилишининг узлуксиз таълим тизими жорий қилинмоқда. Ушбу фан бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратиш, бунинг учун чуқур илмий тадқиқотлар олиб бориш, чет эллик мутухассислар билан илмий ҳамкорликни йўлга қўйиш мазкур ишни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Дунёдаги ҳар бир дин ўзининг эътиқодчиларига эга бўлиб, у инсонлар ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб қолган. Чунки дунё яралган илк даврларда содда кўринишда бўлган диний эътиқодлар аста-секин тараққий этиб, ривожланган. Шунинг учун ҳам дин инсон ва жамият ҳаётида муҳим функцияларни бажаради ва одамларни фақат яхшиликка, эзгуликларга чорлайди. Инсонлар ҳар доим диний эътиқодга эҳтиёж сезганлар ва унга бўлган ишончни ҳамма нарсадан юқори қўйиб, атрофида бирлашиб, бир жамоа бўлиб яшаганлар. Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек: “Дин азалдан инсон маънавиятининг таркибий қисми сифатида одамзотнинг юксак идеаллари, ҳақ ва ҳақиқат, инсоф ва адолат тўғрисидаги орзу-армонларини ўзида мужассам этган, уларни барқарор қоидалар шаклида мустаҳкамлаб келаётган ғоя ва қарашларнинг яхлит бир

тизимидир”<sup>26</sup>.

Ўзбекистон Россия империяси таркибида бўлган ва жаҳон ҳамжамиятидан ажралиб яшаган бир даврда Ғарбда XIX асрнинг ўрталарида шакллана бошлаган диншунослик фани анчагина тараққиёт босқичларини босиб ўтиб, бу соҳада кўплаб илмий натижаларга эришилди. Динга муносабат ўзгарган кейинги йилларда бу хусусда юртимиз ва хорижда бир қанча илмий тадқиқот ишлари қилинган, кўплаб адабиётлар ва дарсликлар чоп этилган. Айниқса, XX асрнинг 80-йилларидаги қайта қуриш даврида собиқ совет иттифоқи республикаларида динга муносабат бутунлай ўзгарди. Натижада бу соҳага жиддий эътибор берилиб, чуқур ва холис-илмий ўрганила бошланди.

Мустақиллик йилларида юртимизда динларни ўрганиш ва ўқитиш борасида, умуман диншунослик соҳасида муҳим бурилиш содир бўлди. Мазкур масалаларга оид янги руҳдаги бир қанча адабиётлар ва дарсликлар чоп этилди ва ҳамон бу жараён фаол давом этмоқда. Ҳозирда таълим тизимида диншунослик фанларини ўқитиш бўйича республика миқёсида тажриба майдонлари ташкил қилинган. Бундай муҳим ва долзарб, айти пайтда жиддий масъулиятли вазифани бажаришда А.Ҳасанов, Ҳ.Кароматов, С.Агзамходжаев, Н.Низомиддинов, М.Ортиқов, Ш.Ёвқочев, Э.Ибрагимов, Д.Рахимжонов, Н.Мухамедов каби юртимиздаги таниқли олим ва тадқиқотчилар саъй-ҳаракат қилиб, жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Мана шундай ишларда айниқса ТИУнинг ҳам муҳим ўрни бор. Университетда мактабларда диншунослик фанларини ўқитиш бўйича кўпгина семинарлар, анжуманлар ўтказилди. Мазкур фанлар бўйича таълим берадиган ўқитувчилар учун малака ошириш курслари ташкил этилди. Шунингдек, ТИУ нашриётида Ўзбекистон тарихида илк бор 2001 йилда Дунё динлари тарихи фани бўйича мактаб ўқувчилари учун дарсликлар нашр қилинди.

ТИУда Диншунослик Исломшунослик кафедраси ва Исломшунослик тадқиқот маркази фаолият юритмоқда. Уларда ҳам диншунослик фанларини ўқитиш бўйича тегишли қўлланмалар ишлаб чиқилмоқда. Мазкур қўлланма ва адабиётлар ҳам маҳаллий, ҳам хорижий манба ва адабиётлардан фойдаланиб, хорижий соҳа мутахассислари эришган ютуқ ва тажрибаларини ўрганган ҳолда яратилмоқда.

Бу эса, юртимизда ҳам динларни ўрганишдаги ёндашувлар, услубият ва дастурлар, демакки, Ўзбекистоннинг ўзига хос диншунослик мактаби юзага келаётганидан далолат беради. Албатта илк бор қўл урилган бундай ишларда камчиликлар бўлиши табиий. Уларни такомиллаштириш жараёни ҳамон давом этмоқда.

---

<sup>26</sup> Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 36.

Динларни ўрганишдаги турли хил ёндашувларни атрофлича қиёсий таҳлил қилиш, Ўзбекистонда динларни ўрганишда қандай ёндашув ва тамойилларга риоя этишимиз керак, деган савол жуда долзарбдир. Бу ҳам асосий мақсад – юртимизда динларни ўрганишнинг ўзига хос услубияти, ёндашув ва тамойилларини янада такомиллаштириш қаратилган.

XXI асрнинг бошларида дунё миқёсидаги қарама-қаршилик ва шу билан бирга инсониятнинг бирлашиши ва яқинлашуви маданият ва цивилизациялар, диний, миллий ва минтақавий кўринишда юз бераётгани маълум. Шу йўсинда ҳар бир жамият, давлат ва уюшма жаҳонда содир бўлаётган турли воқеаларда уларнинг ахлоқий негизлари ва маънавий асосларини топишига интиладилар. Аниқ далиллардан бири ҳам шуки, глобаллашув жараёни кўп ҳолларда алоҳида халқ ва миллатга хос бўлган ўзликни, миллий ва халқчиллик унсурларини, диний қадриятларга ҳам раҳна солади. Турли маданият ва қадриятларнинг тўқнашуви натижасида ҳар бир жамият аъзосининг маънавий ва ахлоқий бурчи ва жавобгарлиги ошиб боради. Инсон нафақат ўзи, оиласи ва яқинлари олдида, балки у яшаётган жамият, давлат ва ўзлигини мужассам этган турли қадриятлар олдида ҳам жавобгар эканлиги масъулиятини ҳис этади. Бир маданият намояндасининг бошқа маданият қадриятларини қабул қилиши ҳар доим ҳам осон ва тез бўлмаган.

Ўзбекистон Президенти республиканинг иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий тараққиётининг асосий принципларини ишлаб чиқар экан, ўз асарларида маънавият ва маданий-маърифий ишларнинг тараққиёти билан боғлиқ ҳукуматнинг сиёсати ҳар доим ҳам давлатнинг диққат марказида экани таъкидлаган.<sup>27</sup>

Мустақил ривожланиш даврида Ўзбекистон ҳаётнинг турли соҳаларида

---

<sup>27</sup> Қаранг: Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. – Т.: Ўзбекистон, 1996; Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: маънавият, 2008; Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997; Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий, истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996; Ислом Каримов. Бунёдеорлик йўлидан. 4-жилд. Т.: “Ўзбекистон”. 1996.

улкан муваффақиятларни қўлга киритди. Бирок, бундай зафар ва муваффақиятлар жамият олдида пайдо бўлаётган баъзи маънавий муаммоларни ҳал этиш учун жамиятнинг ҳар бир аъзосидан етарли даражада тафаккур ва масъулиятни талаб қилади.

**Биринчидан**, шахснинг шаклланишида диний маданият кўпроқ аҳамият касб этиб, инсоннинг жамият, халқ, давлат, миллий маданият, қолаверса, ўзи ибодат учун лойиқ деб эътиқод қилган Илоҳ - Маъбуд олдида жавобгарлик ҳисси ва масъулиятини орттирди.

Диний маданият – бу ҳар бир инсоннинг маънавий ва ахлоқий-диний куч-қувватини жамият ривожига тотувлик ва тинчликни асраш, давлат тараққиёти, олий инсонпарварлик ғояларнинг амалга тадбиқ этишидаги асосий воситасидир. Шунинг учун ҳам ахлоқ масаласининг маънавий ва диний жиҳатлари жамиятнинг кенг маънавий ҳаёти билан боғлиқ бўлган. Асрлар давомида эса бу муаммо мутафаккирлар, олимлар, диний арбоблар, файласуф ва сиёсатчилар диққатини тортган. Чунки бу омил жамиятга таъсир этиш воситалари ичида энг самарали ҳисобланади.

**Иккинчидан**, Ўзбекистон маънавий уйғонишига сабаб бўлган Ислом Каримовнинг ғояларида инсоннинг жамият олдидаги масъулияти муаммоси ва масалалари ҳам тарихий ва ҳам диний нуқтаи-назаридан тадқиқ этишни талаб қилади. Катталарни ҳурмат қилиш, оила ва фарзандлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, очик кўнгиллик, миллатидан қатъи назар одамларга хайрихоҳлик билан муносабатда бўлиш, ўзгалар кулфатига ҳамдард бўлиш ва ўзаро ёрдам туйғуси кишилар ўртасидаги муносабатларнинг меъёри ҳисобланади. Ўзбеклар диёрига, ўз Ватанига меҳр-муҳаббат, меҳнатсеварлик, билимга, устозларга, маърифатпарварларга нисбатан алоҳида ҳурмат-эҳтиром - Ўзбекистон аҳолисига хос фазилатлардир.

Буларнинг барчаси диний маданиятда мужассам бўлади. Зеро маънавий, ахлоқий масъулият ижтимоий тараққиётнинг барқарор туришига сабаб бўладиган омил сифатида, инсонларнинг турли соҳаларидаги муносабатларини қамраб олади. Ахлоқий масъулият маънавий бойлик

сифатида жамият ва инсонларнинг диний маданияти тараққиётининг камолотига далилдир.

**Учинчидан**, замонавий жамият ҳаётининг иқтисодий ва маданий глобаллашуви инсониятнинг уч минг йиллик тараққиётининг натижаси бўлиб, турли давлат ва сиёсий тузилмаларнинг кенг интеграциясига олиб келиши инсониятнинг тарих ва ўтмиш маънавий маданияти олдидаги жавобгарлигини янада оширди. Ушбу муаммонинг ҳал этилиши, тадқиқ этиб, ўрганилиши бизнинг республика ва бутун Ўрта Осиё минтақаси учун ўта долзарб бўлиб келаётир. Маълумки, тарих, маънавий мерос, урф-одат, анъана ва кадриятларга нисбатан масъулиятсизлик, ундан хабарсиз бўлиш охир оқибат келишмовчиликка (дисбалансга), инсон ва маданият, инсон ва жамият ўртасидаги уйғунсизликка олиб келади.

**Тўртинчидан**, маълумки ўзбек халқига тарихан ўз оиласи, қариндошлари, маҳалласи, қишлоғи, шаҳри, дини, барча урф-одатлари ва анъаналарига содиқ бўлишдек чуқур ҳиссиёт ҳосдир. Умуман олганда, ахлоқ соҳасидаги айни шундай масъулият Шарқ халқларида урфга айланиб улгурган. Шунинг учун ҳам Шарқда ҳар бир шахс қандайдир ахлоқий ва маънавий масъулият нормаларига риоя қилиб таянади.

**Бешинчидан**, инсоннинг диний маданияти ва масъулияти бозор муносабатларига ўтган, ҳуқуқий, демократик ва фуқаролик жамиятини барпо этаётган бугунги Ўзбекистон жамиятида жуда долзарб аҳамият касб этади. «Бугун биз ўтказётган ислоҳотларда маънавий соҳасидаги вазифалар менинг учун асосий масала бўлиб келмоқда. Нимага деганда, бозор иқтисодиётини кўриш мумкин. Янги ҳаётни ҳам, албатта барпо этамиз. Халқимизнинг ҳаёт даражасини ҳам кўтариб оламиз. Ишсизлик бартараф этилади, одамларнинг даромадлари яхшиланади. Лекин одам нафақат иқтисодий жиҳатдан, балки бизнинг назаримизда, аввало маънавий жиҳатдан бақувват бўлиши шарт. Яна бир такрор айтаман: илдизи бақувват, яъни руҳан бардам, онги тийрак, маънавий нуқтаи назардан юксак кишилар билан олдимизда турган барча

муаммоларни ҳал этиш осон кечади”<sup>28</sup>.

Бундан ташқари ушбу ҳолат унинг Ўрта Осиё минтақаси шароитига мос бўлган маҳаллий, этник ва диний жиҳатларга, ижтимоий ўзгаришларнинг динамикаси, одамлар, миллатлар ва халқаро муносабатларнинг кенгайиши, ижтимоий ҳаётдаги илмий-ахборотларнинг тарқалиши, пировард натижасида бир олам маънавий муаммоларни келиб чиқиши ва уларни ҳал этиш билан боғлиқ.

Инсоният диний маданиятида бирор-бир ахлоқий назария йўқки, унда инсоннинг маънавий, ахлоқий масъулияти масаласи қўйилмаган бўлса. Ғарб маънавий маданиятида инсоннинг ахлоқий масъулиятининг назарий жиҳатлари антик даврдан бошлаб, янги ва энг янги давргача давом этган (Сократ, Аристотель, Лукреций Кар, Эпикур, Кант, Гегель, Вебер ва б.). Масъулият муаммосининг муаммо сифатида ўртага ташланиши антик давр фалсафаси ҳамда фалсафий-ахлоқий рисолаларда, Ўрта аср диний таълимотларда ўз аксини топган (Августин, Ф. Аквинский ва б.).

Шарқ маданияти, жумладан ислом маданиятида кенг ўрин ажратилган инсон диний маданияти масаласи аввалги динлардан зардуштийлик ва буддавийлик таълимотларида ҳам ўрганилган. Кейинчалик ислом манбалари Қуръон, ҳадислар, калом, тасаввуф, муътазилия, ашъария, исмоилия каби диний таълимотлари бу масала кўтарилган ва ўзига хос тарзда, турлича ҳал қилинган.

Бироқ бугунги кунга қадар инсоннинг жамият, давлат, бошқа инсонлар, ўзи ва Худо олдидаги масъулияти, жавобгарлиги масаласи алоҳида, тарихий-назарий жиҳатлардан ўрганилмаган, умумлаштирувчи илмий иш ва тадқиқотлар мавжуд эмас. Ваҳоланки бу муаммо Аҳмад Югнакий, Юсуф Хос Ҳожиб, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний ва Алишер Навоий каби кўпгина мутафаккирлар асарларида кенг ёритилган ва таҳқиқ

---

<sup>28</sup> Ислом Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. -Т.: Ўзбекистон. 1996. – Б.121.

қилинган.

Ўзбекистон жамиятида маънавий масъулият ва жавобгарлик жамиятнинг бошқа соҳаларига қараганда (сиёсий, ҳуқуқий ва б. соҳаларига нисбатан) анча кенг ва кўпдир. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда анъанавий маънавий масъулият ҳиссини қайта тирилтириш ва уни мустаҳкамлаш ижтимоий-гуманитар фанларнинг муҳим вазифалари бирига айланмоқда. Бундан ташқари маънавий (ахлоқий) масъулиятнинг анъанавий тушунчасини илмий жиҳатдан ўрганилиши, бошқа ахлоқий ва диний масалаларни (бурч, виждон, ватанпарварлик, гуманизм, эътиқод ва ҳ.к.) ўрганишда методологик жиҳатдан аҳамият касб этади. Таъкидлаш лозимки, ахлоқий масъулият махсус чекланган доирада эмас (масалан ҳуқуқий), балки ижтимоий фикр, аҳоли фикри, оила ва турли коллективнинг муносабати доирасида таҳлил қилиниши лозим. Маънавий масъулият ва жавобгарликнинг ижтимоий ҳаётда махсус восита экани ҳам мана шу вазифаларда ўз аксини топган.

Масъулият муаммосининг тарихий-назарий муаммолари билан ижтимоий фанлар, фалсафа, этика, психология, тарих, социология, сиёсатшунослик, маданиятшунослик соҳалари олимлари машғул бўлишмоқда. Айниқса, бу муаммо Америка ва Европанинг ижтимоий-сиёсий ва фалсафий-ахлоқий таълимотларнинг намоёндалари томонидан жиддий ўрганилган (Дьюи Дт., Каулсон К.А., Росс С.Д., Фейенберг Т., Юнг Р., Хороз В. в.б.)<sup>29</sup>.

Мазкур муаммонинг баъзи масалалари этно-сиёсий, терроризм, экстремизм, экологик муаммолар билан туташган қирраларига россиялик олимлар аҳамият берганлар (Р.Г.Абдуллатипов, Н.Н. Афанасьев, О. Белков, А.С. Грочев, А.А. Гусейнов, Никулина в.б.). Фикримизча айти мавзуга бағишланган ва кўпчилик тадқиқотчиларга маълум бўлган кўпгина асарлар

---

<sup>29</sup> Dewey Y. The Experience Nature and Freedom.- Nev-Yorc, 1960; Corlson C.A. The Scientists Responsibility in Society. - Edinburgh, 1970; Ross S.D. The Nature of Moral Responsibility.- Detroit, 1973; Ross A. On Guilt, Responsibility and Punishment.-Univ. of California Press, 1975; Feinberg M. Essays in the theory of Responsibility and God.- Melbourne, 1975.; Horos W. The Crises of Responsibility.- Ceniv. Of Oklahoma Press, 1975; Greenawalt K. Conflict of law and morality. N.y., Oxford University, 1987.

маънавий масъулият ва жавобгарликни таҳлил этиш учун янгича мавқедан таҳлил этиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Энг аввало Қуръон, Ҳадис, исломий ахлоқ ва диний маданиятга бағишланган асарлардан Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат ул-хақоик», ал-Форобийнинг “Мадинат ал-фузало”, Абу Бакр Розийнинг “Рух тибби”, Абу Ҳомид Ғазолийнинг «Кимиёи саодат»и ва «Эҳё улум ад-дин», Кайковус Қовуснинг «Қобуснома», Низомулмулкнинг “Сиёсатнома”, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Ахлоқи Ҳусайний”, Жалолиддин Давонийнинг “Ахлоқи Давоний” шу жумладан эслаб ўтиш мумкин.

Ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатадики, инсоннинг маънавий меросга бўлган масъулиятсизлиги унинг ўтмишнинг маънавий бойликларига шахсан алоқаси бўлмаслик ҳиссиётининг йўқлигида ўз аксини топади. Аксинча ўтмиш билан яқин алоқада бўлган, маънавий меросни ўзиники деб билган инсоннинг масъулияти ва бурчи ҳам (уни сақлаш ва бойитиш учун) ошиб бораверади. Бугунги кун жамиятимизнинг аъзоси олий ахлоқий фазилатларга эга бўлган ҳолда, аждодлар, авлодлар олдидаги бурч ва масъулиятларини тўла ҳис этиб, тарихий ва маънавий меросни олий даражада ўзлаштирадilar.

#### **Назорат саволлар:**

1. Ўзбекистонда диншунослик фани қачондан таълим жараёнига киритилди?
2. Талабаларга Диншунослик фанини ўвитишда нималарга эътибор бериш керак?
3. Ўзбек тилида диншуносликка оид китобларнидан қайсиларни биласиз?
4. Ўзбекистонда диншуносликнинг истиқболини қандай тасаввур қиласиз?

#### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Абдусамедов А.И. Диншунослик асослари. Т., Ўзбекистон, 1995.
2. Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. Под редакцией С.М.Прозорова. Выпуски 1-3. М., 1998-2001.
3. Мўминов А.Қ. Диншунослик асосларини ўқитиш ва ўрганишнинг ягона концепцияси. Т., Тошкент давлат шарқшунослик институти, 1999.



4. Исҳоқов М.М. Халқ даҳосининг қадимги илдизлари ва илк куртаклари (Зардуштийлик, Зардушт ва Авесто ҳақида) // «Тил ва адабиёт таълими» журнали, № 2 (1992), Б. 3-12.
5. Ҳасанов А.А. «Қадимги Арабистон ва илк ислом, жоҳилия асри». «Тошкент ислом университети», 2001 йил.
6. «Ислом зиёси ўзбегим сиймосида». «Тошкент ислом университети» нашриёти, 2001й.
7. Йўлдошхўжаев Ҳ., Раҳимжонов Д., Комилов М. Диншунослик: маърузалар матни. Т.: 2000й.
8. Қуръони карим.-Т.: «Чўлпон», 1993 йил.
9. Ҳусниддинов З.М. «Ислом: йўналишлар, оқимлар, мазҳаблар». «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти. Тошкент, 2000 йил.

## IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

### 1-мавзу: Динларни ўрганишдаги замонавий қарашлар Он-лайн муҳитда маданиятлараро диалог.

1. Динга берилган таърифлар.
2. Жаҳонда динларни ўрганиш тажрибаси.
3. Динларни ўрганишда замонавий қарашлар.

Ишдан мақсад: янги тушунчаларни таҳлилини амалга ошириш орқали мустақил изоҳлашга ва уларни чуқур ангашга эришиш.

Масаланинг қўйилиши: амалий машғулотда “дин” тушунчасини мустаҳкамлашга қаратилган топшириқ сифатида айнан шу мавзуда чоп этилган материаллар таҳлили амалга оширилади.

Ишни бажариш учун намуна: динга берилган таърифларнинг ақлий хужум услубида муҳокамаси ташкил этилади.

#### Назорат саволлари:

- 1) “Дин” деганда нимани тушунасиз?
- 2) Дунёда (муайян мамлакат кўрсатилади) динларни ўрганиш тажрибаси қандай йўлга қўйилган?
- 3) Динларни ўрганишда қандай замонавий ёндашувларни биласиз?

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Абдусамедов А.И. Диншунослик асослари. Т., Ўзбекистон, 1995.
2. Яблоков И.Н. Религия: сущность и явления. М., 1982.
3. Яблоков И.Н. Социология религии. М., 1979.
4. Токарев С.А. Религия в истории народов мира. 4-е изд., испр. и доп. М., 1986.
5. Самыгин С.И., Нечипуренко В.Н., Полонская И.Н. Религиоведение: социология и социология религии. Ростов-на-Дону, 1996.
6. Радугин А.А. Введение в религиоведение: теория, история и современные религии. М., 1996; 2-е издание, исправленное и дополненное. М., 1999.
7. Лукашов В.А., Омурова Т.О., Трофимова З.П. Религиоведение. М., 2000.
8. Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. Под редакцией С.М.Прозорова. Выпуски 1-3. М., 1998-2001.
9. Мўминов А.Қ. Диншунослик асосларини ўқитиш ва ўрганишнинг ягона концепцияси. Т., Тошкент давлат шарқшунослик институти, 1999.
10. Радон Б. Бағрикенглик: тинчлик сари олға қадам. Т., 2002.

### 2-мавзу: Шарқ алломаларининг дунё динларини ўрганишга қўшган хиссалари.

1. Шарқ алломаларининг асарларида динларни ўрганиш масаласи.
2. Динларни ўрганишнинг шарқона услуби. Бугунги кунда мусулмон

мамлакатларида диншунослик фанининг ўқитилиши.

3. Абу Райхон Беруний асарларининг динларни ўрганишдаги ўрни ва аҳамияти

Ишдан мақсад: назарий олинган билимларни амалиётда қай тарзда акс этишини мисоллар орқали ўрганиш.

Масаланинг кўйилиши: Амалий машғулот давомида Шарқда диншунослик фанининг ривожини, Шарқ мутақаккирларининг фанга қўшган хиссалари таҳлилини амалга ошириш топшириғи берилади.

Ишни бажариш учун намуна: Олинган маълумотлар “бумеранг” услубида муҳокама этилади.

#### **Назорат саволлари:**

- 1) Шарқда диншуносликни ўқитиш ва тадқиқ этиш қандай йўлга кўйилган?
- 2) Қуръон ва ҳадисларда динларни ўрганишга оид қандай маълумотлар бор?
- 3) Шарқда динларни ўрганишнинг ўзига хос услуби нималарда акс этган?

#### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Абдусамедов А.И. Диншунослик асослари. Т., Ўзбекистон, 1995.
2. Яблоков И.Н. Религия: сущность и явления. М., 1982.
3. Яблоков И.Н. Социология религии. М., 1979.
4. Токарев С.А. Религия в истории народов мира. 4-е изд., испр. и доп. М., 1986.
5. Самыгин С.И., Нечипуренко В.Н., Полонская И.Н. Религиоведение: социология и социология религии. Ростов-на-Дону, 1996.
6. Радугин А.А. Введение в религиоведение: теория, история и современные религии. М., 1996; 2-е издание, исправленное и дополненное. М., 1999.
7. Лукашов В.А., Омурова Т.О., Трофимова З.П. Религиоведение. М., 2000.
8. Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. Под редакцией С.М.Прозорова. Выпуски 1-3. М., 1998-2001.
9. Мўминов А.Қ. Диншунослик асосларини ўқитиш ва ўрганишнинг ягона концепцияси. Т., Тошкент давлат шарқшунослик институти, 1999.
10. Радон Б. Бағрикенглик: тинчлик сари олға қадам. Т., 2002.

#### **3 - мавзу: Ғарб диншунослик мактаблари: антропология, социология йўналишлари**

1. Ғарбда динлар тарихини ўрганиш мактаблари.
2. Динларни тасниф этишнинг ғарбона усуллари

### 3. Замонавий Ғарб адабиётларининг таҳлили.

Ишдан мақсад: назарий олинган билимлар асосида амалиётда ҳар бир футурологик концепция ФСМУ методи орқали таҳлил этиш.

Масаланинг қўйилиши: гуруҳларга бўлинган ҳолда, Ғарб диншунослик мактабларининг фаолияти ва динларни ўрганишдаги ёндашувлари таҳлил этилади. Гуруҳдаги фаолият натижаси сифатида ҳар бир футурологик концепция ФСМУ методи орқали таҳлил этилади, мисоллар билан бойитилади, ва якуний лойиҳа сифатида тақдим этилади.

Ишни бажариш учун намуна: Антропология мактабига нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.



#### **Назорат саволлари:**

- 1) Ғарбнинг диншунослик мактабларини сананг!
- 2) Ғарб диншунослигининг ўзига хос жиҳатлари нималардан иборат?
- 3) Россияда диншунослик қандай ривож топди?
- 4) Черков оталари деганда кимларни тушунилади?

#### **Адабиётлар рўйхати:**

11. Абдусамедов А.И. Диншунослик асослари. Т., Ўзбекистон, 1995.
12. Яблоков И.Н. Религия: сущность и явления. М., 1982.
13. Яблоков И.Н. Социология религии. М., 1979.
14. Токарев С.А. Религия в истории народов мира. 4-е изд., испр. и доп. М., 1986.
15. Самыгин С.И., Нечипуренко В.Н., Полонская И.Н. Религиоведение: социология и социология религии. Ростов-на-Дону, 1996.
16. Радугин А.А. Введение в религиоведение: теория, история и современные религии. М., 1996; 2-е издание, исправленное и дополненное. М., 1999.
17. Лукашов В.А., Омурова Т.О., Трофимова З.П. Религиоведение. М., 2000.
18. Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. Под редакцией С.М.Прозорова. Выпуски 1-3. М., 1998-2001.
19. Мўминов А.Қ. Диншунослик асосларини ўқитиш ва ўрганишнинг ягона концепцияси. Т., Тошкент давлат шарқшунослик институти, 1999.
20. Радон Б. Бағрикенглик: тинчлик сари олға қадам. Т., 2002.

#### **4- мавзу: Дунё динларини ўрганишда қиёс услубининг ўзига хос жиҳатлари. Макс Мюллер қиёсий диншунослик мактабининг асосчиси**

1. Қиёсий диншуносликнинг ўзига хос афзалликлари.
2. Макс Мюллернинг қиёсий тилшуносликдан қиёсий диншуносликка кириб бориши.
3. Дунёда динларни қиёсий ўрганиш тажрибасининг қўлланиши.

Ишдан мақсад: назарий олинган билимлар асосида амалиётда мисоларни таҳлил этиш.

Масаланинг қўйилиши: амалий машғулот давомида қиёсий диншунослик мактаби, унинг ўзига хос жиҳатлари, йирик намояндаларининг хаёти ва фаолияти таҳлил этилади.

Ишни бажариш учун намуна: гуруҳларда ишлаш жараёнида хар бир мисол бўйича SWOT таҳлилнинг натижаси тақдим этилади.

#### **Назорат саволлари:**

- 1) Қиёс деганда нимани тушунасиз?
- 2) Диншуносликда қиёс нималарда қўлланилади?
- 3) Макс Мюллернинг қиёсий диншунослик мактаби қандай вужудга келди?

#### **Адабиётлар рўйхати:**

21. Абдусамедов А.И. Диншунослик асослари. Т., Ўзбекистон, 1995.
22. Яблоков И.Н. Религия: сущность и явления. М., 1982.
23. Яблоков И.Н. Социология религии. М., 1979.
24. Токарев С.А. Религия в истории народов мира. 4-е изд., испр. и доп. М., 1986.
25. Самыгин С.И., Нечипуренко В.Н., Полонская И.Н. Религиоведение: социология и социология религии. Ростов-на-Дону, 1996.
26. Радугин А.А. Введение в религиоведение: теория, история и современные религии. М., 1996; 2-е издание, исправленное и дополненное. М., 1999.
27. Лукашов В.А., Омурова Т.О., Трофимова З.П. Религиоведение. М., 2000.
28. Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. Под редакцией С.М.Прозорова. Выпуски 1-3. М., 1998-2001.
29. Мўминов А.Қ. Диншунослик асосларини ўқитиш ва ўрганишнинг ягона концепцияси. Т., Тошкент давлат шарқшунослик институти, 1999.
30. Радон Б. Бағрикенглик: тинчлик сари олға қадам. Т., 2002.

## **5 - мавзу: Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда диншунослик йўналишида амалга оширилган илмий ишлар.**

1. Ўзбекистонда диншунослик фанининг янги тараққиёти.
2. Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида диншунослик, динлар тарихи фанларини ўқитилишининг жорий этилиши.
3. Ўзбек тилидаги адабиётлар таҳлили.

Ишдан мақсад: назарий олинган билимлар асосида амалиётда мисоларни таҳлил этиш.

Масаланинг қўйилиши: амалий машғулотда Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда диншуносликни ўқитишнинг жорий этилиш, соҳага оид нашрлар таҳлил этилади.

Ишни бажариш учун намуна: ҳар бир гуруҳ Ўзбекистондаги динлар тарихини ўқитиши тажрибаси бўйича тақдимот таёрлайди.

### **Назорат саволлари:**

- 1) Ўзбекистонда диншунослик йўналиши қачон ва қайси олий таълим муассасасида очилган?
- 2) Диншуносликка оид ўзбек тилида нашр этилган қандай китобларни биласиз?

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Абдусамедов А.И. Диншунослик асослари. Т., Ўзбекистон, 1995.
2. Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. Под редакцией С.М.Прозорова. Выпуски 1-3. М., 1998-2001.
3. Мўминов А.Қ. Диншунослик асосларини ўқитиш ва ўрганишнинг ягона концепцияси. Т., Тошкент давлат шарқшунослик институти, 1999.

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

### Мини-кейс 1.

*«Марказий Осиёда мавжуд бўлган динларнинг манбаларини қиёсий таҳлил этиш»*

Марказий Осиёда азалдан кўплаб динлар мавжуд бўлган. Бир неча асрлар давомида уларнинг вакиллари бу тинч-тотув умр кечирганлар. Бизларга мазкур динларнинг ёзма, оғзаки ва меъморий манбалари етиб келган. Улардан юртимиздаги ёшларни одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этадиган, диний бағрикенглик руҳида тарбия этиш учун фойдаланилади.

*Жамоатчилик орасида ва айниқса, ёшлар ўртасида диний бағрикенгликни тарғиб этиш ва унда керакли самарани олиш учун мазкур динларнинг манбаларидан нималарни мисол тариқасида келтирар эдингиз?*

### Мини-кейс 2.

*«Турли динларга мансуб талабалар ўртасида диний масалада низо, тушунмовчилик юзага келди. Сизни уни бартараф этиш учун таклиф этишди»*

Тортишиб қолган талабаларнинг бири мусулмон, иккинчиси христиан. Уларнинг ҳар бири ўз динини ҳақ деб билади. Ўзбекистон қонунчилигида баён этилган виждон эркинлиги тўғрисидаги масалардан хабарсиз. Шунингдек ўз фикрларини диний нуқтаи назардан ҳам жўяли асослаб бера олганлари йўқ. Тортишув ҳамон даврм этмоқда.

*Ҳакам сифатида сўзни нимадан бошлар эдингизу нима билан хулоса қилган бўлардингиз?*

## VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

### Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модулнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб, тайёрлаши тавсия этилади:

- меъерий ҳужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модуль мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар воситасида маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- махсус адабиётлар бўйича модуль бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- амалий машғулотларда берилган топшириқларни бажариш.

### Мустақил таълим мавзулари

1. Абу Райҳон Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарининг илмий услуби
2. Мирче Илиаденинг қиёсий диншунослик ривожиг кўшган ҳиссаси.

3. Диний манбалар (Библия ва Қуръони карим) мавзуларининг қиёсий таҳлили.
4. Теология соҳасининг ўзига хос жиҳатлари.
5. Ибтидоий тасаввурларнинг замонавий динларда акс этиши.
6. Диний экстремистик ташкилотларнинг Қуръони карим оятларини талқин этиш услублари.
7. Россияда “Религиоведение” ва “История религий” фанларини ўқитиш тажрибаси.
8. Ўзбекистондаги динлар ҳақида маълумот берувчи интернет сайтлар таснифи.
9. Ўзбекистонда Буддвийлик динининг ривожини.
10. Диний бағрикенгликни тарғиб этишда миллий қадриятларнинг ўрни.



## VII. ГЛОССАРИЙ

**Автокефал черков** (юнонча – “ўзини ўзи бошқарувчи”). Христианликнинг шарқий тармоғи бўлмиш православиянинг ривожланиши жараёнида 16 автокефал черков: Константинополь, Александрия, Антиохия, Қуддус, Грузин, Серб, Румин, Болгар, Кипр, Эллада, Албан, Поляк, Чехия, Словакия, Рус ва Америка черковлари вужудга келди. Бу черковлардан энг каттаси Рус православ черкови (РПЧ, бошқа расмий номи Москва патриархати) бўлиб, унга 19 минг черков ва 127 епархия бирлашган. Булардан 150 дан ортиқ черков ва 5 епархия чет элда фаолият олиб боради. Маълум бир ташкилот «автокефал» макомини олиши учун миро мойини мустақил равишда тайёрлай олиш имкониятига эга булиши керак.

**Автоном православ черковлари** (юнонча “мустақил”) – бирор бир автокефаль черковдан ички тартиб қоидаларни мустақил бажариш ҳуқуқини олган черков. Автоном черков раҳбари автокефаль черков патриархи томонидан тасдиқланади.

**Микадо** -Синтоизм таълимотига кўра, *микадо* (император) – осмон рухларининг давомчисидир. Ҳар бир япон кишиси иккинчи даражали рухлар(*кама*)нинг ворисидир. Японлар *камага* аجدодлар ва қаҳрамонларнинг рухлари деб эътиқод қиладилар. Художўй япон ўлганидан кейин ўзининг ҳам ўша *камалардан* бири бўлишига ишонади.

Синтоизмда «Олий илоҳиёт» тушунчаси мавжуд эмас. У аждодлар руҳига ва табиатга сиғинишга ўргатади. Синтоизмда умумий ҳаётий риоя қилиниши лозим бўлган қоидалардан бошқа диний урф-одатлар йўқ. Унда бир умумий маънавий қоида – «Умумий қонунларга риоя қилган ҳолда табиат қоидаларига мос ҳаракат қил» ғояси мавжуд. Японлар тасаввурида улар яхшилик ва ёмонлик тушунчаларини табиатан билганлар, шу туфайли жамиятдаги қоида ва талабларга риоя қилиш табиий. Агар шундай бўлмаганда, улар ўргатилмаган ёввойи ҳайвонлардан ҳам пастроқ даражада бўлар эдилар.

Синтоизм ҳақидаги маълумотлар «Кодзики» («Қадимий ёзувлар») ва «Нихонги» («Япония анналлари») манбаларида учрайди.

Кодзики – бу синтоизмнинг муқаддас китоби. У ҳар бир японнинг энг яқин китобидир, бошқача айтганда, бу китоб Японияни, япон халқини тушунишнинг калити ҳисобланади. Унда иккита асосий мазмун мужассам: қон-қабилавий бирлик ва сиёсий ҳокимият ғояси.

Япон ёзувларида таъкидланишича, оламда аввал тартибсизлик (хаос) ҳукмронлик қилган. Ундан сўнг ер осмондан ажралиб чиққан ҳамда аёл ва эркак жинси пайдо бўлган. Аёл жинси тимсолида аёл худо Изданами, эркак жинси тимсолида унинг эри Изданаги юзага келди. Улардан аёл жинсидаги қуёш илоҳиёти Аматаэрасу, эркак жинсидаги ой илоҳиёти Цукиёми, шамол ва сув илоҳиёти Сусаноо туғилди. Аматаэрасу ғалаба қилиб осмонда қолди, Сусаноо эса ердаги Идзумо мамлакатига қувилди. Сусаноонинг ўғли Окунинуси Идзумо ҳокими бўлди. Аматаэрасу бу ҳолатга чидаб тура олмай, Окунинуси ҳокимиятини ўз набираси Нинигига топширишга мажбур қилди. Ниниги осмондан тушиб, Идзумо давлати раҳбарлигини қабул қилди. Унга ҳокимиятнинг рамзи сифатида уч муқаддас нарса – кўзгу (илоҳийлик тимсоли), қилич (қудрат тимсоли) ва *яшма* (садоқат ва фидоийлик тимсоли) топширилди. Нинигидан Дзиммутэнно келиб чиқди. Тинно унвони «олий ҳукмдор» маъносини англатади. Бу сўз бошқа тилларда император маъносини билдиради. Дзиммутэнно *микадо* – япон императорлари сулоласининг биринчи вакили, Япониянинг биринчи афсонавий императори ҳисобланади. Кўзгу, қилич, *яшма* ўша қадим замонлардан бери япон императорлари хонадонининг белгиси бўлиб қолган.

Император-*микадо* японлар тасаввурида ўзининг илоҳий келиб чиқиши сабабли бутун халқ билан қон-қардош бўлиб, у бир оиладан иборат миллатнинг бошлиғидир. Ҳатто Японияда 300 йилдан ортиқ ҳукмронлик қилган *сёгунлар* ҳам ўзларини *микадо* намояндалари деб атаганлар. Синтоизм таълимотида ёритилган *микадо* ғоясининг бошқарувчилик хусусияти кучи ҳозирги кунда анчагина заифлашган бўлса-да, японлар тасаввуридан ўчиб кетмаган.

Ҳозирги кунда японлар ташқи кўринишдан бу таълимотга бир оз

этиборсиз кўринсалар-да, чин дилдан унга онгли равишда эҳтиром билан ёндашадилар. Ҳозиргача синтоизм ибодатхоналарида император оиласига атаб турли маросимлар ўтказилиб туради.

Синтоизм японларга мавжудот олами, табиат билан ўзаро муносабатларга ўзига хос қарашни сингдирган. Бу қарашлар беш тамойилда намоён бўлади.

Биринчи тамойил моҳиятига кўра, бутун борлиқ дунёнинг ўз-ўзича ривожланиши натижасидир. Дунё ўз-ўзидан вужудга келган бўлиб, яхши ва мукамалдир. Синтоизм таълимотига кўра, оламни бошқарувчи куч христиан ёки мусулмонлар эътиқодидагидек қандайдир олий мавжудотда эмас, балки оламнинг ўзида мужассамдир<sup>30</sup>.

**Миллий динлар** – бирор бир миллатга хос бўлган динлар тушунилади. Бирор диндаги маросимлар ва ибодатларнинг ўта оғирлиги ўша диннинг жаҳон динига айлана олмасдан, миллий дин мақомида қолишига сабаб бўлади. Яҳудийлик, ҳиндуийлик, синкхийлик, конфуцийчилик, синтоийлик каби динлар миллий динлар ҳисобланади.

**Митрополит** – (қад. юнон. «бош шаҳар, пойтахт, митрополия одами») православ черковининг пойтахт шаҳарлардаги олий руҳонийлик унвони<sup>31</sup>.

Епископ ёки архиерей руҳонийликнинг энг олий унвони ҳисобланади. Епископлар барча ибодат ва сирли маросимларни бажара оладилар. Шунингдек, улар маълум бир шаҳар, вилоят черкови ёки епархияни бошқара оладилар. Нисбатан каттароқ епископлар архиепископ дейилади. Пойтахт шаҳарларнинг епископлари митрополит деб аталади. Православ черковининг энг олий мансаби патриархдир<sup>32</sup>.

**Моноконфессионал давлат** – биргина конфессия (дин, эътиқод) ҳукмрон бўлган давлат. Бунга Эрон, Саудия Арабистони, Покистон кабиларни мисол келтириш мумкин.

Ўзбекистон поликонфессионал давлат ҳисобланади. Чунки ўзбекистонда

---

<sup>30</sup> Диншунослик. Б. 88-89.

<sup>31</sup> Диншунослик Б. 275, Б.123

<sup>32</sup> Диншунослик Б.123

16 та диний конфессия мавжуддир.

**Монотеизм** – (қад. юнон. “моно” – “ягона”, “тео” – “илоҳиёт”) яккахудолик<sup>33</sup>. Қадимги Арабистон жамиятида “ҳанифлар” номи билан маълум бир жамоа мавжуд эди. Бу жамоа вакиллари диний тасаввурларини фанда “номаълум монотеизм” деб аташ қабул қилинган. Улар санамларга сиғинмас, балки ягона Худога ибодат қилар ҳамда очикдан-очик бутпарастларни танқид қилишар эди. Улар бир ерда муқим турмай, ўлка бўйлаб дарбадар ҳаёт кечирардилар. Ушбу тоифа кишиларидан Зайд ибн Амр, Варақа ибн Навфал, Убайдуллоҳ ибн Жаҳш ва Усмон ибн Ҳувайрис, Қусс ибн Саййидоларни келтириш мумкин. Улар кейинчалик илк ислом жамоасида маълум мавқега эга бўлдилар<sup>34</sup>.

**Мошиах**, мешиах – яҳудийликдаги халаскорнинг келиши ҳақидаги таълимот. Унга кўра, охирзамонда Яҳве яҳудийлар орасидан бир халаскорни чиқаради ва у қуйидаги вазифаларни бажаради: 1) дунёни ислоҳ қилган ҳолда қайтадан куради; 2) бутун яҳудийларни Синион атрофида тўплайди; 3) уларнинг барча душманларини жазолайди.

**Муқаддас рух** – христианликдаги Худонинг уч кўринишидан бири<sup>35</sup>.

Муқаддас рух дунёнинг яралишида иштирок этган, Биби Марям ҳам у орқали Исога хомиладор булган.

Христианлик Ота-Худо, ўғил-Худо ва Муқаддас Рух – Уч юзлик Худо (Trinity) тўғрисидаги таълимотни, жаннат ва дўзах, охират, Исонинг қайтиши ҳақидаги ва бошқа ақидаларни ўз ичига олади<sup>36</sup>.

Христианлик милоднинг бошида Рим империясининг шарқий қисмида жойлашган Фаластин ерларида вужудга келди. Исо Масих (Иисус Христос), Библиянинг хабар беришига кўра, христианлик таълимотининг асосчиси бўлиб, у Рим империяси ташкил топганининг 747 йили Фаластиннинг Назарет

---

<sup>33</sup> Дин. Б. 275

<sup>34</sup> Дин. Б.153

<sup>35</sup> Дин. Б. 276.

<sup>36</sup> Дин. Б.117

қишлоғида бокира қиз Марямдан Худонинг амри билан дунёга келди. Янги эранинг бошланиши ҳам Исо Масихнинг дунёга келиши билан боғлиқ.

Исо номига қўшилувчи “Масих” сўзи қадимий яҳудий тили – *иврит*даги *мешиах* сўзидан олинган бўлиб, «силанган» ёки «сийланган» маъноларини беради. Юнон тилида бу сўз «христос» шаклига эга. Бу диннинг «христианлик» ёки «масихийлик» деб аталиши ҳам шу сўзлар билан боғлиқ. Бундан ташқари христианликни Исо Масихнинг туғилган қишлоғи – «Назарет» билан боғлаб, назрония деб ҳам атаганлар. Кейинчалик бу ном насрония шаклини олган.

**“МУҚАДДАС ТАХТ”**— Рим Папаси ва католик черковини бошқаришда Папага ёрдам берадиган Рим курияси ҳамда Ватиканнинг номи.

**Муқаддас учлик** – христианликда ягона Худонинг муқаддас учлик (троица) шаклида намоён бўлиши. Бу дегани – ягона Худо уч қиёфалидир. Булар – Ота Худо, Ўғил Худо ва муқаддас Рух Худо. Ота Худо туғилиш йўли билан пайдо бўлмаган. Уни ҳеч ким яратган эмас. Муқаддас Рух Худо Ота Худодан пайдо бўлган. Ўғил Худо (Иусус Христос) эса инсон боласидан туғилган. Шунинг учун у ҳам илоҳий, ҳам инсоний табиатга эга.

**Назарет** – Фаластиндаги Исо Масихнинг туғилган қишлоғи. Христианликни «Назарет» билан боғлаб, *назрония* деб ҳам атаганлар. Кейинчалик бу ном *насрония* шаклини олган.

**Насроний** – Фаластиндаги Исо масехнинг туғилган қишлоғи бўлмиш Назаретнинг кейинчалик бузилган шакли. Ҳозирда бу атама ҳар бир христианга нисбатан ишлатилади. Қуръони Каримда ҳам христианларга нисбатан насроний атамаси ишлатилади.

**Необуддизм** (“нео” – “янги”) – XIX-XX асрларда буддавийликда пайдо бўлган йўналиш. Турли давлатларда турлича шакл касб этган. Необуддизм таълимотида миллий озодлик ҳаракатлари доирасида будда роҳибларининг сиёсатга аралашishiга рухсат берилган.

**НИКОҲ** - (араб - уйланиш) - эркак ва аёл турмуш қуришининг исломга хос диний шакли. Ҳозирги вақтда Н. 2 хил — дунёвий ва диний мазмунга эга.

Дунёвий мазмунда Н. турмуш кураётган эркак ва аёлнинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қиладиган органлар (ФХДЁ) да рўйхатдан ўтишини аниқлатади. Ўзбекистонда фақат шундай Н. қонуний деб тан олинади Ўзбекистондаги қонунчилик эркакка фақат бир аёл билан никоҳланишга ижозат беради. Диний мазмунда Н. имом хатибнинг ислом анъаналари асосидаги никоҳ хутбасини ўқиб, эркак ва аёлнинг турмуш қуришини шариат асосида қонунлаштиришини аниқлатади. Шариат қонунларида эркакка бир вақтнинг ўзида 4 хотинни ўз Н.ига олишга ижозат берилиши (Қуръони Каримнинг 4- сура 3- ояти асосида), шунингдек, Н. қилишда қиз учун тўланадиган маҳрнинг миқдорини аниқлаш қабилар никоҳнинг шариатдаги кўринишларидир.

### **Никоҳга оид сирли маросим**

(брака таинство) - католик ва православ черковларидаги 7 сирли маросим (таинства) дан бири.

Черков никоҳидан ўтиш вақтида амалга оширилади. У христианликда бошқа маросимлардан кейинроқ жорий қилинган. Бу маросим 16 - асрда пайдо бўлган. Черков таълимотига кўра, булажак эр-хотинлар меҳроб олдида бир-бирларига содиқлик ҳақида ваъда берар эканлар, бу маросимни ўтказиш орқали “болаларнинг эсон-омон туғилиши ва христиан тарбияси кўришидан иборат соф яқдилона худонинг марҳамати” га эришар эмишлар. Шу тариқа гўё худонинг ўзи одамларнинг никоҳ иттифоқини ҳимоя қилар эмиш. Черковнинг таъкидлашича, никоҳда асосий нарса юридик ёки иқтисодий элемент эмас, балки ахлоқий элемент бўлиб, у диний элемент б-н айнан бир нарса эмиш. Шунинг учун ҳам никоҳга оид сирли маросимни ўтказмай туриб, чинакам ахлоқий, оилавий муносабатларнинг бўлиши мумкин эмас эмиш. Аслида эса черков ҳамиша никоҳнинг ахлоқий томони тўғрисида жуда кам қайғурган. У тенг бўлмаган, моддий манфаатларни кўзлаб амалга ошириладиган никоҳларни муқаддаслаштирган. Ҳозирги вақтда ҳам черков никоҳга оид сирли маросимдан диндорларнинг оилаларига таъсир кўрсатиш воситаси сифатида фойдаланади

**Нирвана** – (санскр. «сўлиш») буддизм ва жайнизм диний фалсафаларига кўра, руҳнинг сансара кишанларидан тўла озод бўлиши ва олий мақомга эришиш<sup>37</sup>. Нирванага эришиш хар бир буддавийнинг асосий мақсади ҳисобланади. Жайнизм таълимотининг асосий ғояси деярли барча ҳинд динлари учун умумий бўлган *кармалар* ва *нирвана* ҳақидаги таълимот ҳисобланади. *Нирванага* эришган инсон қайта туғилишдан озод бўлади. Бунга эса фақат таркидунё қилганларгина эришиши мумкин, холос

**Нух кемаси** – исломга кўра, Аллоҳнинг буйруғи билан Нух а.с ясаган кема. Нух а.с барча жонворлардан бир жуфтдан олиб ушбу кемага жойлаштирганлар. Кейин Аллоҳ осмондан жуда кўп ёмғир ёғдирди, ернинг ҳамма томонидан ҳам сув чиқартирди. Осмон суви билан ер суви қўшилиб улкан тўфон пайдо бўлди. Тўфонда барча Нух а.с нинг даъватига эргашмаган кофирлар ҳалок бўлди, фақат кемадагилар соғ қолдилар. Тўфон пасайгандан кейин кема Жудий тоғи устида тўхтади. Кема тоғ тепасига келиб тўхтаб, ер тўфон сувини ютиб битиргач, Аллоҳ Нух а.с ни кемадан ерга тушишга буюрди. Нух а.с ва унга иймон келтирган кишилар кемадан тушишди.

**Атархурра** (Озархурра) – зардуштийликнинг муқаддас олови<sup>38</sup>. Зардуштийликда олов Ахурамазданинг рамзи ҳисобланади. Айниқса ибодатхоналарда ёқилган олов каттик улугланади. Шунинг учун кохинлар оловни янгилаш, ёқиш каби ишларда юзларига ва кулларига махсус ок никоб тутиб оладилар. Бу билан муқаддас олов ифлосланишининг олди олинади.

Хоразм зардуштийликнинг муқаддас олови Озархурра биринчи бор ёқилган ва энг буюк худо – Ахура-Мазданинг Зардушт билан боғланган жойи ҳисобланади. Зардуштийликнинг асосий манбаси Авестода: «Биринчи бор муқаддас олов – «Озархурра» «Аирйанем-Ваэжа» (баъзи манбаларда – «Эран-веж») да ёқилди», - дейилади<sup>39</sup>.

**Папа**, Рим Папаси – католик черковининг бошлиғи, Исонинг ноиб ва

---

<sup>37</sup> Дин.Б. 276.

<sup>38</sup> Диншунослик. Б.272.

<sup>39</sup> Диншунослик. Б.93

унинг 12 хаворийларидан энг обрўлиси бўлмиш апостол Петр (Бутрус) нинг вориси ҳисобланади. Диний ҳаётда гуноҳсиз деб ҳисобланадиган, яширин овоз бериш йўли билан кардиналлар коллегияси сайлайдиган Папанинг ҳокимияти жаҳон соболари ҳокимиятидан устун туради. Католик черкови соборлари (епископлар йиғини) черковга оид мураккаб масалаларни ҳал этиш учун Папа томонидан чақирилади. Папа черков давлати – Ватиканнинг чексиз ваколатларга эга бўлган ҳокимидир.

### **Папа фанлар академиями - ўз**

фаолиятини 1603 йилда Римда Линчеи Академияси ташкил этилган даврдан бошлаган. Бир неча марта қайта ташкил этилган. Ҳозирги шаклида 1936 йилдан бери мавжуд. П. ф. а. ҳақиқий (70 киши), фахрий аъзолардан ҳамда булардан ташқари ҳар қандай мамлакатларда табиий ва техника фанлари б-н шуғулланувчи олимлар орасидан академиянинг умумий йиғилиши таклифига кўра папа тайинлаган аъзолардан ташкил топган. Бюллетень нашр этади.

**Папанинг бегуноҳлиги ақидаси** - православ дини таълимотидан фарқли ўлароқ, католик йўналишида папанинг бегуноҳлиги ҳақидаги ақида ҳам бор. Бу ақида 1870 йилдаги биринчи Ватикан соборида қабул қилинган. Гарб черковининг Богородицага нисбатан алоҳида эътибори 1950 йилда папа Пий XII томонидан киритилган Биби Марямнинг меърожи ҳақидаги ақидада ўз аксини топди. Католик таълимоти православ таълимоти каби етти асрорни тан олади, бироқ бу асрорларнинг талқин қилинишида қарашлар мос келмайди. Масалан, *причешение* (тамадди) қилиш қаттиқ нон билан (православияда бўктирилган нон билан) дунёвий(*миряне*)ларга нон ва вино билан, шунингдек, фақат нон билан амалга оширилади. Чўқинтириш сирини ўташ пайтида сув сепилади (чўқинтирилувчига), муз остидаги сувга чўктирилмайди.<sup>40</sup>

**Парапсихология** - (юнонча - яқинида, ташқарида) — ривожланган мамлакатларда олиб борилаётган тадқиқотлар йўналиши ўз олдида маълум

---

<sup>40</sup> Диншунослик. Б.124-125.



сезги органлари фаолияти билан тушунтириб бўлмайдиган таъсирчанлик мавжудлиги фактини, уларнинг намоён бўлиш хусусиятлари ва табиатини аниқлашни, шунингдек, тирик мавжудотнинг мускул кучлари воситасисиз теварак атрофдаги воқеа - ходисаларга таъсир кўрсатиш шаклини намоён этишни мақсад қилиб кўяди. Бу тадқиқотлар кўпинча каллоблар томонидан бойлик орттириш мақсадида, баъзи бир диний идеологлар томонидан эса диний ходисаларнинг материя билан боғлиқ бўлмаган, мустақил мавжудлигини, сезги органларининг маълумотларига таянмайдиган билиш шакллариининг борлигини исботлаш учун фойдаланилади. Ҳозирги вақтда фан парapsихологик ходисаларнинг ва уларни узатиш каналларининг мавжудлиги тўғрисидаги ишончли маълумотларга эга эмас.

**ПАСХА** – (юнонча, ивритча – “ёнидан ўтиш”) - хочга михланган Исо Масихнинг қайта тирилиши хотирасига бағишлаб ўтказилайган христианликдаги йирик байрам<sup>41</sup>.

**Пасха** – Исонинг ўлганидан сўнг қайта тирилганини нишонлаб ўтказилайдиган байрам. Пасханинг тарихи яҳудийликдаги пейсах байрами билан боғлиқ бўлиб, у яҳудийларнинг Мисрдан қочиб чиқиши ва озодликка эришишининг нишонланишидир. Христианлик яҳудийликдан тўла ажралиб чиққач, Пасха янгича тус олган<sup>42</sup>. 325 йили тарихда биринчи марта Рим императори Лициния империя худудидаги христиан жамоаларини ўзаро келиштириш ва тартибга солиш мақсадида Никея шаҳрида I Бутун Олам Христиан Соборини (ўтказилган 21 собордан биринчиси) чақирди. Бу соборда «эътиқод тимсоли»нинг (Credo) дастлабки таҳрири қабул қилинган, *Пасхани* байрам қилиш вақти белгиланган.

Яҳудийларнинг йиллик байрамлари ичида энг эътиборлиси Пейсах (**Pessah; Пасха**) байрамидир. Бу байрам христианларнинг пасхасидан фарқли ўлароқ, яҳудийларнинг Мисрдаги кулликдан қутулиб чиққанлари муносабати билан

---

<sup>41</sup> Диншунослик. Б.276

<sup>42</sup> Диншунослик Б.122.

нишонланади. Қадимий яҳудийларда Пасха деб кўзичоқ гўшти ва шаробдан иборат кечки овқатга айтилган. Худо Мисрдаги яҳудий бўлмаган гўдакларни кириб ташлашга қарор қилганида, улар ўз уйларининг пештоқини қон билан бўяб ўзларининг яҳудий эканликларини билдирганлар.

Яҳудийлар Пасха байрамидан кейинги етти кун давомида тузсиз, хамиртурушсиз патир – *маца* тановул этадилар. Мацани тановул қилиш билан ҳар бир яҳудий Мусо бошчилигидаги ўз ота-боболарининг чеккан машаққатларини ҳис этадилар. Бу байрам яҳудийларнинг куёш-ой календари бўйича *нисон* ойининг 14 куни нишонланади (бу сана апрел ойининг ўрталарига тўғри келади).

Пасхадан кейинги 50-куни яҳудийлар Шабуот ёки Шевуот байрамини нишонлайдилар. Бу байрам дастлаб деҳқончилик байрами бўлган, кейинчалик Синай тоғида Мусога Худо томонидан Торанинг берилишини нишонлаб ўтказиладиган байрамга айланган. У яҳудийларнинг календари бўйича *сивона* ойининг 6- ва 7-кунлари нишонланади<sup>43</sup>.

Ҳозирги кунда Пасха куни Ой-Қуёш календари асосида ҳисобланиб, ҳар йили ўзгариб туради.

**Православ (ортодокс) оқими.** Православ оқими христианликнинг уч асосий йўналишидан бири ўлароқ, тарихан унинг шарқий шоҳобчаси сифатида шаклланди. Бу оқим, асосан, Шарқий Европа, Яқин Шарқ ва Болқон мамлакатларида тарқалган. Православ атамаси юнонча ортодоксия сўзидан олинган бўлиб, илк давр христиан ёзувчилари асарларида учрайди. Православиянинг китобий асослари Византияда шаклланди, чунки бу йўналиш у ердаги ҳукмрон дин эди.

Муқаддас китоб бўлмиш Инжил ва муқаддас ўғитлар, IV – VIII асрлардаги етти бутхона соборларининг қарорлари, шунингдек, Афанасий Александрийский, Василий Великий, Григорий Богослов, Иоанн Дамаскин, Иоанн Златоуст каби йирик черков ходимларининг асарлари ушбу оқим

---

<sup>43</sup> Диншунослик Б.111

таълимотининг асоси деб тан олинган.

Христианликнинг шарқий тармоғи бўлмиш православиянинг ривожланиши жараёнида 16 мустақил (автокефал) черков: Константинополь, Александрия, Антиохия, Қуддус, Грузин, Серб, Румин, Болгар, Кипр, Эллада, Албан, Поляк, Чехия, Словакия, Рус ва Америка черковлари вужудга келди. Бу черковлардан энг каттаси Рус православ черкови (РПЧ, бошқа расмий номи Москва патриархати) бўлиб, унга 19 минг черков ва 127 епархия бирлашган. Булардан 150 дан ортиқ черков ва 5 епархия чет элда фаолият олиб боради.

Православ оқимида сирли расм-русумлар муҳим ўрин эгаллайди. Черков таълимотига кўра, бундай пайтларда Худо томонидан диндорларга алоҳида савоблар нозил бўлади.

**Чўқинтириш сирли ходисаси** (*таинство*). Бунда диндор ўз танасини уч марта сувга ботириши, Худо-Отани, ўғилни ва Муқаддас Рухни чақириши билан рухий туғилишни касб этади.

**Баданга миро суркаш** ҳам сирли бўлиб, бунда диндорга Муқаддас Рухнинг рухий ҳаётга қайтарувчи ва чиниқтирувчи эҳсонлари улашилади.

**Покланишнинг сирлилиги**. Унда диндор нон ва вино кўринишида ўз баданида Исо қонини абадий ҳаётга тайёрлайди.

**Надоматнинг сирлилиги** шундаки, диндор ўз гуноҳларини дин пешвоси олдида тан олади, дин пешвоси эса унинг гуноҳларини Исо номидан кечиради.

**Рухонийликнинг сирлилиги** у ёки бу шахсни руҳоний даражасига кўтариш учун епископ қўлини ўша шахс баданига тегизиши (ёки қўйиши) орқали амалга оширилади.

**Никоҳнинг сирлилиги**. Бунда келин-куёв турмуш қуриш, фарзанд кўриш ва уни тарбиялашга оқ фотиҳа оладилар.

**Баданни елей билан ишқалаш сирида** Худонинг рухий ва жисмоний заифликларни тuzатувчи лутфу марҳаматидан умид қилинади.

Православ черкови байрамлар ва диний маросимларга алоҳида аҳамият беради. Пасхадан сўнг православ динининг ўн икки кунлик ўн икки муҳим байрами бошланади. Улар:

Биби Марямнинг туғилиши (*Рождество Божьей матери*);  
Исонинг хочини тиклаш (*Воздвижение креста Господня*);  
Биби Марямнинг ибодатхонага кириши (*Введение во храм Пресвятой Богородицы*);  
Исонинг туғилиши (*Рождество Христово*);  
Исони чўқинтириш (*Крещение Господня*);  
Олқишлаш (*Сретение*);  
Хушхабарнинг нозил бўлиши (*Благовещение*);  
Исонинг Қуддусга кириши (*Вход Господня в Иерусалим*) – пасха постидан  
6 ҳафта кейинги якшанба;  
Исонинг қайта тирилиши (*Воскресенье Христово*) – Пасха, баҳорги кеча ва  
кундуз тенглиги ва ой тўлишган биринчи якшанба;  
Исонинг осмонга кўтарилиши (*Вознесение Иисуса*) – Пасхадан 39 кун  
кейин;  
Муқаддас Рухнинг тушиши (*Сошествие Святого духа – Троицин День*);  
Исо қиёфасининг ўзгариши (*Преображение*) – 6 августда.

Черков йили эски ҳисобга мувофиқ 1 сентябрдан бошланади. 8 сентябр куни «Рождество Божьей матери» байрами ўтказилади. 12 сентябр куни «Воздвижение креста Господня» байрами нишонланади. Бу байрам император Иракий даврида Исо крестининг форслар тутқунидан қайтариб олиб келинишига бағишланади. 21 ноябр куни «Введение во храм Пресвятой Богородицы» байрами ўтказилади. Бу байрам уч ёшли Марямнинг биринчи руҳоний томонидан Қадимий Аҳд ибодатхонасига олиб кирилганлигига бағишланади. Ибодатхонага кириш байрамидан бир ҳафта олдин, яъни 15 ноябрда Рождество пости бошланади. Ва ниҳоят, 20 декабрда Рождество байрами киради ва 31 январгача давом этади.

Исонинг чўқинтирилиши (*Крещение Господня*) байрами 6 январда нишонланади. Бу байрам Исонинг Яҳё томонидан чўқинтирилишига бағишланади.

Навбатдаги яна бир йирик байрам Сретение (олқишлаш, кутиб олиш)

байрамидир. Бу байрам Исо туғилгач, авлиё Симеон томонидан унинг кутиб олинишига бағишланади.

Буюк байрамлар ичида Пасха биринчи ўринда туради. Пасха – Исонинг ўлганидан сўнг қайта тирилганини нишонлаб ўтказиладиган байрам. Пасханинг тарихи яҳудийликдаги пейсах байрами билан боғлиқ бўлиб, у яҳудийларнинг Мисрдан қочиб чиқиши ва озодликка эришишининг нишонланишидир. Христианлик яҳудийликдан тўла ажралиб чиққач, Пасха янгича тус олган.

Юқорида санаб ўтилган байрамлар олдидан уларга тайёргарлик сифатида турли муддатли постлар ўтказилади. Постнинг моҳияти инсон руҳини тозалаш ва янгилаш, диний ҳаётнинг муҳим воқеаларига тайёргарликдан иборат.

Рус Православининг кўп кунлик постлари (рўзалари) бўлиб, улар тўртта: Пасха олдидан, Пётр ва Павел куни олдидан, Богородица уйкусидан олдин ва Исо туғилган кундан олдин бўладиган постлар. Пасха олдидан бўладиган «Великий пост» 40 кунга чўзилади. Ушбу пост даврида – эски ҳисоб бўйича 25 мартда «Благовешение» байрами ўтказилади. Пост бошланишидан олти ҳафта ўтгач, якшанба куни христианликнинг ўн иккинчи байрами ёки 8-байрам «Худонинг Қуддусга кириши» нишонланади.

**Ра** – Қадимги Миср динида қуёш Худо. Фиръавнларнинг 5- сулолалари ўзларини Ранинг ўғли деб ҳисоблашган. Подшоҳларни Худонинг ўғли деб билиш милоднинг бшларигача давом этган. Мазкур 5- сулола Рани Мисрнинг олий Худосига айлантирган. 11 – 12 – сулолалар даврида жуда ҳам машҳур бўлмаган Амон худоси умуммиср худоларининг асосийсига айланди ва олдинги олий худо Ра билан бирлашиб, Амон - Ра шаклини олди.

**Раввин** – яҳудий дин арбоби. У яҳудий жамоаси диний ва оилавий масалаларида ҳакамлик қилади<sup>44</sup>.

Милоднинг I – IV асрларида яҳудий давлати бошдан кечирган иқтисодий ва ижтимоий таназзул халқ орасида руҳонийлар обрўйининг бениҳоя ошиб

---

<sup>44</sup> Диншунослик. Б.277

кетишига сабаб бўлди. Улар ўзларини *раввинлар* (*ҳазрат, жаноб*) деб атадилар. 66-70 йиллардаги кўзғолонда Исроил халқини ҳалокатдан қутқариб қолган Иоанн бен Закаи номли шахс яширинча Ўрта ер денгизи бўйида Явне (*Yavneh*) деган жойда диний мактаб (академия) ташкил қилди. Бу мактаб *раввинлар* таълимотини тарқатиш маркази бўлиб қолди. Натижада Лидда, Сепфорис, Уш, Тивериада деган жойларда шунга ўхшаш мактаб – «академия»лар ташкил этилди. Бу академияларнинг раҳбарлари «*наси*» (князь) ёки *патриарх* деб аталди. Улар бу мактабларга раҳбарлик қилиш билан бир каторда ўз худудларида фуқаролик ишлари бўйича ҳакамлик вазифаларини бажардилар ҳамда жамоанинг ишларида раҳбар, барча яҳудийларнинг диний раҳнамози ҳисобланар эдилар<sup>45</sup>.

**Реинкарнация** - (французча - қайта гавдаланиш) - худолар, рухлар, авлиёлар ва бошқалар одамлар орасида инсон, ҳайвон, ўсимлик, ҳатто жонсиз предмет қиёфасида пайдо бўлиш қобилятига эга деган тасаввурга ишонтиришни ифодаловчи иборадир.

**Рош-Ашона** – яҳудийликдаги янги йил байрами<sup>46</sup>. Кузда яҳудий календаридagi *тишири* ойининг 1- ва 2-кунлари (сентябр охири-октябр бошлари) янги йил байрами – Рош-Ашона нишонланади. Бу байрам яҳудийлар учун покланиш байрами ҳисобланиб, улар қурбонлик қилинган кўчқор шохидан ясалган сурнайларни чаладилар, чўнтақларини тўнтариб яхшилаб қоқадилар<sup>47</sup>.

Католик иерархиясида уч даражадаги руҳонийлар бор: *диакон, руҳоний* (кюре, патер, кендз), епископ. Епископни папа тайинлайди. Папани кардинал коллегия сайлайди. Бунда умумий овознинг учдан икки қисми қўшув 1-овоз (яширин овоз бериш) йўли билан II Ватикан соборида (1962-1965 йиллар) черков ҳаётининг барча жабҳаларини янгилаш, замонавийлаштириш жараёни бошланди. Бу биринчи навбатда ибодат анъаналарига тегишли бўлди.

---

<sup>45</sup> Диншунослик. Б.107-108.

<sup>46</sup> Диншунослик. Б.277

<sup>47</sup> Диншунослик Б.111.

Масалан, ибодатни лотин тилида олиб боришдан воз кечилди.<sup>48</sup>

**Рух** (арабча – жон, кўплиги арвоҳ) – диний тушунчага кўра, киши ҳаётида у билан бирга, вафотидан кейин эса, танадан чиқиб абадий қоладиган кўзга кўринмас нарса. Ҳадиси шарифда айтилишича, она қорнидаги чақалоқ тўрт ойлик бўлган куни унга руҳ ато этилади ва умри давомида шу руҳ билан бирга бўлади. Баъзи уламолар руҳ – бу қон деса, бошқалари нафас деб ҳисоблайди. Айримлар эса руҳни латиф ва нафис ҳаводан иборат деб, уни моддий нарсалар сафига киритади. Қуръони Каримга кўра, Аллоҳ одамзотни яратмасдан олдинроқ дастлаб қиёматга қадар келадиган одамларнинг руҳларини пайдо қилган. Исломда руҳнинг моҳияти ҳақида баҳс юритиш ман этилади. Қуръони Каримнинг “Исро” сурасида (85- оят) руҳ Аллоҳнинг илмига ҳавола этиладиган сир экани, руҳ тўғрисида одамлар жуда оз маълумотга эга бўлишлари таъкидланган.

***Рухонийлик*** ***Православ оқимидаги диний мансаблар.*** Православ оқимидаги диний мансаблар. Православ черковида руҳонийлар уч табақага бўлинади: 1) диакон, 2) руҳоний (священник), 3) епископ.

Диакон (грек. “хизматчи”) руҳонийликнинг энг қуйи табақаси ҳисобланади. У мустақил ҳеч қандай ибодатни бошқара олмайди, балки фақатгина руҳоний ёки епископга ибодат маросимини ўтказишда ёрдам бера олади, холос. Уни руҳонийлик сирлилигига (таинство) епископ қабул қилади. Катта диаконлар протодиакон, роҳиб диаконлар иеродиакон, катта иеродиаконлар архидиакон деб аталади.

Рухоний (священник) ёки иерей православ руҳонийлигининг иккинчи табақаси ҳисобланади. У бошқаларни руҳонийликка бағишлаш ва черков сувини муқаддаслаштиришдан бошқа барча сирли маросимларни бажара олади. Кичик руҳонийлар иерей, катта руҳонийлар протоиерей ва энг катта руҳонийлар протопресвитер деб номланади.

Епископ ёки архиерей руҳонийликнинг энг олий унвони ҳисобланади.

---

<sup>48</sup> Диншунослик Б.119-123

Епископлар барча ибодат ва сирли маросимларни бажара оладилар. Шунингдек, улар маълум бир шаҳар, вилоят черкови ёки епархияни бошқара оладилар. Нисбатан каттароқ епископлар архиепископ дейилади. Пойтахт шаҳарларнинг епископлари митрополит деб аталади. Православ черковининг энг олий мансаби патриархдир.

**Руҳонийликка қабул қилиш** (рукоположение) – христианликдаги 7 сирли маросимдан бири бўлиб, руҳонийлик мартабасига кўтарилиш билан боғлиқдир. Диний таълимотга кўра, руҳоний бўладиган шахснинг бошига епископ қўл теккизгандан кейин, гўё у “муқаддас руҳ” нинг алоҳида марҳамати билан худо ва одамлар ўртасида воситачилик хусусиятига эга бўлади.

**Самовий динлар** – пайғамбарлари худо тарафидан юборилган бўлиб, ўша пайғамбарларга илоҳий китоблар нозил қилинган динлар. Уларнинг барчасида яккахудолик эътиқоди тарғиб қилинган. Исломда пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга Жаброил фаришта орқали Қуръони Карим нозил қилинган. Христианликда Исо а.с га ҳам Жаброил (Гавриил) фаришта орқали Инжил китоби нозил қилинган. Яҳудийликда Мусо а.с га Тур тоғида Аллоҳ таоло билан гаплашиш орқали Таврот китоби берилган.

**Сансара** – буддизмда қайта туғилиш занжири ҳисобланади. Ушбу атама буддизмда нирвананинг акси ҳисобланади. Ёмон одамларнинг руҳлари қайта – қайта туғилишларидан сўнг ер остига тушиб кетади. Буддавийлик таълимотига кўра, ўлим инсонни ҳаёт азоб – уқубатларидан халос эта олмайди. Чунки, ўлимдан кейин ҳам инсонни қайта туғилиш кутади. Мана шундай қайта туғилиш (сансара) нинг азоб уқубатларидан фақатгина архат (олий камолотга етган) ҳолатига эришган кишиларгина халос бўлишлари мумкин. Архат ҳолатига эришиш ва ундан нирванага ўтишнинг ягона йўли нажотнинг олийжаноб саккизлик йўлига эргашишдир.

**Сатанистлар** – “Шайтон малайлари”. 1960- йилларнинг ўрталарида Вьетнамдаги урушга қарши ҳаракат шиори остида шакилланган ёшлар оқими. Уларнинг таълимотига кўра, шайтоннинг Худодан фарқи унинг инсонга бу



дунёда яхшига қарши ёмон борлигини билдирувчи ва Ер юзида фахш, алкоголь, наркотик каби дунё лаззатлари борлигини ўргатувчи эканидир.

Россияда бу оқим вакиллари қабр ва муқаддас саналган обидаларни бузиш каби турли номақбул ишларни амалга оширганлар.

Ўзбекистонда сатанистлар фаолияти аниқ ҳолатларда кўзатилмаган. Аммо, айрим ҳолларда “сатанистлар” каби кийиниб олган 5 – 6 кишидан иборат ёшлар гуруҳи фуқаролар тарафидан кўзатилгани аниқланган.

**Сехргарлик** – одам, ҳайвонот ва табиатга ғайритабиий йўл билан таъсир ўтказиш мақсадида бажариладиган хатти – ҳаракатлар ва урф – одатлар.

**Синагога** – яҳудийлар ибодатхонаси. Яҳудийлар синагогасининг шарқий томонида Торанинг нусхалари сақланадиган сандиқ ва раввин учун минбар қўйилган. Аёллар эркаклардан алоҳида ибодат қиладилар. Синагогада ибодат хор шаклида олиб борилади<sup>49</sup>. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг яҳудийларнинг миллий, диний эркинликларига йўл очиб берилди. Ҳозирда Тошкент, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида *бухоролик* ҳамда *ашкенази* (европалик) яҳудийларининг миллий маданий марказлари, шунингдек, синагогалари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Яҳудий жамоалари мамлакатнинг учта маъмурий ҳудудида ўзининг ибодатхоналарига эга бўлиб, жами саккизта синагога рўйхатдан ўтган.

**Сонлар** – яҳудийликдаги “Мусонинг 5 китоби” (Тора) дан тўртинчиси ҳисобланади. “Сонлар” китобида қонунчилик ва яҳудийларнинг Мисрдан олиб чиқиб кетилган даврдан то Фаластинни босиб олгунларига қадар бўлган тарихига бағишланган.

**Табу** – тотемистик тасаввурлар мавжуд бўлган жамиятдаги диний тақиқ. Бу тасаввурларга кўра, табуни бузган одам руҳлар ва худолар томонидан унга оғир касаллик ёки ўлим юбориш билан жазоланади. Табу маълум бир буюмга тегмаслик, маълум сўзни айтмаслик, маълум ҳайвонларнинг гўштини емаслик кабилардан иборат бўлиши мумкин<sup>50</sup>.

---

<sup>49</sup> Диншунослик Б.119-123

<sup>50</sup> Диншунослик Б.278.

Табунинг энг мукамал системаси Полинезияда бўлган. Табу объектлари - буюмлар, сувлар, ҳайвонлар, одамлар ва бошқалар бўлиши мумкин. Кўпинча табу моддий буюмларга тааллуқли бўлади. Жамият таракқий этиб, синфий табақаланиш кучая борган сари табу ижтимоий тенгсизликни муқаддаслаштира бошлаган. Табунинг бир қисми одат ҳуқуқи нормасига айланган, кўпчилиги динга тақиқлар сифатида киритилиб, уни бузиш — гуноҳ ва илоҳий жазога лойик деб ҳисоблана бошлаган.

Дин,  
диншунослик  
диний манба,  
диндор,  
теолог,  
мазҳаб,  
антропология,  
феноменология.  
диний мифология  
дин психологияси  
дин социологияси  
дин – ижтимоий ҳодиса

*Осор ал-Боқия*

Қиёс  
қиёсий диншунослик  
қиёсий таҳлил  
санскрит  
“Сўздан эътиқодга”  
диншунослик соҳаси  
ислом институти  
диний таълим

ЮНЕСКО жаҳон динларини қиёсий ўрганиш кафедраси

## VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
2. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. – Т.: Ўзбекистон., 2001.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008. -176 б.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. -440 б.
5. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: Ўзбекистон, 2015. -302 б.

### II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

### III. Махсус адабиётлар

1. Токарев С.А. Религия в истории народов мира. 4-е изд., испр. и доп. М., 1986.
20. Тайлор Э. Первобытная культура. М., 1989.
21. Религиозные традиции мира. Буддизм, иудаизм, христианство, ислам. Справочник школьника. Бишкек, 1997.
22. Радугин А.А. Введение в религиоведение: теория, история и современные религии. М., 1996; 2-е издание, исправленное и дополненное. М., 1999.
23. Основы религиоведения. Под редакцией И.Н. Яблокова. М., 1994. Издание второе, переработанное и дополненное. М., 1998.
24. Лекции по истории религии. Учебное пособие. Санкт-Петербург, 1997.
25. Лекции по религиоведению. Под редакцией профессора И.Н. Яблокова. М., 1998.
26. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий

- асослари. – Т.: Ислом университети, 2005.
27. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. –Т.:Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009.
28. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.: Ўзбекистон, 2000.
29. Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири. Т.: Адолат, 1998.
30. Беруний Абу Райҳон. Танланган асарлари: Т.1. (Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар) Т.: Фан, 1968.
31. Йўлдошхўжаев Ҳ., Раҳимжонов Д., Комилов М. Диншунослик: маърузалар матни. Т.: 2000й.
32. Қуръони карим.-Т.: «Чўлпон», 1993 йил.
33. Ҳусниддинов З.М. «Ислом: йўналишлар, оқимлар, мазҳаблар». «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти. Тошкент, 2000 йил.
34. Ҳасанов А.А. «Қадимги Арабистон ва илк ислом, жоҳилия асри». «Тошкент ислом университети», 2001 йил.
35. «Ислом зиёси ўзбегим сиймосида». «Тошкент ислом университети» нашриёти, 2001й.
- 36.- «Шарқ» нашриёт – матбаа концернининг бош таҳририяти. Т.: 1998 й.
37. Шайх Муҳаммад Хузарий. «Нурул яқин ва итмомул вафоъ». Мовароуннаҳр нашриёти, 1992 йил.
38. Исҳоқов М.М. Халқ даҳосининг қадимги илдизлари ва илк куртаклари (Зардуштийлик, Зардушт ва Авесто ҳақида) // «Тил ва адабиёт таълими» журнали, № 2 (1992), Б. 3-12.

#### **IV. Электрон таълим ресурслари**

1. [www.Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz)
2. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
3. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
4. [www.nuuz.uz](http://www.nuuz.uz)
5. [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)